Қарз даражаси мавзусида энг кўп иқтибос келтириладиган ишлар С. Reinhart and К. Rogoff (2010) ларнинг ишлари ҳисобланади. Уларнинг 2010 йилдаги "Қарз даврида иқтисодий ўсиш" мавзусидаги тадқиқотида 44 та давлатнинг деярли 200 йиллик маълумотларини таҳлил қилиб чиқилган. Уларнинг асосий хулосалари шундан иборат: давлат

қарзининг ЯИМга нисбати 90%гача бўлган даражасида ЯИМ ўсиш суръати у қадар пасаймайди. Ундан кейинги ҳар бир фоизлик давлат қарзи ошиши ЯИМ ўсиш суръати бир фоиздан кўпроқ пасаяди. Ривожланаётган давлатлар учун бу кўрсаткичлар бироз бошқачароқ: давлат ташқи қарзининг ЯИМга нисбатан 60%га етганда, йиллик ўсиш суръати 2%га тушади, ундан кейинги қарз даражаси ошиши ўсиш суръатини 2 баробар пасайтиради. Шунингдек, ривожланаётган давлатлар қарзининг ошиши давлатдаги инфляция даражасининг ҳам ошишига олиб келиши бу ишнинг хулосаларидан бири бўлди<sup>4</sup>.

Pedro Leao (2015) ўзининг юқори қарз даражаси ҳақиқатан ҳам муаммо ёки йўқлигини таҳлил қилган мақоласида давлат қарзининг юқори даражасининг солиқ юки ошишига таъсири, давлатнинг дефолт ҳолатига тушиб қолиши ва инфляцияга олиб келувчи таъсирини камайтирувчи давлат фискал сиёсати механизмларини ишлаб чиқишни таклиф қилади<sup>5</sup>.

Умуман олиб айтганда, давлат қарзи ва унинг максимал чегарасининг белгилаш масаласи кўплаб хорижий илмий тадқиқот ишларида ёритилган. Уларнинг илмий-амалий хулосаларини Ўзбекистон давлат қарзи бўйича сиёсатга нисбатан қўллаш имконияти мажуд.

### ТАДҚИКОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ (RESEARCH METHODOLOGY)

Қарзнинг оптимал даражасини топишдан олдин давлат қарзи формуласини аниқлаб олиш керак<sup>6</sup>:

$$D_t = (1+r) D_{t-1} = PB_t \quad (1)$$

бунда,  $D_t$ - $t$  даврдаги давлат қарзининг ЯИМга нисбати,  $r$  - қарзнинг йиллик фоиз ставкаси,  $PB_t$ - $t$  йилдаги давлат бюджети баланси. Бу тенгламани шундай тушуниш мумкин: жорий йилдаги давлат қарзи миқдори ўтган йилдаги қарз миқдори ва унинг шу йилдаги фоиз тўловларига шу йиллик давлат бюджетига баланси кўшилади. Бу тенгламада яна бир муҳим кўрсаткич - иқтисодий ўсишни ҳам ҳисобга олиш керак<sup>2</sup>:

$$D_t = (1+(r-g)) D_{t-1} = PB_t \quad (2)$$

юқоридаги тенгламага қўшилган  $g$  - иқтисодиётнинг йиллик ўсиш суръати.  $D$  - қарзнинг ЯИМга нисбати эканлиги туфайли кўрсаткич қарз миқдорига нисбатан тескари таъсир кўрсатиб, манфий ишорага эга бўлади.

Ўзбекистон учун оптимал давлат қарзи миқдорини топишда кўп омилли иккинчи даражали регрессия тенгламасини тузиш усулини ишлатамиз.

Бу усул давлат қарзи иқтисодий ўсишга нисбатан маълум даражагача ижобий, ундан кейин эса салбий таъсир қилиши ғоясидан келиб чиқади. Яъни, иккинчи даражали тенглама ҳосил бўлади:

$$grgdp = a_0 + a_1 r + a_2 td + w + e \quad (3)$$

Бунда,  $grgdp$  - номинал ЯИМ ўсиш суръати,  $td$  - давлат қарзининг ЯИМга нисбати,  $w$  - бошқа омиллар,  $a_1$  - параметрлар,  $e$  - хатолик даражаси.

Ушбу моделда иқтисодий ўсиш даражасини максималлаштириш учун функциянинг ҳосиласини олиб, нолга тенглаштирамиз.

**Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи бошқа омиллар қуйидагилар:**

## 1-жадвал

## Модел учун керакли кўрсаткичлар

Ўзгарувчи номи	Белгиланиши	Тавсифи	Таъсири	Манба
ЯИМ ўсиши	<i>grgdp</i>	Номинал ЯИМ ўсиш суръати	Асосий кўрсаткич	Давлат Статистика кўмитаси
давлат қарзи	<i>td</i>	Давлат қарзининг ЯИМга нисбати	-	Жаҳон банки
ташқи қарз	<i>ed</i>	Давлатнинг ташқи қарзи ЯИМга нисбати	-	Жаҳон банки
инвестиция	<i>inv</i>	Асосий капиталга инвестиция ЯИМга нисбатан	+	Осиё тараққиёт банки
савдо очиклиги	<i>tr_open</i>	Давлатнинг экспорти ва импорти йиғиндиси	+	Осиё тараққиёт банки
инфляция	<i>Inf</i>	Йиллик истеъмол нархлари индекси ўзгариши	-	Давлат Статистика кўмитаси

## 2-жадвал

## 2019 йил ҳолатига ташқи қарзга кўра дунё давлатлари рейтинги

№	Давлат	Ташқи қарзи (млрд доллар)	№	Давлат	Ташқи қарзи ЯИМга нисбатан
1	Америка Қўшма Штатлари	17910	1	Япония	253%
2	Буюк Британия	8126	2	Греция	181.1%
3	Франция	5360	3	Ливан	152%
4	Германия	5326	4	Италия	123.4%
5	Нидерландия	4063	5	Кабо Верде	123.40%
6	Люксембург	3781	6	Португалия	121.50%
7	Япония	3240	7	Конго	117.70%
8	Ирландия	2470	8	Сингапур	112.20%
9	Италия	2444	9	Мозамбик	110.50%
10	Испания	2094	10	Бутан	108.64%
...	...	...	...	...	...
100	Ўзбекистон	16.9	...	Ўзбекистон	24%

**Манба:** Жаҳон банки маълумотлари асосида тайёрланди.

**Бу кўрсаткич  
бўйича "энг юқори"  
ўринларда  
Япония (253%),  
Греция (181%)  
ва  
Ливан (152%)  
турибди.**



Модел тузишда айнан шу кўрсаткичларнинг таланишига асосий сабаблар шундаки, мамлакатга киритилаётган инвестициялар, мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси, яъни экспорт ва импорт салоҳияти ҳамда мамлакатдаги нархлар даражаси давлат қарзлари даражасига таъсир кўрсатади. Шунингдек, давлат қарзининг иқтисодий ўсишга таъсирини аниқлашдан ташқари биз айнан ташқи

қарзнинг ЯИМга таъсирини ҳам ўрганиб чиқамиз.

### **ТАХЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР (ANALYSIS AND RESULTS)**

Давлат қарзи шаклланишининг асосий сабаблари давлат бюджетининг тақчилиги ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағлари мавжуддигидир.


Ташқи қарзига кўра давлатлар рўйхатида АҚШ энг катта қарзга эга давлат сифатида би-

ринчи ўринда турибди. Бироқ, ҳақиқий қарз даражасини кўриш учун давлат қарзининг ЯИМга нисбатига эътибор қаратиш лозим. Бу кўрсаткич бўйича "энг юқори" ўринларда Япония (253%), Греция (181%) ва Ливан (152%) турибди.

Ривожланган давлатларда ташқи қарз даражаси юқори бўлса ҳам, ЯИМга нисбатан у қадар катта эмас, шу туфайли ушбу давлатлар учун юқори қарз даражаси катта муаммо эмас.

**Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи динамикаси (млрд доллар)**

**1-расм.**



**Манба:** Жаҳон банки маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда ташқи ва ички манбалардан давлат қарзларини олиш тенденцияси мавжуд бўлиб, ушбу маблағларнинг катта қисми иқтисодий соҳаларини ривожлантиришга, шунингдек, моддий-техник базани яхшилаш учун сарфланмоқда. Яъни, ушбу қарз миқдорини қоплаш учун келгусида етарлича маблағга эга бўлиш ҳар томонлама кафолатланмоқда.

Ўзбекистон давлат қарзи миқдори 2016 йил 1-чорагида 13 млрд АҚШ доллари миқдорида бўлган бўлса, 2019 йил 2-чорагида умумий давлат қарзи миқдори 20 млрд доллардан ошди (1-расм).

Ўзбекистоннинг давлат қарзи даражасини иқтисодий ўсишга

боғлиқ ҳолда моделлаштиришда бир қанча муаммолар мавжуд:

1. Маълумотларнинг етарли даражада кўп эмаслиги.

Ўзбекистоннинг иқтисодий кўрсаткичлари 1991 йилдан бошланса-да, 90-йиллардаги инқироз натижасида маълумотларда жуда катта фарқлар келиб чиқади. Шу туфайли, моделга яроқли маълумотлар фақат 2000 йиллардан кейин бошланади.


2. Статистик маълумотларнинг тўлиқ талабга жавоб бермаслиги.

Айрим йиллардаги статистик маълумотларни ҳақиқийлиги тўлиқ талабга жавоб бермаслиги моделнинг сифатига таъсир қилади.

**Ўзбекистон**  
**давлат қарзи миқдори**  
**2016 йил 1-чорагида**  
**13 млрд АҚШ доллари**  
**миқдорида бўлган бўлса,**  
**2019 йил 2-чорагида**  
**умумий давлат қарзи**  
**миқдори 20 млрд**  
**доллардан ошди**

2-расм.

**Давлат қарзининг ЯИМ ўсиш суръати билан боғлиқлиги**



**Давлат қарзининг ЯИМга нисбати**

**Манба:** Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Давлат қарзининг ЯИМдаги улуши ҳамда ЯИМ ўсиш суръати ўртасидаги боғлиқликка эътибор қаратсак (2-расм), Ўзбекистоннинг қарзи кам бўлган вақтда иқтисодий ўсиш


даражаси ҳам анча юқори бўлган. Кейинги даврларда статистик маълумотларнинг тўғри-ланиши даври билан давлат қарзи миқдорининг ошиши даврига тўғри келган.

Муаллиф таклиф қилган модел натижалари.

Моделни яратишда 2000 - 2018 йиллардаги маълумотлар ҳисобга олинган. Кўрсаткичларнинг барчаси фоизда ҳисобланган.

3-расм.

**Модел учун керакли кўрсаткичлар динамикаси**



**Манба:** Давлат статистика қўмитаси, Жаҳон банки ва Осие тараққиёт банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Ушбу кўрсаткичлар натижасида давлат қарзининг оптимал даражасини ҳисоблаймиз:

3-жадвал

**Моделни ҳисоблашдан олинган натижалар**

a0	td	td^2	ed	inv	tr_open	inf	R^2
3.145209	2.81693	-0.37005	0.207982	0.230687	0.071177	-0.20361	0.960638

Моделда бизни қизиқтирган кўрсаткич - давлат қарзи даражаси бўлганлиги учун, фақат давлат қарзи ёрдамида модел тузамиз. Бошқа омиларни ташлаб юборишга яна бир сабаб - регрессия тенгласининг максимал нуқтасини топиш учун қарз даражаси бўйича биринчи даражали ҳосила олинганда ушбу кўрсаткичлар ёрдамида модел қуйидагича кўриниш олади:

$$grgdp = 3.1452 + 2.81td - 0.37td^2 \quad (4)$$

Тенгламадан максимум нуқтани, яъни ЯИМ ўсиш даражаси максимал бўладиган қарз даражасини топиш учун биринчи даражали ҳосилани ҳисоблаймиз ва натижани 0 га тенглаштирамиз.

$$\frac{d}{d(td)}grgdp = 2.81 - 0.74td = 0 \quad (5)$$

Натижа:  $td = 45\%$ . Демак, моделнинг кўрсатишига кўра, Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти ўсиш суръати максималлашадиган нуқта - унинг ЯИМга нисбатан улуши 45%дан ошмаган ҳолда эришилар экан.

Моделимиз Ўзбекистонда оптимал қарз даражасини баҳолаш бўйича кўрсаткични аниқлаб берди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишга таъсир этувчи бошқа омиллар давлат қарзи даражаси ўсиб кетишидан юзага келадиган турли хавф хатарларни бар-тараф этиши мумкин.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР (CONCLUSION/ RECOMMENDATIONS)**

Давлат қарзи бир вақтнинг ўзида иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим омиллардан бири ҳисобланса-да, унинг ҳаддан ортиб кетиши келгуси иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай саҳроитда ҳар бир давлат ўзининг ички ва ташқи қарзи миқдорига нисбатан оптимал чеклов даражасини қўйиши, бу чеклов мам-



**Европа иттифоқига  
қўшилишнинг асосий  
шартларидан бири  
давлат қарзининг  
ЯИМга нисбати  
60%дан  
ошмаслиги  
ҳисобланган**

лакатнинг иқтисодий ўсишига салбий таъсирни минималлаштирадиган нуқтада бўлиши ҳозирги кунда барча давлатларнинг иқтисодий сиёсати олдида турган вазифалардан ҳисобланади.

Турли халқаро институтлар, жумладан Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа иттифоқи мамлакатнинг давлат қарзи лимитини белгилаш бўйича ўз тавсияларини бериб келмоқдалар. Жумладан, Европа иттифоқига қўшилишнинг асосий шартларидан бири давлат қарзининг ЯИМга нисбати 60%дан ошмаслиги ҳисобланган<sup>7</sup>.

Ушбу ишнинг мақсади сифатида давлат қарзи даражаси чекловининг ҳар томонлама қулай нуқтасини топиш эди. Бу мақсадга эришиш йўлида икки турли эконометрик моделлар тузи-





**Турли халқаро институтлар, жумладан Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа иттифоқи мамлакатнинг давлат қарзи лимитини белгилаш бўйича ўз тавсияларини бериб келмоқдалар. Жумладан, Европа иттифоқига қўшилишнинг асосий шартларидан бири давлат қарзининг ЯИМга нисбати 60%дан ошмаслиги ҳисобланган.**

либ, уларнинг натижалари таҳлил қилинди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон давлат қарзининг таклиф қилинган даражадан ошиб бораётганлиги қарз даражасини чеклаш борасида аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Ушбу таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон учун ҳозирги кунда давлат қарзи даражасининг ЯИМга нисбатан улуши 45% миқдордан ошмаганлиги маъқул. Қарз даражасининг ушбу кўрсаткичдан 1 фоиз пунктга ошиши иқтисодий ўсиш суръатини 3.95 фоиз пунктга камайишига олиб келади.

Яқин истиқболда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида давлат қарзи ва унинг структурасини оптималлаштириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Бюджет дефицитини қоплашда давлат ички облигацияларини чиқариш ва уларни мамлакат резидентларига сотиш масаласини кўриб чиқиш. Ушбу

мавзудаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, давлат қарзларининг миллий валютада бўлиши давлатнинг ташқи таъсирларга нисбатан чидамли бўлишига имконият яратади;

2. Мамлакат ривожланишнинг ўтиш босқичини бошидан ўтаказётганлиги ҳисобга олиниб, давлат қарзининг ЯИМга нисбатан улушини ХВФ тавсияси (55%) дан паст даражада белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Муаллиф томонидан бу кўрсаткич 45% даражасида белгилаш тавсия этилади;

3. Давлат қарзининг юқори чегараси даражаси Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексидан қайд этиб қўйилиши ва қарз даражасининг бу кўрсаткичдан ошиб кетмаслигини таъминлаш чораларини кўриш.

Муаллиф томонидан таклиф этиладиган ушбу тавсиялар Ўзбекистоннинг давлат қарзи миқдорини тартибга солиш ҳамда макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишини таъминлашга хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)

1. Marcet, A., Sargent, T. J., & Seppala, J. (2002). *Optimal taxation without state-contingent debt*. SSRN Electronic Journal.
2. Pienkowski, A. (2017). *Debt limits and the structure of public debt*. *Journal of Globalization and Development*, 8(2).
3. Dabrowski, M. (2016). *Fiscal Sustainability: Conceptual, Institutional, and Policy Issues*. *CASE Research Paper*, (4-128).
4. Reinhart, C. M., & Rogoff, K. S. (2010). *Growth in a Time of Debt*. *American economic review*, 100(2), 573-78.
5. Le?o, P. (2015). *Is a very high public debt a problem?*. *Levy Economics Institute of Bard College Working Paper*, (843).
6. <https://www.bradford-delong.com/2010/12/economics-1-uc-berkeley-fall-2010-september-27-government-deficits-and-debts-lecture.html>
7. Chohan, U. W. (2016). *Independent Fiscal Institutions at the Supranational Level: The European Fiscal Board*. Available at SSRN 2883550.
8. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.
9. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.
10. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти.
11. [www.wordbank.org](http://www.wordbank.org) - Жаҳон банки сайти.
12. [www.imf.org](http://www.imf.org) - Халқаро валюта жамғармаси сайти.
13. [www.adb.org](http://www.adb.org) - Осиё тараққиёт банки сайти.





# Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорлигининг институционал механизми

Мухтор СУННАТОВ,  
ТДИУ  
мустақил изланувчи

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк бозорини тартибга солишнинг институционал механизмини ривожлантириш масалалари кўрилган.

**Таянч тушунчалар:** интеллектуал мулк, патент, инсофсиз рақобат, давлат бюджети, муаллифлик ҳуқуқи, контрафакт, институционал иқтисодиёт.

**Аннотация:** в статье рассматриваются проблемы развития институциональных механизмов регулирования рынка интеллектуальной собственности в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** интеллектуальная собственность, патент, мошайническая конкуренция, государственный бюджет, авторское право, контрафакт, институциональная экономика.

**Abstract:** the development issues of institutional mechanisms of regulating market of intellectual property in the Republic of Uzbekistan are seen in the article.

**Key words:** intellectual property, patent, competition, state budget, author's right, counterfeit, institutional economy.



**1710** йилда

**муаллифлик ҳуқуқи  
бўйича биринчи  
"Қиролича Анна мақоми"  
қонуни қабул қилинди.  
Қонунга кўра муаллиф  
томонидан тақдим  
этилган асарни  
муаллифлик ҳуқуқи  
нашр этилган вақтдан  
бошлаб 14 йил давоми-  
да амал қилиши,  
зарур бўлганда  
узайтирилиши  
мумкин эди.**

**Замонавий инновацион техно-  
логиялар ва интеллектуал мулк  
савдоси шароитида давлатлар  
тегишли ҳуқуқий шарт-шароит-  
ларни яратмасдан етарли дара-  
жада жадал ривожлана олмайди.  
1980 йилларнинг охирида бош-  
ланган глобаллашув ва бозорлар-  
ни бирлаштириш интеллектуал  
соҳада ҳамкорликнинг янада са-  
марали халқаро-ҳуқуқий меха-  
низмини шакллантириш мумкин  
бўлган шароитларни яратди.  
Ҳозирги вақтда халқаро миқёс-  
да интеллектуал мулк соҳасида-  
ги муносабатларни ҳуқуқий тар-  
тибга солишни ривожлантириш  
бўйича умумий тенденциялар  
аниқланди:**

- миллий қонунчиликда ин-  
теллектуал мулкни ҳимоя  
қилишни халқаро конвенция-  
лар билан бирлаштириш ва  
уни мамлакат фуқароларига  
тақдим этишда ягона ёндашув-  
ни таъминлаш;

- барча манфаатдор жисмо-  
ний ва юридик шахслар учун  
дунёнинг барча мамлакатлари-  
да берилган ҳуқуқлар доираси-  
ни ва уларни ҳимоя қилиш им-  
кониятларини тенглаштириш-  
дан иборат.

Натижада интеллектуал  
мулкнинг ҳудудий ҳимояси аста-  
секин ўз ҳудудий хусусиятини  
йўқотишни бошлади ва халқаро  
миқёсга ўтди. Ушбу ҳимоя-  
нинг ишончли даражаси илмий  
изланишларни, маданият, ада-  
биётни ривожлантиришни, фан  
ва техника ютуқларидан амалий  
фойдаланишни, шунингдек,  
уларнинг алмашинувини рағ-  
батлантиради.

Интеллектуал мулкни ҳимоя  
қилишнинг халқаро тизими иш-  
лаб чиқилган конвенциялар ва  
битимлар тармоғига асосланган<sup>1</sup>.  
Амалдаги шартномаларни халқ-

аро эътироф этилиши ва амалий  
қўлланиши конвенция ҳуқуқла-  
рини белгилайди. Улар миллий ва  
халқаро манфаатларни ҳисобга  
олган ҳолда интитуционал му-  
ҳитнинг асосий элементларини  
белгилаб беради.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк  
ташкilotи (БИМТ), Жаҳон сав-  
до ташкilotи (ЖСТ) ва Бир-  
лашган Миллатлар Ташкilotи  
(БМТ)нинг Таълим, фан ва ма-  
даният масалалари бўйича таш-  
кilotи (ЮНЕСКО) глобал ми-  
қёсда интеллектуал мулк (ИМ)-  
нинг ҳимояси билан шугуллана-  
диган асосий институтлардир.  
Интеллектуал мулк соҳасида  
халқаро ҳамкорлик институтла-  
рининг ўзига хос тарихи мавжуд.

Биринчи муаллифлик ҳуқуқи  
ва патент қонунлари Англияда  
қабул қилинди. 1623 йилда қирол  
Яков Стюарт бошқаруви остида  
"Монополиялар мақоми" қабул  
қилинган бўлиб, унда қиролнинг  
хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган  
ва техник янгиликларни яратган  
ва қўллаган ҳар бир кишига  
унинг афзалликлари ва устун-  
ликларини монополлаштириш  
ҳуқуқи 14 йилга берилган. 1710  
йилда муаллифлик ҳуқуқи бўйи-  
ча биринчи "Қиролича Анна ма-  
қоми" қонуни қабул қилинди.  
Қонунга кўра муаллиф томони-  
дан тақдим этилган асарнинг му-  
аллифлик ҳуқуқи нашр этилган  
вақтдан бошлаб 14 йил давоми-  
да амал қилиши, зарур бўлганда  
узайтирилиши мумкин эди<sup>2</sup>.

XIX асрда Европанинг акса-  
рият мамлакатларида патент ва  
муаллифлик ҳуқуқи мулк си-  
фатида, баъзан эса кўчмас мулк  
ёндашуви бўйича муаллифлик  
ҳуқуқлари берилди. Интеллекту-  
ал мулк соҳасидаги халқаро ҳам-

2. А.А. Бовин, Л.Е.Чередникова,  
В.А. Якимомич, Управление иннова-  
циями а организации. Учебное  
пособие.-М.: "Омега-Л", 2009. - 83-  
85сс.

1. С.А.Судариков Право интел-  
лектуальной собственности.Учеб-  
ник.- М.: Проспект, 2010. -8-12сс.

корликнинг институционал асосларининг дастлабки саноат мулкани ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенцияси бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида ташкил этилди. Бунга сабаб ихтироларни ҳимоя қилиш тизимини яратган мамлакатлар сонининг кўпайиши натижасида саноат мулкисидики қонунларни уйғунлаштириш зарурияти ҳамда давлатларо технологик алмашинувининг ривожланиши ва халқаро савдонинг ўсиши асос бўлди.

Хорижий ихтироларнинг тегишли даражада ҳимоясининг йўқлиги, айниқса, Австрия-Венгрия империяси томонидан 1873 йилда Вена шаҳрида уюштирилган халқаро ихтиролар кўргазмасида яққол кўринди. Кўплаб хорижий меҳмонлар кўргазмада ихтироларнинг ҳуқуқий ҳимоясини етарли эмаслиги сабабли ўз ихтироларини намойиш қилишни истамадилар. Шу билан бирга турли мамлакатларда бир вақтнинг ўзидики саноат мулки

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жуда қийин эди. Бундан ташқари патентга талабномалар деярли барча мамлакатларда бир вақтнинг ўзидики топширилиши керак эди. Бу масаларни ҳал қилиш пойдеворини ишлаб чиқиш учун халқаро конференцияни чақириш ва ягона патент ҳимояси қонунини яратиш бош мақсадга айланди. Олиб борилган бир қатор музокаралардан сўнг 1883 йилда Парижда 11 та давлат (Белгия, Бразилия, Гватемала, Италия, Испания, Голландия, Португалия, Салвадор, Сербия, Франция, Швейцария) иштирокида Саноат мулкани ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенцияси имзоланди.

Конвенциянинг асл матни, саноат мулкани ҳимоя қилишни халқаро тизимини такомиллаштириш мақсадида бир неча бор қайта кўриб чиқилган. Жумладан, 1900 йилда Брюсселда, 1911 йилда Вашингтонда, 1925 йилда Гаагада, 1934 йилда Лондонда, 1958 йилда Лиссабонда ва

1967 йилда Стокгольмда қайта кўриб чиқилган ва охириги 28 сентябрь 1979 йилда матнда тўлдиришлар амалга оширилди<sup>3</sup>.

Конвенция ўз ичига тўртта асосий қоидалар гуруҳини олди: 1) миллий режимга оид қоидалар: Конвенцияда иштирок этаётган ҳар бир мамлакат бошқа қатнашувчи давлатлар вакилларига ўз фуқаролари учун саноат мулки ҳимоясини қандай муҳофаза қилсалар уларга ҳам шундай қоидаларни таъминлаши керак; 2) устуворлик ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар: Конвенцияда қатнашаётган мамлакатлардан бирида, ариза асосида рўйхатдан ўтказилган саноат мулки ҳуқуқи бўйича берилган расмий талабнома, белгиланган муддат (6 ёки 12 ой) ичида барча иштирокчи давлатлар ўртасида ҳимоя қилинади; 3) Конвенцияда иштирок этувчи давлатлар томонидан амалга ошириладиган қонунчи-

3. [https://www.wipo.int/treaties/ru/ip/paris/summary\\_paris.html](https://www.wipo.int/treaties/ru/ip/paris/summary_paris.html)



лик соҳасидаги умумий қоидалар (масалан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари) қонун устуворлигида ижодкорона бошқарилиши керак; 4) Конвенцияни амалга ошириш учун бошқарув органлари ва уларнинг тузилмаси тўғрисидаги низом.

Париж конвенцияси sanoat мулкани ҳимоя қилишнинг ҳар хил турларини қамраб олади: ихтиро, савдо маркалари, sanoat намуналари ва бошқалар<sup>4</sup>. Конвенция қоидалари вақти-вақти билан кўриб чиқилади. Масалан, ривожланаётган давлатлар учун маълум афзалликларни таъминлайдиган қўшимча қоидалар жорий этилади.

Интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг институционал асосларидан иккинчиси, Адабиёт ва санъат асарларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси бўлиб хисобланади. XIX аср ўрталарида халқаро миқёсда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошланди. Икки томонлама шартномаларнинг тузилишига асосланиб ҳуқуқларнинг таъминланиши тан олинсада, улар бир хил эмас эди. Бир хилликка бўлган эҳтиёж 1886 йилда адабиёт ва санъат асарларини ҳимоя қилиш тўғрисида Берн конвенциясининг шаклланиши ва қабул қилинишига олиб келди. Бу конвенция муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги энг қадимий халқаро шартнома хисобланади. Конвенциянинг асл матни адабиёт ва санъат асарларини ҳимоя қилишнинг халқаро тизимини такомиллаштириш мақсадида бир неча бор қайта кўриб чиқилган. Жумладан, 1896 йилда Парижда, 1908 йилда Берлинда қайта кўриб чиқилган

бўлса, 1914 йилда Бернда, 1928 йилда Римда тўлдирилган, 1948 йилда Брюсселда, 1967 йилда Стокгольмда, 1971 йилда Парижда қайта кўриб чиқилган ва охириги 28 сентябрь 1979 йилда матнда тўлдиришлар амалга оширилди<sup>5</sup>.

**Берн конвенциясининг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:**<sup>6</sup>

*Биринчидан*, миллий режим ўрнатилди, яъни Берн иттифоқига аъзо мамлакатларнинг бирида пайдо бўладиган асарлар бошқа иттифоқчи мамлакатларда ўз фуқароларининг ишлари сингари ҳимоя қилинади;

*Иккинчидан*, бундай миллий режим бирон бир расмийликни амалга оширишга боғлиқ эмас, яъни ҳимоя автоматик равишда таъминланади ва рўйхатдан ўтказилади. Депозит қўйиш ҳам шарт эмас;

*Учинчидан*, ҳимоя билан таъминлаш унинг мавжудлигига боғлиқ эмас ёки асар келиб чиққан мамлакатда амал қилиш муддатига.

Асардан фойдаланишда руҳсат бериш учун мутлоқ ҳуқуқлар қуйидагича аталади (минимал ҳуқуқлар миқдори): таржима қилиш ҳуқуқи; драматик асарни омма олдида ижро этиш ҳуқуқи; мусиқали-драматик асарлар ҳуқуқи; эфирга узатиш ҳуқуқи; асарлар асосида филмлар яратиш ҳуқуқи. Асарлар ҳимояси қоида тариқасида муаллифнинг ҳаёти давомида ва унинг ўлиmidан кейин 50 йил давомида таъминланади. Берн конвенциясининг сўнги қайта кўриб чиқилишида, асосий эътибор ривожланаётган давлатлар учун махсус қоидалар киритиш масаласига қаратилди.



**Олиб борилган  
бир қатор  
музокаралардан сўнг  
1883 йилда Парижда  
11 та давлат (Белгия,  
Бразилия, Гватемала,  
Италия, Испания,  
Голландия, Португагия,  
Салвадор, Сербия,  
Франция, Швейцария)  
иштирокида Саноат  
мулкани ҳимоя қилиш  
бўйича Париж  
конвенцияси имзоланди.**

4. Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. Учебник.-М.: Проспект.2004. 557с.

5. [https://www.wipo.int/treaties/ru/ip/berne/summary\\_berne.html](https://www.wipo.int/treaties/ru/ip/berne/summary_berne.html)

6. Близнец И.А. и др. Право интеллектуальной собственности. Учебник. -М.: Проспект, 2010. -659с.

Қарийб бир аср ўтиб, интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг институционал асосларининг энг муҳими, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ташкил этилди. БИМТ, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг 16 ихтисослашган муассасасига 1974 йилда эришди. БИМТ конвенцияси 1967 йилда имзоланди ва 1970 йилда кучга кирди. Бироқ унинг яратилишининг келиб чиқиши 1883 йилда Саноатни ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенцияси ва 1886 йилга келиб Адабиёт ва санъат асарларини ҳимоя қилиш бўйича Берн конвенциялари бўлиб ҳисобланади. Бу иккала конвенция офиси 1893 йилда бирлаштирилди ва 1970 йилда БИМТ конвенцияси асосида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига ўзгартирилди.

БИМТнинг учта асосий функцияси ажратиб кўрсатилди: булар, рўйхатга олиш фаолияти; интеллектуал мулкни бошқариш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва учинчидан, дастурий фаолият яъни шартномаларнинг давлатлар томонидан кенг қабул қилинишини рағбатлантириш. БИМТ административ

бошқарувида, тўртта халқаро классификация тизими мавжуд бўлиб, бу халқаро саноат мулк соҳасидаги фаолиятни тартибга солишга ёрдам берувчи классификация тизимидир. Буларга, ихтироларнинг халқаро классификацияси (Страсбург келишуви); товарлар ва хизматларнинг халқаро классификацияси (Ницца келишуви); белгиларнинг мажозий элеентларининг халқаро классификацияси (Вена келишуви) ҳамда саноат намуналарининг халқаро классификацияси (-Локарн келишуви) кирази<sup>7</sup>.

Сўнги йилларда ривожланаётган давлатлар ҳукуматлари шу қаторида Ўзбекистон томонидан ҳам саноат мулкни саноатни ривожлантиришнинг самарали воситасига айлантиришга қизиқиш ортмоқда. БИМТ саноат мулкни тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш бўйича маслаҳатлар беради, ривожланаётган давлатлар учун ушбу соҳада намунавий қонунларни ишлаб чиқади, технологик маълумотларга кириш учун шароит яратади,

7. Оқюлов Омонбой Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми. Док. Дисс. -Т.:2000. -282-283б.

технологиянинг ҳозирги даражасини аниқлаш учун бепул патент қидирув ҳисоботларини тақдим этади ва ҳоказо. БИМТга 196 та<sup>8</sup> давлат аъзо бўлиб бу барча мамлакатларнинг 96 фоизи демакдир. Бунга МХДлари шу жумладан Ўзбекистон ва ривожланган, кўплаб ривожланаётган ҳамда ривожланмаган мамлакатлар ҳам аъзодир. БИМТ интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш билан боғлиқ тижорат низоларини ҳал қилишда халқаро арбитраж сифатида фаолият юритади.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти(БИМТ) аъзолари ва БИМТ, UPOV-ўсимликларнинг янги навларини ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти(фр. *Union Internationale pour la protection des obtentions vegetales, UPOV*)<sup>9</sup>, ЖСТ ва БМТ томонидан бошқариладиган шартномаларда Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк бозори жами 14 та халқаро шартнома бўйича бошқарилади.(1-жадвал).

8. <https://www.wipo.int/treaties/ru/summary.jsp>

9. <http://www.UPOV.int>

10. БИМТ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасини БИМТ аъзолари, БИМТ, UPOV, ЖСТ ва БМТ томонидан бошқариладиган шартномалардаги иштироки<sup>10</sup>

ЎЗБЕК ИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ	Конвенция, битим ва шартномаларни шартли белгилари							Жами, 14 та
	W	P	B	PCT	PLT	MI	MM	
	+	+	+	+	+	-	-	
	MP	H	GH	N	LI	RO	LO	
	+	-	-	+	-	-	+	
	IPC	PH	VC	BP	S	NOS	TLT	
	+	+	-	+	-	-	+	
	WCT	WPPT	BEIJING	WAS	SG	MARRA	x	
	+	+	-	-	-	-	x	
	UN	UPOV	WTO	x	x	x	x	
+	+	-	x	x	x	x		



БИМТ аъзолари, БИМТ, UPOV, ЖСТ ва БМТ томонидан бошқариладиган шартномаларда энг юқори ўринда Молдавия Республикаси 26 та ва албатта БМТ, UPOV, ЖСТ аъзоси ҳисобланади. Кейинги ўринда Сербия давлати 25та ва БМТ, UPOV аъзоси ҳисобланади, ундан кейин Босния ва Герцеговина 24 та ва БМТ, UPOV аъзоси. Макказий Осиё давларидан Қирғизистон энг юқори 22 та ва БМТ, UPOV, ЖСТ аъзоси ҳисобланади. Ундан кейин Қозоғистон 18 та, БМТ, ЖСТ, Тожикистон 19 та ва БМТ, ЖСТ, Туркменистон 12 та ва БМТ аъзоси ҳисобланади. Юқоридаги маълумотлар таҳлилни давом эттирсак, кўриниб турибдики бугунги кунда мамлакатимизнинг интеллектуал бозори юқори даражадаги ташкилотларнинг конвенция, битим ва келишувлар қолаверса шартномалари асосида бошқарилиб келинмоқда. Масалан 1992 йил 2 мартда БМТ аъзоси ва 1991 йил 25 декабрдан бошлаб БИМТ аъзоси ҳамда 2004 йил 14 ноябрдан бошлаб UPOV аъзоси.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда Ўзбекистон

Республикасини интеллектуал мулк бозорини ривожлантиришда жами 178 та<sup>11</sup> ҳужжат бўлиб шундан 31 таси қонун, 73 таси қоида/йўриқнома имплементацияси, ИМ оид юридик адабиёт 2 та, шартномаларни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатлар 4та, шартномада давлат иштироки бўйича 68 та(шундан 14 таси БИМТ томонидан бошқариладиган шартномалар, минтақавий ИМ шартномаси бўйича 8 та, кўп тамонлама ИМ шартномаси 27 та, икки томонлама ИМ шартномаси 18 та) ва 1 та<sup>12</sup> минтақавий иқтисодий интеграция шартномаси ҳисобланади. Шу ўринда эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги битимни алоҳида кўриб чиқсак. Бунга сабаб глобал инқирозларни (COVID-19), қолаверса истеъмол бозориди талабларни ошиб боришини, энг асосийси ИМ бозорини институционал механизмларини ривожлантириш асос бўлиб ҳисобланади. Шарт-

номага Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия Федерацияси, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украина давлатлари киради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) билан ИМ ҳуқуқи бўйича таъсис шартномалари 9 та<sup>13</sup> ҳужжатни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда интеллектуал мулкнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини, шу жумладан Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш халқаро индекси мезонларини инобатга олган ҳолда таъминлашнинг замонавий баҳолаш ва таҳлил қилиш тизимини жорий этиш бўйича Комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилиб келинмоқда<sup>14</sup>.

Ўзбекистон Республикасини интеллектуал мулк соҳасида

11. <https://wipolex.wipo.int/ru/legislation/profile/UZ>

12. <https://wipolex.wipo.int/ru/treaties/parties/423>

13. <https://wipolex.wipo.int/ru/treaties/profile/CIS>

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4168-сонли Қарори. 2019 йил 8 февраль.

халқаро ҳамкорликнинг институционал механизмларини шартли равишда учга бўламиз:

1) шартномаларнинг биринчи умумий гуруҳи ҳар бир мамлакатда ИМни ҳимоя қилиш бўйича халқаро келишилган асосий шартномаларни белгилайди;

2) шартномаларнинг иккинчи ҳимоя тизими, глобал

ҳимоя тизими деб номланади. Битта халқаро рўйхатдан ўтиш ёки ариза топшириш имзоланган давлатларнинг ҳар бирида ҳақиқий хисобланади. Ушбу шартномалар бўйича БИМТ кўрсатадиган хизматлар халқаро талабномаларни топшириш ёки ИМнинг муайян ҳудуди ҳимояси талаб қилинган барча мамлакатларда рўйхатдан

ўтказишини соддалаштиради;

3) шартномаларнинг учинчиси - бу ихтиролар, савдо белгилари ва саноат намуналари тўғрисидаги маълумотларни бирлаштирган ва классификацияланган маълумотлар тизимини осонликча олиш бўйича шартномаларга бўлинади. (2-жадвал).

## 2-жадвал.

### Интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорликнинг институционал механизмлари таснифловчи шартномалар тизими<sup>15</sup>

ИМ ҳимояси	ИМ глобал ҳимоя тизими	ИМ классификацияси бўйича
Пекин шартномаси.	Будапешт шартномаси	Локарн келишуви
Берн конвенцияси	Гаага битими	Ницц келишуви
Брюссел конвенцияси	Лиссабон битими	Страсбург келишуви
Мадрид битими.	Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида Мадрид битими	Вена келишуви
Марракеш шартномаси	Мадрид баённомаси	х
Найроб шартномаси	Патент бўйича коперация шартномаси	х
Париж конвенцияси	х	х
Патент ҳуқуқи бўйича шартнома	х	х
Фонограмма бўйича конвенция	х	х
Рим конвенцияси	х	х
Сингапур шартномаси	х	х
Савдо белгиси тўғрисида шартнома товар	х	х
Вашингтон шартномаси	х	х
БИМТга оид муаллифлик ҳуқуқи	х	х
БИМТнинг ижро ва фонограмма шартномаси	х	х

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги халқаро конвенциялар мамлакатлар ўртасидаги тенг ва адолатли муносабатлар учун асослидир<sup>16</sup>.

1996 йилда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) билан ҳамкорлик

тўғрисидаги битим қабул қилингандан кейин БИМТнинг халқаро роли сезиларли даражада яхшиланди. ЖСТ меъёрлари ва қоидалари бутун дунё бўйлаб товарлар ва хизматлар савдосининг 90 фоизидан ортигини бошқаради. ЖСТнинг асосий принциплари ва қоидалари қуйидагилар: савдо-сотикда камситмаслик асосида энг кўп қулайлик яратиш тартиби; чет эл товарлари ва хизматларига

миллий режимни таъминлаш; савдони асосан тариф усуллари билан тартибга солиш; миқдорий чекловлардан фойдаланишни рад этиш; савдо сиёсатининг шаффофлигини таъминлаш; савдо низоларини маслаҳат ва музокаралар йўли билан ҳал қилиш ва бошқалар. ЖСТнинг таъсис ҳужжатларига қилинган илова интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо соҳалари бўйича битим ТРИПС битими

15. БИМТ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

16. Рустамбеков И.Р., Мусаев С.Ф. Международное авторское и патентное права. -Т.: ТГЮУ, 2016. - 144с.

деб аталиб, 7 қисм, 73 моддадан иборат<sup>17</sup>. Ушбу битимни асосий қоидалари ва тамойилларини кейинги изланишларда кўриб чиқишни мақсад қилдик.

Кўриб чиқаётган масаламиз-ни атрофлича ўрганиб, баъзи илмий қарашларни умумлаштиришга ҳамда бойитиш асосида тизимли таҳлил олиб бориш натижасида қуйидаги хулосаларга келдик: биринчидан, инновацион технологиялар ва интеллектуал мулк савдоси шароитида давлатлар тегишли халқаро ҳуқуқий шарт-шароитларни яратмасдан етарли даражада жадал ривожлана олмайди; иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорлигининг институционал механизмлари яратилган бўлсада, ИМ объеклари ва субъектларини тартибга солиш бўйича мукамал инфратузилма механизми етарли ривожланмаган; учинчидан, ЖСТ қоидаларини қўллаган ҳолда,

босқичма-босқич савдо сиёсатини шаффофлигини таъминлаш давр талабига айланди.

Масалани илмий-назарий ва амалий ёндашувларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни тавсия қилмоқчимиз: 1) Ўзбекистон ҳамма конвенцияларга қўшилиши лозим деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ҳар бир конвенцияга қўшилиш малакатимиз зиммасига маълум маъсулият юклайди. Бунинг учун конвенция талабларини тушуна олувчи мутахассисларга эга бўлиш лозим. Тўғри бугунги кунда ТЮУда ушбу соҳа вакиллари доирасида магистратура ташкил этилди. Бизнингча, иқтисодий соҳасида ҳам ушбу мутахассисликни яратиш зарур; 2) Ривожланган мамлакатларнинг қонун чиқариш идоралари атрофида лоббистлар гирди-капалак бўлиб юришади ва бу бежиз эмас албатта. Умуман олганда лоббистлар агар қонун доирасида иш кўрсалар, турли манфаат ва нуқтаи назарларни қонуншуносларга етказиб берувчи ўзига хос ахборот манбаи(трансакция) ҳисобнадилар. Бироқ айрим лоббист-

ларни баъзи ҳолларда қонун чиқарувчиларга тайзиқ ўтказиш, турли йўллар билан ўзига ағдариб олишга интилишлари уларга нисбатан салбий кайфиятти вужудга келтиришини унитмаслик керак. Бизнингча бугунги кунда лоббистлар функциясини (ижобий маънода албатта) сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари бажара олишлари мумкин. Бизнингча, сиёсий партиялар ўз фракцияларида интеллектуал мулк бозорини ҳимоя қилиш бўйича ўз дастурларини ишлаб чиқишса мақсадга мувофиқ бўлар эди; 3) ИМ объеклари ва субъектларини тартибга солиш бўйича мукамал инфратузилма механизмини ривожлантириш зарур. Бу ўз навбатида ҳудудий ва минтақавий ҳамкорликни таъминлайди ва ўз навбатида интеллектуал фаолиятни рағбатлантиради. Олиб борилган тадқиқотимиз шуни кўрсатадики, минтақавий иқтисодий интеграция шартномаларини кенгайтириш зарур. Бу ўз навбатида ИМ эркин савдо қилишни ва мамлакат ЯИМнинг барқарор ўсишини таъминлайди.

17. Оқюлов Омонбой Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми. Док. Дисс. -Т.:2000. -253б.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси.(IV-V-VI-бўлим) 21.12.1995й.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4168-сонли қарори.2019 йил8 февраль.*
3. *Близнец И.А. и др. Право интеллектуальной собственности.Учебник. -М.: Проспект, 2010. С.945*
4. *Бовин А.А., Л.Е.Чередникова, В.А. Якимович, Управление инновациями в организации. Учебное пособие.-М.: "Омега-Л", 2009. С.415*
5. *Оқюлов Омонбой Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми. Док. Дисс. -Т.:2000. 305б.*
6. *Рустамбеков И.Р., Мусаев С.Ф. Международное авторское и патентное права. -Т.; ТГЮУ, 2016. С.322*
7. *Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в Российской федерации. Учебник.-М.:Проспект.2004. С.745*
8. *Судариков С.А. Право интеллектуальной собственности.Учебник.-М.: Проспект, 2010. С.363*
9. <https://www.wipo.int>
10. <https://wipolex.int>
11. <http://www.UPOV.int>
12. <http://www.ima.uz>





# Совершенствование эффективности социальных программ в Узбекистане

Бахтишод ХАМИДОВ,  
главный научный сотрудник,  
Центр экономических исследова-  
ний и реформ при  
Администрации президента  
Республики Узбекистан

**Аннотация:** статья посвящена оценке эффективности реализации социальной политики правительства Узбекистана. На примере политики предоставления пособий для семей, имеющих детей до 2-х лет выявляется, что подход правительства к реализации адресной политики социальной защиты, основанный на подходе использования потенциала института махалли, является эффективным. При этом, используется инструментарий "прокси-тестирования" и данные по результатам опроса домохозяйств.

**Ключевые слова:** социальная политика, таргетирование, прокси-тестирование, ошибки включения и ошибки исключения.

**Annotation:** the article is devoted to assessing the effectiveness of the implementation of the social policy in Uzbekistan. Given the policy of providing benefits to children under 2 years old, it is shown that measures of the government to implement social policy are efficient. Proxy mean test tools and household survey data are used.

**Key words:** social policy, targeting, proxy mean test, inclusion errors and exclusion errors.

**JEL:** H53, H55, H75, I38

Повышение адресности социальных программ является основной задачей любого государства, так как каждая программа, основанная на использовании бюджетных средств, имеет двойной характер: с одной стороны, она помогает повышать доходы малоимущих людей, а с другой стороны, ограничивает использование бюджетных средств на другие цели. Следовательно, максимально эффективное использование этих средств, путем повышения адресности социальных программ способствует росту вложений в другие сферы такие, как экономика и образование.

В Узбекистане адресные программы применяются уже в течение последних двадцати лет. Особенностью таких программ в стране является использование полномочий местных органов самоуправления (махаллей) в качестве основного источника информации о состоянии семей, подающих заявление на получение государственных пособий. Однако, у этого подхода, наряду

с преимуществами, имеются и некоторые недостатки, которые в определенных условиях приводят к большим потерям с точки зрения эффективного использования бюджетных средств. Одним из недостатков можно считать субъективность принимаемых решений. В ряде случаев имеет место и несоблюдение моральных норм со стороны представителей махаллинских комитетов, которые могут прибегать к тем или иным видам коррупции. В то же время, в условиях развивавшихся стран, где не очень развита система регистрации доходов граждан, заинтересованным лицам иногда легко подделать документы на получение пособий.

Мировая практика показывает, что на сегодняшний день имеются несколько методов реализации адресных программ и таргетирования малоимущих домохозяйств. Среди них особо можно подчеркнуть методы meantest, прокси-тестирование, самоотбора и др. Каждый из этих методов имеет свои преимуще-



**Следовательно, максимально эффективное использование этих средств, путем повышения адресности социальных программ способствует росту вложений в другие сферы такие, как экономика и образование.**

ства и недостатки<sup>1</sup>. В данной статье используется метод "прокси-тестирование" (PMT), так как есть определенная согласованность насчет того, что этот метод наиболее эффективен в условиях развивающихся стран<sup>2</sup>.

Основным требованием метода PMT является учет показателей домохозяйства, которыми сложно манипулировать (пол, образование, состав семьи, жилищные условия и т.д.). Следовательно, этот метод требует сбора информации об активах и демографических характеристиках домохозяйств с целью создания "прокси" (заменителя) для показателя доходов (потребления) домохозяйства. При этом, предполагается, что активы домашних хозяйств сложнее скрыть от государственных инспекторов, чем доходы<sup>3</sup>.

**PMT использует эконометрический инструмент для оценки статуса бедности домашних хозяйств. В частности, использованием следующей формы регрессионной модели оцениваются коэффициенты полу-эластичности:**

$$y_i = \alpha + \beta x_i + \varepsilon_i$$

Затем, на основе оцененных коэффициентов прогнозируется уровень бедности каждого домохозяйства  $\hat{y}_i$ :

$$\hat{y}_i = \hat{\alpha} + \hat{\beta} x_i.$$

Из метода расчета очевидно, что оценочные коэффициенты следует рассматривать как вклад факторов в средний уровень бедности. Более того, поскольку факторы, включенные в модель, могут быть сильно коррелированы между собой (например, многие бедные домохозяйства одновременно проживают в сельской местности, имеют плохие жилищные условия, низкий уровень образования кормильцев и т.д.), коэффициенты интерпретируются как полу-эластичность, а не эффект сам по себе.

В качестве измерения эффективности таргетинга используются так называемые *коэффициенты точности*<sup>4</sup>. В частности, в этом анализе мы используем индекс исключения (IER) и индекс включения (IIR). Математическое выражение индексов выглядит следующим образом:

$$IER = \frac{(\sum_{i=1}^N I) \equiv (\sum_{i=1}^N (y_i > z | y_i < z))}{(\sum_{i=1}^N I) \equiv (\sum_{i=1}^N (y_i < z))}$$

где,  $z$  - черта бедности,  $y_i$  - "оцененный" уровень жизни семьи,  $\hat{y}_i$  - статус бедности семьи, с использованием альтернативного способа измерения.

Числитель можно интерпретировать как число бедных семей, оцененных как небедные, а знаменатель - как все небедные, что дает долю ошибочно

1. Alain De Janvry, Elisabeth Sadoulet (2016). Development economics: theory and practice. London: Routledge.

2. Coady, D., Grosh, M. E., & Hoddinott, J. (2004). Targeting of transfers in developing countries: Review of lessons and experience (Vol. 1). World Bank Publications.

3. Alatas, V., Banerjee, A., Hanna, R., Olken, B. A., & Tobias, J. (2012). Targeting the poor: evidence from a field experiment in Indonesia. American Economic Review, 102(4), 1206-40.

4. IRIS. 2005. Note on Assessment and Improvement of Tool Accuracy. Developing Poverty Assessment Tools Project. Mimeograph, Revised version from June 2, 2005. IRIS Center, University of Maryland.



**В данной статье используется метод "прокси-тестирование" (PMT), так как есть определенная согласованность насчет того, что этот метод наиболее эффективен в условиях развивающихся стран.**



оцененных бедных (ИР может быть рассчитан таким же образом). Однако, в литературе есть определенные разногласия относительно того, сколько и какие переменные следует использовать в анализе, как оценить эффективность использованного метода таргетирования, как определить черту бедности, как оценить надежность показателей благосостояния (доходы или потребление), отмеченных самими домохозяйствами в анкетах. Вместе с тем, этот метод широко используется во многих развива-

ющихся странах и пользуется высокой популярностью.

В анализе были использованы данные обследования домохозяйств, проведенные в 2010 году Институтом социальных исследований. Тот факт, что система социальной защиты остается почти неизменной с 2010 года, - суждения, полученные на основе данных 2010 года, могут иметь аналитическое значение для разработки политики на сегодняшний день.

База данных содержит необходимую информацию о доходах

2000 домохозяйств, активах и семейном статусе, характеристиках детей, а также о статусе заявки на пособие. В частности, рассмотрим случай с пособиями на детей до двух лет.

Результаты исследования домохозяйств показывают, что 80% опрошенных домохозяйств относят себя к категории очень бедных и бедных семей (табл.1). Вместе с тем, можно наблюдать, что заявку на пособие подали почти половина домохозяйств, относящиеся к категории небедных.

**Таблица 1**  
**Уровень доходов и статус подачи заявки на пособие для детей до двух лет**

Категории	Подавшие заявку	Не подавшие заявку	Всего
1	155	125	280
2	804	525	1,329
3	182	138	320
4	30	25	55
5	8	8	16
<b>Всего</b>	<b>1,179</b>	<b>821</b>	<b>2,000</b>

Вместе с тем, используемая база не лишена некоторых недостатков. В частности, доходы выражены в ординальной форме от 1 до 5, где 1 означает самый низкий уровень доходов (от 0 до 100тыс. сум. в мес.), а 5 - самый высокий (выше 1 млн. сум. в мес.), что не дает возможности применить метод наименьших квадратов (OLS). Поэтому правильнее будет использовать подходящую форму Пробитмодели (Ordered Probit Model). Кроме этого, отсутствие информации о размере домохозяйства не дает возможности пересчитать доходы на каждого члена семьи. В результате, уровень доходов многодетных семей может оказаться завышенным. Здесь мы предполагаем, что размер доходов во всех домохозяйствах одинаковый.

Результаты показали, что ошибка исключения (когда бедные оцениваются как небедные) составляет 9% и ошибка включения (когда небедные относятся к категории бедных) - 5% (Табл.2). Однако, в процессе сопоставления разных методов таргетирования необходимо знать особенности каждого метода,

чтобы избежать сравнения несравнимых кейсов. Например, в случае сравнения РМТи традиционного метода разница в результатах может возникнуть чисто за счет разной интерпретации понятия "бедность", т.е. для государства данное понятие "бедность" означает одно, а для общественных органов, владеющих данными о той или иной семье (составе, возрасте ее членов, их доходах и т.д.) - другое.

**Однако, ссылаясь на полученные результаты на данном уровне, можно сделать определенные выводы. Так, при разработке социальных программ следует учесть следующие моменты:**

- диверсификация подходов к реализации адресных социальных программ и набор методов оценки их эффективности;

- расширение практики проведения социальных опросов среди населения с целью сбора данных на уровне домохозяйств, которые, с одной стороны, дополняют официальные статистические данные центральных органов, с другой стороны, позволяют проверить качество этих данных.



**Вместе с тем, используемая база не лишена некоторых недостатков.**

**В частности, доходы выражены в ординальной форме от 1 до 5, где 1 означает самый низкий уровень доходов (от 0 до 100тыс. сум. в мес.), а 5 - самый высокий (выше 1 млн. сум. в мес.), что не дает возможности применить метод наименьших квадратов (OLS).**

**Таблица 2**  
**Сопоставление результатов двух методов таргетирования**

	РМТ		Все
	Неприемлемо выдавать пособия	Приемлемо выдавать пособия	
Традиционный			
Получившие	95	980	1,075
В ожидании ответа	3	39	42
Не получившие	6	53	59
Нет информации	0	3	3
Все	104	1,075	1,179



## Литературы

- Alain De Janvry, Elisabeth Sadoulet (2016). Development economics: theory and practice. London: Routledge.*
- Alatas, V., Banerjee, A., Hanna, R., Olken, B. A., & Tobias, J. (2012). Targeting the poor: evidence from a field experiment in Indonesia. American Economic Review, 102(4), 1206-40.*
- Brown, C., Ravallion, M., & Van de Walle, D. (2016). A poor means test? Econometric targeting in Africa (No. w22919). National Bureau of Economic Research.*
- Coady, D., Grosh, M. E., & Hoddinott, J. (2004). Targeting of transfers in developing countries: Review of lessons and experience (Vol. 1). World Bank Publications.*
- Greene, W. H. (2012). Econometric analysis (International edition).*
- Islam Karimov. The Global Financial-economic Crisis, Ways and Measures to Overcome it in the Conditions of Uzbekistan. 2009. Tashkent.*
- Mills, Bradford, Carlo Del Ninno and Phillippe Leite (2015). Effective Targeting Mechanisms in Africa: Existing and New Methods. in Del Ninno and Mills.*
- Ravallion, M. (2015). The economics of poverty: history, measurement, and policy. Oxford University Press.*
- Schreiner, M. (2010). A simple poverty scorecard for Pakistan. Journal of Asian and African Studies, 45(3), 326-349.*
- Van de Walle, D. (1998). Targeting revisited. The World Bank Research Observer, 13(2), 231-248.*
- Weiss, J. (2004). Poverty Targeting in Asia: Experiences from India, Indonesia, the Philippines, People's Republic of China and Thailand.*
- World bank (2003). Targeting methods for transfers. Safety Net Premier Notes. No 10.*



## Ўзбекистон Республикасида иқтисодий эркинлик индексини аниқлаш масалалари

Жавохирбек ШЕРАЛИЕВ,  
ПМТИ  
катта илмий ходими,  
Элёр СУННАТУЛЛАЕВ,  
ПМТИ  
катта илмий ходими

**Аннотация:** ушбу тадқиқот ишида иқтисодий эркинлик индекси, уни ҳисоблаш йўли ва унинг асосий индикаторлари ўрганилган. Шунингдек, иқтисодий эркинлик индекси бўйича Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар билан структуравий ва динамик солиштирма таҳлили амалга оширилган. Тадқиқот ишининг асосий натижаси Ўзбекистон Республикасида иқтисодий эркинлик индексини ҳисоблашнинг илмий асосларини ёритишдан иборат.

**Таянч тушунчалар:** иқтисодий эркинлик индекси, Ҳукумат ҳажми, Партибга солиш тизими самарадорлиги, Бозорнинг очиқлиги, Қонун устуворлиги, Мулк ҳуқуқлари ҳимояси, Суд тизими самарадорлиги, Ҳукуматнинг яхлитлиги, Солиқ юки, Давлат харажатлари, Фискал эркинлик, Бизнес эркинлиги, Мехнат эркинлиги, Монетар эркинлик, Савдо эркинлиги, Инвестицион эркинлик.

**Abstract:** *in this study investigated the index of economic freedom, the way of its calculation and its main indicators, carried out a structural and dynamic comparative analysis of the Republic of Uzbekistan with other countries on the Index of economic freedom. The main result of the research is to highlight the scientific basis for calculating the Index of economic freedom in the Republic of Uzbekistan.*

**Key words:** *index of Economic freedom, Government Size, Effectiveness of Regulatory System, Market Openness, Rule of Law, Protection of Property Rights, Judicial effectiveness, Integrity of Government, Tax Burden, Public Expenditure, Fiscal Freedom, Business Freedom, Labor Freedom, Monetary Freedom, Trade Freedom, Investment freedom.*

## КИРИШ (INTRODUCTION)

Мамлакатимизда охириги йилларда чуқур ўйланган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилиб келинмоқда. Бундай туб ўзгаришларнинг замирида иқтисодиётни янада эркинлаштириш, уни ҳар томонлама барқарор ривожлантириш ётибди десак, адашмаган бўламиз. Шунинг натижасида, Ўзбекистон Республикаси "The Heritage Foundation" фонди томонидан эълон қилинган ҳар йилги Иқтисодий эркинлик индекси бўйича юқори поғоналарни эгаллаб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Иқтисодий эркинлик индекси рейтингида Ўзбекистон кейинги йилларда янада юқори ўринларда бўлишини таъминлаш ва унда мавжуд бўлган муаммоларни босқичма-босқич баргараф этиш мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Тадқиқотнинг мақсади сифатида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий эркинлик индексини ҳисоблаш методологиясини ўрганиш ва унинг самарадорлиги кўрсаткичини йилдан йилга ошириш бўйича тавсиялар иш-

лаб чиқиш деб белгиланди. Бунда, Иқтисодий эркинлик индексини ошириш мамлакат иқтисодий ривожланишининг максимал даражасини таъминлаш таъминлиги асосланади.

Ушбу тадқиқотнинг илмий аҳамияти сифатида Ўзбекистон иқтисодиёти учун ушбу мавзу нисбатан янги эканлиги ҳамда бу соҳада илмий-тадқиқот материалларининг етарлича эмаслиги билан изоҳланади. Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти ҳозирги кундаги давлат иқтисодий сиёсатининг келгуси йўналишини белгилашда давлат иқтисодий эркинлик даражасини ҳар томонлама таҳлили амалга оширилиши заруриятидан келиб чиқади.

## МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ (LITERATURE REVIEW)

Иқтисодий эркинлик индекси борасида жуда кўплаб иқтисодчи олимлар фикр юритганлар. Хусусан, Terry Miller, Anthony B. Kim, James M. Robertsларнинг "Index of Economic freedom" номи билан асарида (2018) иқтисодий "тўлиқ эркин" ёки "деярли эркин" давлатларнинг даромадлари қолган барча давлатларнинг



**Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Иқтисодий эркинлик индекси рейтингида Ўзбекистон кейинги йилларда янада юқори ўринларда бўлишини таъминлаш ва унда мавжуд бўлган муаммоларни босқичма-босқич баргараф этиш мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган асосий вазифалардан биридир.**





53,4 га тенг эди. Яъни 2018 йилга нисбатан ҳам яна 0,7 баллга пасайиш.

Хўш бунга сабаблар нима эди? Непал Осиё-тинч Океани минтақасидаги жами 43 та мамлакат орасида 32 ўринни эгаллади бу кўрсаткичи эса бутун дунё ўртача кўрсаткичидан паст хисобланади. 2018 йилги натижаларга кўра, Непал деярли иқтисодий эркин бўлмаган давлатлар қаторидан жой эгаллади. Бу мамлакат атрофидаги бошқа мамлакатлар билан ўралган Непалда иқтисодий ўсишни ва узоқ муддатли ривожланишга ҳалал берадиган етарлича тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлар мавжудлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда Непалда энг катта индивидуал ва корпоратив солиқ 25 фоиз, жами солиқ юки эса ЯИМга нисбатан 18,3 фоизга тенг. Ўтган 3 йил давомида давлат харажатлари ЯИМга нисбатан 20,3 фоизга, давлат бюджети дефицити эса ЯИМга нисбатан 1,2 фоизга тенг. Давлат қарзи ЯИМга нисбатан 27,3 фоизни ташкил этди. Савдо эса Непал миллий иқтисодиётини асосий компоненти хисобланиб, ЯИМга нисбатан деярли 50 фоизга тенг бўлди. Ўртача тариф ставкаси 11,7 фоизни ташкил этиб, нотариф тўсиқлар баъзи савдо алоқаларига путур етказмоқда. Тартибга солиш тизими эса хорижий инвестициялар учун тўсиқ вазифасини ўтамоқда. Баъзи давлат корхоналари иқтисодиётни орқага тортиб келмоқда.

Laura Asandului, Andreea Iacobuta, Cristina Cautisanулар ўзларининг "Modelling Economic Growth Based on Economic Freedom and Social Progress" номи тадқиқотлари Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг иқтисодий ўсишини Иқтисодий эркинлик индекси ва ижтимоий та-



**Ҳозирги кунда  
Непалда энг катта  
индивидуал ва  
корпоратив солиқ  
25 фоиз, жами солиқ  
юки эса ЯИМга нисбатан  
18,3 фоизга тенг.  
Ўтган 3 йил давомида  
давлат харажатлари  
ЯИМга нисбатан  
20,3 фоизга, давлат  
бюджети дефицити  
эса ЯИМга нисбатан  
1,2 фоизга тенг.  
Давлат қарзи ЯИМга  
нисбатан 27,3 фоизни  
ташкил этди.**

раққиёт индексига нисбатан моделлаштиришга қаратилган бўлиб, унда қуйидагилар кўриб чиқилган:

1. Аҳоли жон бошига ЯИМ ва бир томондан Иқтисодий эркинлик индекси, иккинчи томондан Ижтимоий тараққиёт индекси ўртасидаги муносабатларнинг интенсивлигини ўрганиш;

2. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар учун иқтисодий эркинлик ва ижтимоий тараққиётнинг нисбий кўрсаткичларини моделлаштириш.

Тадқиқотда улар, аввало, Иқтисодий эркинлик ва Ижтимоий тараққиёт индексининг Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатларда аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш суръатларига таъсирини ўрганиш учун бир нечта регрессия моделини ишлаб чиқишган. Шунингдек, тафовутларни таҳлил қилиш орқали Европа мамлакатларида Европа Иттифоқига аъзо бўлиш бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўртасида жиддий фарқлар мавжуд деган хулосага келишган.

Шунингдек, иқтисодий ўсишни белгиловчи омиллар сифатида адабиётда келтирилган кўпгина изоҳли ўзгарувчилар орасида иқтисодий эркинлик ва ижтимоий тараққиётни ҳисобга олишган ҳамда бирор мамлакатнинг иқтисодий муҳитини билиш тегишли иқтисодиётнинг эркинлик даражасини билишни талаб қилади деб таъкидлашган. Яъни улар айтишадикки, иқтисодий эркинлик даражаси қанчалик юқори бўлса, компания ушбу бозорда ҳар қандай стратегия ва маркетинг сиёсатини шунчалик муваффақиятли амалга ошириши мумкин.

Heritage Foundation va Wall Street Journal томонидан олинган Иқтисодий эркинлик индекси ва



Social Progress Imperative томонидан эълон қилинган Ижтимоий тараққиёт индекси таҳлилий маълумотларидан фойдаланиб иқтисодий ўсишни ЕИга аъзо давлатлар даражасида моделлаштиришган.

Ўзаро тафовутни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, Европа Иттифоқига аъзо бўлиш бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг ўртача кўрсаткичлари ўртасида сезиларли фарқ мавжуд, бу ҳолат ЯИМга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Таҳлил қилинган учта ўзгарувчини таққослаб, улар Иқтисодий эркинлик индекси ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи, шунингдек, иқтисодий эркинлик ва ижтимоий тараққиёт индекслари ўртасида ижобий ўрта боғлиқлик мавжудлигини аниқлашган. Шу билан бирга, аҳоли жон бошига ЯИМ ва иж-

тимоий тараққиёт индекси ўртасида кучли ижобий корреляцион боғлиқлик мавжуд эканлигини аниқлашган.

ЯИМнинг ўсиш суръати боғлиқ ўзгарувчи сифатида ва Иқтисодий эркинлик индекси ва Ижтимоий тараққиёт индексларини эркин ўзгарувчилар сифатида кўриб чиқсак, таҳлил ушбу ўзгарувчилар ўртасидаги ижобий ўртача алоқа мавжудлигини кўрсатади.

Бироқ, ЯИМ ўсиш суръатларининг фақат 25,2%и моделга киритилган эркин ўзгарувчилар билан изоҳланади, 100% гача бўлган фарқ эса ушбу моделдаги тасодифий омиллар туфайли юзага келади. Шундай қилиб, иккита индекс аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш суръати йўналишига тўғридан-тўғри таъсир қилмайди, бунга уларнинг моделга кирмайдиган бошқа омиллар ҳам таъсир қилишини исботлашган.

Vladimir Fernandes Maciel, Ulisses Monteiro Ruiz de Gamboa, Julian Alexienco Portillo, Mariangela Ghizzellini томонидан ёзилган "Brazilian States' Economic Freedom Index: Applying Fraser's Methodology for 2003-2016 data" номли тадқиқот ишида Шимолий Американинг иқтисодий эркинлиги номли ҳисоботида Бразилия маълумотлари асосида Иқтисодий эркинлик индекси (ИЭИ)ни ҳисоблашда Фрейзер методологиясини қўллаш усулларини тадқиқ қилишган. Шу билан бирга, олимлар Бразилияда барқарорлик бўйича давлат даражасида ҳисобланадиган индекслар мавжуд бўлсада, лекин бир-бирига ўхшаш бўлмаган Бразилия штатларининг иқтисодий эркинлик даражасини аниқлаш ва таққослаш учун бирон бир индекс ёки объектив маълумот мавжуд эмас деб ҳисоблашган.

Шу билан бирга, улар Шимолий Американинг иқтисодий эркинлиги сингари Бразилия давлат даражасидаги Иқтисодий эркинлик индекси учун маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш каби академик муаммолар билан бир қаторда, Бразилиядаги ҳозирги сиёсат ва иқтисодиётдаги бурилиш бундай амалий тадқиқотларни талаб қилганлигини таъкидлаб, Бразилия давлат даражасидаги Иқтисодий эркинлик индексини аниқлаш учун қўлланилган методологиясини тавсифлаб беришган ва таҳлилларни амалга оширишган. "Бразилия давлат даражасидаги Иқтисодий эркинлик индекси" Бразилия штатларининг сиёсати иқтисодий эркинликни қўллаб-қувватлай оладиган, яъни ҳар қандай чекловларсиз одамларнинг иқтисодий соҳада ҳаракат қилиш қобилиятини ўлчайдиган синтетик кўрсаткич эканлигини ёритиб беришган.

### **ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ (RESEARCH METHODOLOGY)**

1995 йилда "The Wall Street Journal" экспертлари ва "The Heritage Foundation" илмий-тадқиқот маркази дунёнинг турли мамлакатлари орасида Иқтисодий эркинлик индекси бўйича ҳар йилги маълумотларни эълон қилишни бошлаган эди. Ҳозирги кунда эса Иқтисодий эркинлик индекси (ИЭИ) давлатларнинг иқтисодий сиёсати таҳлилининг анча машҳур инструментларидан бири ҳисобланади.

"The Heritage Foundation" илмий-тадқиқот маркази экспертлари иқтисодий эркинликни "ҳар кимнинг ўз иши ва мулкни тасарруф этиш ўзининг асосий ҳуқуқи" деб ҳисоблашади. Шу-

нингдек, улар иқтисодий эркин давлатларда "шахслар меҳнат қилиш, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш, уларни истеъмол қилиш, сармоялар киритиш эркинлигига эгадирлар", давлат эса "меҳнат, капитал ва товарларнинг эркин муомаласига тўсқинлик қилмайди ва аслида эркинликни сақлаш ва ҳимоя қилиш талаб қилинмаса -бу мажбурлаш ёки эркинликни чеклашдан сақлайди" - дейишади.

Иқтисодий эркинлик индексини ҳисоблашда 12 та компонент 4 та йирик умумий гуруҳга ажратилади ва бу гуруҳлар, Индекс муаллифлари фикрига кўра, иқтисодий эркинликнинг тўртта асосий таркибий қисмини акс эттиради. **Булар:**

Қонун устуворлиги (Rule of Law) - бу мулк ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш (1), суд тизими самарадорлиги (2), ҳукуматнинг яхлитлиги (3) кўрсаткичларини ўз ичига олади;

Ҳукумат ҳажми (Government Size) - бу солиқ юки (4), давлат харажатлари (5), фискал эркинлик(6)каби кўрсаткичларни ўз ичига олади;

Тартибга солиш тизими самарадорлиги (Regulatory Efficiency) -бу бизнес эркинлиги (7), меҳнат эркинлиги (8), монетар эркинлик (9) кўрсаткичларини ўз ичига олади;

Бозор очиқлиги (Market openness) - бу савдо эркинлиги (10), инвестицион эркинлик (11), молиявий эркинлик (12) кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Юқоридаги 4 умумий кўрсаткичларнинг ҳар бири 3 тадан субкўрсаткичга (кўрсаткич ости кўрсаткич) ажратилади ва ҳар бири жадвалда келтирилган формулалар ёрдамида ҳисобланади. Иқтисодий эркинлик индекси кўрсаткичларини ҳисоблашда пастдан тепага қараб, яъни шу субкўрсаткичларнинг ўртачаси 4 та умумий кўрсаткичларни алоҳида алоҳида ифодалайди, 4 та умумий кўрсаткичнинг умумий ўртача арифметик қиймати Иқтисодий эркинлик индексини англатади (1-жадвал).

Жадвалда изоҳланган кўрсаткичларнинг ҳар бири 100 баллик (очколик) тизимда баҳоланади. Табиийки Иқтисодий эркинлик индекси ҳам 100 баллик тизимда баҳоланади. Дунё мамлакатларининг ҳар бири ушбу шкалалар бўйича синфларга ажратилади:

80 дан 99.9 гача - мутлақ эркин;

70 дан 79.9 гача - деярли эркин;

60 дан 69.9 гача - ўртача эркин;

50 дан 59.9 гача - деярли эркин эмас;

0 дан 49.9 гача - жабрланган (эркин эмас).



**Иқтисодий  
эркинлик индексини  
ҳисоблашда 12 та  
компонент 4 та йирик  
умумий гуруҳга  
ажратилади ва бу  
гуруҳлар, Индекс  
муаллифлари фикрига  
кўра, иқтисодий эркин-  
ликнинг тўртта асосий  
таркибий қисмини акс  
эттиради.**

## 1-жадвал

Дунё тажрибасида Иқтисодий эркинлик индексини ҳисоблаш методологияси<sup>1</sup>

№	Кўрсаткич номи	№	Субкўрсаткич номи	Ҳисоблаш формулалари	Умумий ҳисоблаш методологияси
1.	Ҳукумат ҳажми	1.	Солиқ юки	$TaxBurden_{ij} = 100 - \alpha (Factor_{ij})^2$	Ҳукумат ҳажми = (солиқ юки + фискал эркинлик + давлат харажатлари)/n; n-субкўрсаткич сони
		2.	Фискал эркинлик	$Sub-factor Score_i = 100 - \alpha (Sub-factor_i)^2$	
		3.	Давлат харажатлари	$GE_i = 100 - \alpha (Expenditures_i)^2$	
2.	Бозорнинг очиқлиги	4.	Молиявий эркинлик	-	Бозорнинг очиқлиги = (молиявий эркинлик + савдо эркинлиги + инвестицион эркинлик)/n; n-субкўрсаткич сони
		5.	Савдо эркинлиги	$Trade Freedom_i = 100(Tariff_{max} - Tariff_i)/(Tariff_{max} - Tariff_{min}) - NTBi$	
		6.	Инвестицион эркинлик	-	
3.	Тартибга солиш тизими самарадорлиги	7.	Бизнес эркинлиги	$Sub-factor Score_i = 50 \times (Sub-factor average / Sub-factor_i)$	Тартибга солиш тизими самарадорлиги = (бизнес эркинлиги + меҳнат эркинлиги + монетар эркинлик)/n; n-субкўрсаткич сони
		8.	Меҳнат эркинлиги	$Sub-factor Score_i = 50 \times (Sub-factor average / Sub-factor_i)$	
		9.	Монетар эркинлик	$Weighted Avg. Inflation_i = \theta_1 Inflation_i + \theta_2 Inflation_{i-1} + \theta_3 Inflation_{i-2};$ $Monetary Freedom_i = 100 - \alpha \sqrt{Weighted Avg. Inflation_i - PC penalty_i}$	
4.	Қонун устуворлиги	10.	Мулк ҳуқуқлари ҳимояси	$Sub-factor Score_i = 100 \times (Sub-factor_{Max} - Sub-factor_i) / (Sub-factor_{Max} - Sub-factor_{Min})$	Қонун устуворлиги = (Мулк ҳуқуқлари + Суд тизимининг самарадорлиги + Ҳукуматнинг яхлитлиги)/n; n-субкўрсаткич сони
		11.	Суд тизимининг самарадорлиги	$Sub-factor Score_i = 100 \times (Sub-factor_{Max} - Sub-factor_i) / (Sub-factor_{Max} - Sub-factor_{Min})$	
		12.	Ҳукуматнинг яхлитлиги	$Sub-factor Score_i = 100 \times (Sub-factor_{Max} - Sub-factor_i) / (Sub-factor_{Max} - Sub-factor_{Min})$	
	<b>Жами:</b>	<b>Иқтисодий эркинлик индекси = (Ҳукумат ҳажми + Бозорнинг очиқлиги + Тартибга солиш тизими самарадорлиги + Қонун устуворлиги)/n;</b> <b>n- субкўрсаткич сони</b>			

Лекин жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, Молиявий эркинлик ва Инвестицион эркинлик кўрсаткичларининг алоҳида ҳисоблаш методикаси мавжуд эмас:

1. Terry Miller, Anthony B. Kim, James M. Roberts, with Patrick Tyrrell & Tori K. Whiting. Foreword by Steve Forbes. -INDEX OF ECONOMIC FREEDOM, 24 th Edition. The Heritage Foundation 214 Massachusetts Ave., N E Washington, DC 20002

**Молиявий эркинлик банк фаолияти самарадорлигини, шунингдек, молия секторини давлат назоратидан ва аралашшидан эркинлигини ифодаловчи кўрсаткичдир. Сугурталовчилар ва капитал бозорлари сингари банклар ва бошқа молиявий институтларда давлат эгаллигининг юқори бўлиши рақобатни камайтиради ва умуман кредит олиш имкониятини қисқартиради.**

## **ИНВЕСТИЦИОН ЭРКИНЛИК**

Иқтисодий жиҳатдан эркин мамлакатда инвестициялар оқимига ҳеч қандай чекловлар қўйилмайди. Бундай мамлакат индекснинг сармоявий эркинлик компоненти бўйича 100 баллга-ча олиши мумкин.

Бироқ, амалда, аксарият мамлакатларда турли хил инвестицион чекловлар мавжуд. Улардан баъзилари ташқи ва ички инвестициялар учун турли хил қоидаларга эга. Баъзилар чет эл валютасига киришни чеклайди. Баъзилар тўловлар, пул ўтказмалари ва капитал операцияларига чекловлар қўядилар. Баъзи бир соҳалар хорижий инвестициялар учун ёпиқ бўлади.

Индекс одатда инвестицияларга қўйиладиган турли хил тартибга солувчи чекловларни баҳолайди. Баллар, қуйида кўрсатилгандек, мамлакатнинг инвестиция режимида мавжуд бўлган ҳар бир чекловлар учун идеал 100 баллдан чегириб ташланади. Ҳукумат ушбу чекловларнинг барчасини максимал даражада ўрнатиши шарт эмас, инвестициялар эркинлиги чиқариб ташланган. Баъзи давлатлар шу қадар чекловлар қўядики, улар 100 баллдан кўпроқ чегирмаларга сабаб бўлиб, ўзларининг рейтинглари нолга тенг бўлиб қолади.

**Қуйидаги асосий инвестицион чекловлар балларнинг камайишига ва оқибатда инвестицион эркинлик кўрсаткичининг пасайишига сабаб бўлади:**

- *хорижий инвестицияларга нисбатан миллий тартиб;*
- *хорижий инвестициялар ко-дексидаги чекловлар;*
- *ерга эгаллик қилиш ҳуқуқини чеклаш;*
- *сармоявий чекловлар;*

- *адолатли компенсация қилинмасдан инвестицияларнинг ўзлаштирилиши;*

- *валюта назорати чекловлари;*
- *капитал оқими назорати.*

## **МОЛИЯВИЙ ЭРКИНЛИК**

Молиявий эркинлик банк фаолияти самарадорлигини, шунингдек, молия секторини давлат назоратидан ва аралаштиридан эркинлигини ифодаловчи кўрсаткичдир. Суғурталовчилар ва капитал бозорлари сингари банклар ва бошқа молиявий институтларда давлат эгаллигининг юқори бўлиши рақобатни камайтиради ва умуман кредит олиш имкониятини қисқартиради.

**Индекс бешта асосий йўналишни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг молиявий эркинлигини ўлчайди:**

- *молиявий хизматларни давлат томонидан тартибга солиш даражаси;*
- *тўғридан-тўғри ва билвосита эгалик орқали давлатнинг банклар ва бошқа молиявий фирмалар фаолиятига аралаштириш даражаси;*
- *ҳукуматнинг кредитларни тақсимлашга таъсири;*
- *молия ва капитал бозорларининг ривожланиш даражаси;*
- *хорижий рақобат учун очиқлик.*

Ушбу беш йўналиш иқтисодий бирликлар учун молиявий имкониятлардан осон ва самарали фойдаланишни таъминлайдиган иқтисодий эркинликнинг умумий даражасини баҳолаш учун кўриб чиқилган. 0 дан 100 гача бўлган шкала бўйича жами балл иқтисодий мезонлар бўйича 100 дан идеал баллни чегириш йўли билан иқтисодиётнинг молиявий эркинлигига берилади.

## **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР (ANALYSIS AND RESULTS)**


Ўзининг жамиятига янги ғоялар, махсулотлар ва инновациялар учун очиқ бўлган иқтисодий эркин давлатлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларда жудаям юқори даражалардаги муваффақиятларга эришишган. Бу эса бойликларни оммавий қайта тақсимлаш ёки давлатнинг жудаям позитив ижтимоий натижалар устидан назорат қилиши эканлигини аңглатмайди. Бу давлатнинг аҳолининг ижтимоий мобиллигини ва тадбиркорлик соҳаларига эркинроқ ва осонроқ кириб боришини ҳамда давлатнинг бундаги аралашуви жуда паст даражада бўлиши керак эканлигини аңглатади.

Ўзбекистонда охириги йиллардаги сиёсий ўзгаришларнинг янада либераллашувининг мамлакат ЯИМнинг сезиларли даражада ошишига сабабчи бўлди. Ҳукуматнинг янги ислоҳот "йўл ҳаритаси"да макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва бозор иқтисодиёти тобора муҳим аҳамият касб этадиган иқтисодиётга ўтиш жараёнини жадаллаштиришга қаратилган сиёсий мақсадлар мавжудлиги қувонарли ҳолат бўлди. Ривожланишнинг ҳозирги мақсадлари давлат томонидан тартибга солишни қисқартириш ва мулк ҳуқуқи ҳимоясини таъминлаш ҳисобига қишлоқ хўжалигини, молия ва банк тизимини ислоҳ қилиш ва инвестиция муҳитини яхшилашни ўз ичига олади.

Шунингдек, 2020 йил март ойида "The Wall Street Journal" билан биргаликда "The Heritage Foundation" фонди томонидан эълон қилинган Иқтисодий эркинлик индекси рейтингида Ўзбекистон 186 мамлакат орасида 114-ўринни эгаллади ва 2019 йил билан солиштирилганда Ўзбекистон

**1-расм**

**2016-2020 йилларда Иқтисодий эркинлик индекси бўйича дунё мамлакатлари орасида Ўзбекистон Республикасининг эгаллаган ўрни<sup>2</sup>**



26 ўринга юқорилади. 2019 йилда мамлакатимиз 140-ўринни банд этган бўлса, 2018 йилда 152-ўринда жойлашган эди. Умумий олганда, 2016-2020 йилларда Ўзбекистон иқтисодий эркинлик индекси рейтингда 52 поғона юқорилашга эришди (1-расм).

**2-жадвал**

**2020 йил иқтисодий эркинлик индекси бўйича дунё мамлакатларининг ҳолати<sup>3</sup>**

Ўрин	Мамлакат	Балл
1	Сингапур	89,4
2	Гонконг	89,1
3	Янги Зеландия	84,1
...	...	...
112	Шри-Ланка	57,4
113	Камбоджа	57,3
114	Ўзбекистон	57,2
115	Никарагуа	57,2
116	Нигерия	57,2
117	Буркина-Фасо	56,7
...	...	...
176	Конго Республикаси	41,8
177	Эритрея	38,5
178	Куба	26,9
179	Венесуэла	25,2
180	КХДР	4,2

2. <https://www.heritage.org/index/visualize?cnts=uzbekistan&type=3>

3. <https://www.heritage.org/index/ranking?version=459>

Ўтган йил билан солиштирганда, иқтисодий эркинлик индекси Ўзбекистонда 3,9 баллга юқорилаб 57,2 баллни ташкил этди. Ҳозирги кунда ушбу натижа билан ҳам Ўзбекистон иқтисодий эркинлик индекси бўйича дунё давлатлари таснифланишининг 4-гурӯҳига кириб, иқтисодиёти деярли эркин бўлмаган давлатлар қаторидан жой эгаллаган. 2017 йилгача эса мамлакатимиз иқтисодий эркин бўлмаган давлатлар қаторида эди.

Иқтисодий эркинлик индекси рейтингда Сингапур (89,4 балл) етакчилик қилиб турган бўлса, Гонконг (89,1 балл) ва Янги Зелландия (84,1 балл) давлатлари эса мос равишда 2 ва 3-ўринни эгаллашган. Рейтингнинг пастки поғоналарида эса Конго (41,8 балл), Эритрея (38,5 балл), Куба (26,9 балл), Венесуэла (25,2 балл) ва КХДР (4,2 балл) мамлакатлари ўрин эгаллашган (2-жадвал).

Ўзбекистон 2020 йилда 42 та Осиё-Тинч океани минтақасидаги давлатлар орасида 26-ўринни

**“**

**2016 йилда  
рейтингда Ўзбекистон  
46 балл билан 42 та  
мамлакат ичида  
38-ўринни  
эгаллаган эди.  
Бундан келиб  
чиқадики,  
Осиё-Тинч океани  
минтақасида  
Ўзбекистон охириги  
5 йил мобайнида  
12 ўрин юқорилашга  
эришган.**


**”**

эгаллади ҳамда минтақавий (61,1 балл) ва дунё мамлакатлари (61,6 балл) ўртача кўрсаткичларидан паст даражада бўлди. 2016 йилда рейтингда Ўзбекистон 46 балл билан 42 та мамлакат ичида 38-ўринни эгаллаган эди. Бундан келиб чиқадики, Осиё-Тинч океани минтақасида Ўзбекистон охириги 5 йил мобайнида 12 ўрин юқорилашга эришган.

Шунингдек, 2020 йилда дунё мамлакатлари орасида қўшни Қозоғистон Республикаси Иқтисодий эркинлик индекси рейтингда 39-ўринни банд этган бўлса, Қирғизистон Республикаси 8-ўринни банд этган. Бу кўрсаткичлар билан қўшниларимиз иқтисодиёти деярли ёки ўртача даражада эркин бўлган давлатлар қаторига киришига сабабчи бўлган. Қўшни Тожикистон эса ушбу рейтингда 155-ўринни эгаллаган бўлиб, деярли эркин бўлмаган давлатлар қаторидан жой олган. Шунингдек, Туркменистон эса 170-ўринни эгаллаган (иқтисодиёти эркин бўлмаган мамлакат).

**2-расм.**

**2016-2020 йилларда Иқтисодий эркинлик индекси бўйича дунё мамлакатлари орасида Ўзбекистон Республикаси рейтингининг ўзгариш динамикаси<sup>4</sup>**



4. <https://www.heritage.org/index/visualize?cnts=uzbekistan&type=3>



Агар охириги 5 йилги динамикани кузатадиган бўлсак, Ўзбекистон 2018 йилда 0,8 баллик пасайишга тушган, лекин қолган йилларда фақатгина ўсишга

эришган. Энг юқори ўсиш суръати 2020 йилда (57,2 балл) кузатилган ва 2019 йилга нисбатан (53,3 балл) 3,9 баллга тенг ўсишга эришилган. Умумий ол-

ганда 2016-2020 йиллар оралигида Ўзбекистоннинг Иқтисодий эркинлик индекси бўйича натижаси 11,2 баллга юқорилаган (2-расм).

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий эркинлик индекси бўйича натижалари

Кўрсаткичлар	Баллар сони					2016-2020 йй.да, ўзгариш (+/-)
	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	
Иқтисодий эркинлик индекси	46,0	52,3	51,5	53,3	57,2	11,2
Мулк ҳуқуқлари ҳимояси	15,0	48,0	48,7	49,8	59,1	44,1
Суд тизими самарадорлиги	-	41,9	35,3	34,3	34,2	-7,7
Ҳукуматнинг яхлитлиги	18,0	27,5	24,2	25,2	28,2	10,2
Солиқ юки	90,4	90,7	91,0	91,3	91,6	1,2
Давлат харажатлари ҳажми	66,6	66,2	65,5	67,4	74,7	8,1
Фискал эркинлик	-	99,8	99,7	98,7	98,9	-0,9
Бизнес эркинлиги	67,1	64,8	66,9	72,5	72,6	5,5
Меҳнат эркинлиги	61,9	50,4	52,0	58,7	59,9	-2
Монетар эркинлик	65,6	61,1	61,9	58,9	59,9	-5,7
Савдо эркинлиги	65,6	66,8	62,5	62,6	67,6	2
Инвестицион эркинлик	0,1	0,1	0,1	10,0	20,0	19,9
Молиявий эркинлик	10,0	10,0	10,0	10,0	20,0	10

Таҳлил қилинаётган даврда "мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш", "ҳукумат яхлитлиги", "давлат харажатлари ҳажми", "бизнес эркинлиги" каби кўрсаткичларда сезиларли яхшиланишга эришилди. Шундай қилиб, агар 2016 йилда "мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш" кўрсаткичи бўйича натижа 15,0 баллни ташкил этган бўлса, 2020 йилда - 59,1 балл, яъни 5 йил ичида 44,1 пунктга яхшиланишга эришилди. Гарчи 2019-2020 йилларда "меҳнат эркинлиги", "монетар эркинлик" кўрсаткичлари бўйича ўсиш таъминланган бўлсада, аммо 2016 йилга нисбатан уларнинг пасайиши кузатилди. Ҳар йили

Ўзбекистондаги вазият "суд тизими самарадорлиги" кўрсаткичи бўйича ёмонлашмоқда - сўнгги 4 йил ичида натижа 7,7 пунктга пасайган (3-жадвал).

Қозоғистон ва Қирғизистон иқтисодий жиҳатдан деярли эркин бўлган давлатлар гуруҳига киритилган ва тегишли равишда рейтингнинг 39 ва 81-ўринларида жойлашган. Таъкидлаш керакки, Қозоғистон ва Қирғизистон "солиқ юки" ва "меҳнат эркинлиги" каби кўрсаткичларда юқори натижаларга эришдилар. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон тегишлича 20 ва 94 ўринларни эгаллади.



**2016 йилда "мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш" кўрсаткичи бўйича натижа 15,0 баллни ташкил этган бўлса, 2020 йилда - 59,1 балл, яъни 5 йил ичида 44,1 пунктга яхшиланишга эришилди. Гарчи 2019-2020 йилларда "меҳнат эркинлиги", "монетар эркинлик" кўрсаткичлари бўйича ўсиш таъминланган бўлсада, аммо 2016 йилга нисбатан уларнинг пасайиши кузатилди.**

4-жадвал

2020 йилда Иқтисодий эркинлик индексининг алоҳида индикаторлари бўйича Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларининг эгаллаган ўринлари<sup>6</sup>

Кўрсаткичлар	Давлатлар эгаллаган ўринлари		
	Ўзбекистон	Қозоғистон	Қирғизистон
Иқтисодий эркинлик индекси	114	39	81
Мулк ҳуқуқлари ҳимояси	81	66	104
Суд тизими самарадорлиги	126	37	144
Ҳукуматнинг яхлитлиги	143	84	123
Солиқ юки	20	17	13
Давлат харажатлари	78	45	129
Фискал эркинлик	11	83	120
Бизнес эркинлиги	56	47	51
Меҳнат эркинлиги	94	7	14
Монетар эркинлик	175	160	99
Савдо эркинлиги	130	70	80
Инвестицион эркинлик	171	128	91
Молиявий эркинлик	174	89	91

"Суд тизимининг самарадорлиги" кўрсаткичи бўйича рейтингда Қозоғистон 37-ўринни, Ўзбекистон ва Қирғизистон тегишлича 126 ва 144-ўринларни эгаллади. "Ҳукуматнинг яхлитлиги" кўрсаткичи бўйича натижалар пастлигича қолмоқда: Ўзбекистон - 143-ўрин, Қозоғистон - 84-ўрин ва Қирғизистон - 123-ўрин. Монетар эркинлиги кўрсаткичига кўра, Қирғизистон рейтингнинг 99-қаторида жойлашган. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг натижалари жуда паст - мос равишда 175 ва 160-ўринлар.

"Молиявий эркинлик" кўрсаткичи бўйича Қозоғистон рейтингда 89-ўринда, Қирғизистон эса 91-ўринда. Ўзбекистон ушбу кўрсаткичдан анча орқада ва рейтингда 174-ўринни эгаллаб турибди (4-жадвал).

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР  
(CONCLUSION/  
RECOMMENDATIONS)**

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, "суд тизими самарадорлиги", "ҳукумат яхлитлиги", "меҳнат эркинлиги", "монетар эркинлик", "савдо эркинлиги", "инвестицион эркинлик" ва "молиявий эркинлик" кўрсаткичларининг ўсишига эришиш учун чоралар кўриш зарур. Суд эркинлигини таъминлаш, суд ишларини юриштиш самарадорлигини ошириш, меҳнат муносабатларини тартибга солишни такомиллаштириш, банк тизимидаги давлат улушини камайтириш ва рақобатни ривожлантириш устувор вазифалар қаторига киради.

Иқтисодий эркинлик индексининг 2020 йилги ҳисоботида таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳукуматининг ислохотлари учун янги йўл харитаси макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва бозор иқтисодиёти тобора муҳим аҳамият касб этадиган давлатга ўтишни жадаллаштиришни ўз

ичига олади. Ривожланишнинг ҳозирги мақсадлари қишлоқ хўжалигини, молия ва банк соҳаларини ислоҳ қилиш ва давлат томонидан тартибга солишни қисқартириш ва мулк ҳуқуқини таъминлаш ҳисобига инвестиция муҳитини яхшилашни ўз ичига олади.

**Ўзбекистон Республикасининг дунё мамлакатлари орасида Иқтисодий эркинлик индекси бўйича рейтингини ошириш учун қуйидаги таклифлар берилди:**

- мамлакатимизда молия бозори ва капитал бозори субъектларини эркин фаолият юриштиши амалий таъминланиши керак. Қимматли қоғозлар бозорини эркинлаштириш, унинг фаолиятини такомиллаштиришни бозор таъминлашига таъминлаш зарур;

- давлат банклари сонини ва улушини қисқартириш зарур. Капитал бозорида давлатнинг қатнашишини қисқартириш, унинг капитал бозоридаги доминант лигига барҳам бериб, соф капитал рақобатни вужудга келтириш керак;

6. <https://www.heritage.org/index/explore?u=637202810236630291>

- мамлакатимизни Жаҳон савдо ташкилотигадаги позициясини кузатувчи мақомидан тўлиқ аъзо мақомига секин асталлик билан ўзгартириши керак. Бундан аввал эса дунё мамлакатларида рақобат ҳусусиятига эга бўлган ва мамлакатимизда мавжуд бўлган баъзи монопол соҳаларни монополикдан чиқариши ва уларда рақобат муҳитини шакллантириши зарур (масалан, автомобилсозлик саноатини);

- Ўзбекистон Республикаси "Рақобат тўғрисидаги" Қонунига Халқаро рақобат тўғрисида банд киритилиши керак;

- Марказий банкнинг амалий эркинлик даражасини ошириши зарур. Яъни бунда давлат фискал сиёсат орқали Марказий банкка босим бермаслиги керак. Шунингдек, Марказий банк барча бевосита ва билвосита инструментларидан эркин фойдаланиши, хусусан, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда асосий ролни ўз зиммасига олиши керак;


- хорижий инвестицияларга нисбатан миллий тартибнинг

аниқ мезонларини ишлаб чиқиши зарур;

- ерга эгаллик қилиши ҳуқуқини давлат бошқа субъектларга сотиши керак. Бу эса мамлакатимизда инвестицион рискнинг камайишига олиб келади. Натижада йилдан йилга давлат томонидан кафолатланган инвестициялардан кўра тўғридан тўғри хорижий инвестициялар шиддат билан ошиб боради;

- валюта назорати чекловларини камайитириши, валюта интервенциясини тўлиқ бартараф этиши керак бўлади. Марказий банк ҳам, давлат ҳам валюта бозорида қолган субъектлар сингари рақобатлашган ҳолатда валюта олди-сотдисидида қатнашиши керак.

Юқорида муаллиф томонидан келтирилган тавсиялар мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, уни дунё мамлакатлари Иқтисодий эркинлик индекси рейтинги бўйича юқори поғоналарда бўлишига амалий ёрдам беради.



**Марказий банкнинг амалий эркинлик даражасини ошириши зарур. Яъни бунда давлат фискал сиёсат орқали Марказий банкка босим бермаслиги керак. Шунингдек, Марказий банк барча бевосита ва билвосита инструментларидан эркин фойдаланиши, хусусан, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда асосий ролни ўз зиммасига олиши керак.**

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Terry Miller, Anthony B. Kim, James M. Roberts, with Patrick Tyrrell & Tori K. Whiting. Foreword by Steve Forbes. *INDEX OF ECONOMIC FREEDOM, 24th Edition. The Heritage Foundation 214 Massachusetts Ave., N E Washington, DC 20002*
2. Laura Asandului, Andreea Iacobuta, Cristina Cautisanu. *Modelling Economic Growth Based on Economic Freedom and Social Progress European Journal of Sustainable Development (2016)*
3. Vladimir Fernandes Maciel, Ulisses Monteiro Ruiz de Gamboa, Julian Alexienco Portillo, Mariangela Ghizellini. *Brazilian States' Economic Freedom Index: Applying Fraser's Methodology for 2003-2016 data. The Quarterly Journal of Austrian economics.*
4. [www.heritage.org](http://www.heritage.org) - "Heritage Foundation" халқаро жамғармаси
5. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.
6. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.
7. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти.
8. [www.wordbank.org](http://www.wordbank.org) - Жаҳон банки сайти.
9. [www.imf.org](http://www.imf.org) - Халқаро валюта жамғармаси сайти.
10. [www.adb.org](http://www.adb.org) - Осиё тараққиёт банки сайти.



## Стратегия развития малого бизнеса в контексте критериев оценки условий ведения бизнеса с применением международного рейтинга

Назира АБДУЛЛАЕВА,  
старший научный сотрудник  
ИПМИ

Существует более 90 известных международных рейтингов и индексов, призванных оценивать прогресс социально-экономического развития стран, определения сфер, требующих экономических, социальных и институциональных реформ. Примерно 18 из них оценивают уровень экономического развития страны, среди которых можно назвать наиболее известные такие как:

- индекс человеческого развития (Human Development Index);

- индекс глобальной конкурентоспособности страны по версии Всемирного Экономического Форума (The Global Competitiveness Index);

- индекс экономической свободы (Index of Economic Freedom);

- рейтинг ведения бизнеса (Doing Business)

- индекс финансового развития (Financial Development Index);

- глобальный индекс предпринимательства (Global Entrepreneurship Index);

- индекс конкурентоспособности промышленного производства (Global Manufacturing Competitiveness Index);

- глобальный инновационный индекс (Global Innovation Index)

Кроме указанных выше, существуют также и малоизвестные индексы, такие как индекс Джинни или индекс справедливости (Gini coefficient), используемый для оценки экономического неравенства, индекс экономики знаний (Knowledge Economy Index), отражающий состояние основных слагаемых экономики знаний и индекс Бигмака (Big Mac Index), используемый как один из способов определения паритета покупательной способности.

Начиная с 2016 года, Узбекистан демонстрирует миру динамизм, открытость, инициативность в проведении экономических реформ, ведет целенаправленную работу по продвижению национальных интересов на международной арене.

Целенаправленная работа по формированию позитивного имиджа страны и обеспечению объективной оценки позиции Республики Узбекистан в меж-

дународных рейтингах проводится в рамках Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития страны в 2017-2021 годах.

Повышение позиций Узбекистана в авторитетных международных рейтингах и индексах будет способствовать формированию благоприятных условий для углубления и расширения торгово-экономических и инвестиционных связей с зарубежными странами, расширению экспорта национальных товаров и услуг, привлечению передовых технологий.

В настоящее время Узбекистан присутствует в 17 международных рейтингах, два из которых: рейтинг экономической свободы и рейтинг легкости ведения бизнеса, отображают состояние бизнес-климата в стране и объем притока инвестиций.


Постановлением Президента Республики Узбекистан от 5 февраля 2019 года "О дополнительных мерах по улучшению рейтинга Республики Узбекистан в ежегодном отчете "Ведение бизнеса" поставлена цель к 2022 году подняться до 20-го места в этом рейтинге.

Совершенствование нормативно-правовой базы и регулятивных процедур в области малого бизнеса и частного предпринимательства, уменьшение вмешательства государства в бизнес, формирование благоприятной бизнес-среды позволили Узбекистану подняться в рейтинге "Ведение бизнеса" за последние 5 лет на 18 позиций - с 87-го до 69-го места (см. График 1). Согласно отчету "Ведение Бизнеса", достижения Узбекистана в сфере обеспечения легкости ведения бизнеса послужили мотивацией к реформам в соседней Республике Таджикистан.



**Совершенствование нормативно-правовой базы и регулятивных процедур в области малого бизнеса и частного предпринимательства, уменьшение вмешательства государства в бизнес, формирование благоприятной бизнес-среды позволили Узбекистану подняться в рейтинге "Ведение бизнеса" за последние 5 лет на 18 позиций - с 87-го до 69-го места (см. График 1). Согласно отчету "Ведение Бизнеса", достижения Узбекистана в сфере обеспечения легкости ведения бизнеса послужили мотивацией к реформам в соседней Республике Таджикистан.**

**График 1.**  
**Динамика места Узбекистана в рейтинге "Ведение Бизнеса"**



*Источник: Ежегодные отчеты Введение Бизнеса 2010-2020.*



Согласно отчету "Ведение Бизнеса 2020", Узбекистан получил более высокие баллы по сравнению с прошлым годом по 8 субиндексам, субиндекс "Получение кредитов" остался без изменений, а субиндекс "Разрешение неплатежеспособности" набрал 43,5 балла, (-1,7% в сравнение с предыдущим годом). Но в то же время по некоторым показателям в рейтинге стран, наблюдается ухудшение в сравнение с предыдущим годом:

Подключение к системе электроснабжения - 36 место (-1 пункт /35 место в 2018 году);

Регистрация собственности- 72 место (-1 пункт / 71 место в 2018 году);

Получение кредитов - 67 место (-7 пунктов / 60 место в 2018 году);

Налогообложение- 69 (-5 пунктов/ 64 место в 2018 году);

Разрешение неплатежеспособности 100 (-9 пунктов/91 место в 2018 году).


Анализ динамики рейтингов показывает, что по сравнению с рейтингом 2016 года (Доклад "Ведение бизнеса 2017") значимые улучшения произошли в субиндексах "Защита миноритарных инвесторов", где с 2016 года Узбекистан поднялся на 33 позиции (с 70 места до 37-го места) и "Обеспечение исполнения контрактов", где с 2016 года подъем составил 16

позиций (с 38 места до 22-го). Однако, некоторые субиндексы, которые были на высоких позициях в 2019 году, упали по сравнению с 2016 годом. Так, за период 2016 - 2019 гг. субиндекс "Получение кредитов" снизился на 23 пункта, также и по субиндексу "Разрешение неплатежеспособности" за период 2016 - 2019 гг. потеряны 23 пункта (см. График 2).

Согласно отчету Всемирного Банка, Узбекистан улучшил свои показатели в рейтинге "Ведение Бизнеса 2020" за счет следующих реформ и изменений:

Защита миноритарных инвесторов: усилена защита миноритарных инвесторов за счет расширения прав и роли акционеров в принятии ключевых корпоративных решений, разъяснены права собственности и конт-

**График 2.**  
**Динамика изменений показателей рейтинга "Ведение Бизнеса" Узбекистан**



*Источник: Ежегодные отчеты Введение Бизнеса 2017-2020.*

роля, повышена корпоративную прозрачность.

**Налогообложение:** упрощена уплата налогов, путем объединения налога на развитие социальной инфраструктуры с налогом на прибыль.

Международная торговля: за 2018 год принято более 40 нормативно-правовых актов, связанных с упрощением внешнеэкономической деятельности, отменено 10 видов документов разрешительного характера, выдаваемых таможенными органами при помещении под определенные таможенные режимы, внедрена Система управления рисками, которая позволяет таможенным органам автоматически определять на основе целевого отбора товары для таможенного контроля и добросовестных участников внешнеэкономической деятельности, существенно сокращено среднее время таможенного оформления экспортных и импортных деклараций, сокращены общие временные и финансовые затраты на все процедуры при осуществление импорта, требуемые таможенными, не таможенными и пограничными органами.

Обеспечение исполнения контрактов: в 2019 году вступил в силу закон "О медиации", который упростил исполнение контрактов, создал финансовые стимулы для решение споров путем медиации (при разрешении спора медиативным соглашением в порядке медиации, уплаченная государственная пошлина подлежит возврату).

Совершенствование законодательства: законом "О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием дополнительных мер по улучшению делового климата в стране" внесено дополнение в статью 11 Эко-



**Совершенствование законодательства: законом "О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием дополнительных мер по улучшению делового климата в стране" внесено дополнение в статью 11 Экономического процессуального кодекса Республики Узбекистан, согласно которому вступившие в законную силу судебные акты публикуются на официальном веб-сайте суда с согласия сторон или обезличенно, за исключением судебных актов, принятых в закрытом судебном заседании.**

номического процессуального кодекса Республики Узбекистан, согласно которому вступившие в законную силу судебные акты публикуются на официальном веб-сайте суда с согласия сторон или обезличенно, за исключением судебных актов, принятых в закрытом судебном заседании.

Однако, этих мер оказалось недостаточно, чтобы Узбекистан повысил свои позиции в рейтинге "Ведение Бизнеса". Такая ситуация ставит в повестку дня необходимость разработки и реализации Комплексной стратегии развития малого бизнеса с использования международных индикаторов рейтинга. При этом необходимо учитывать, что рейтинг "Ведение Бизнеса" не руководство по привлечению инвестиций, а лишь показатель степени легкости ведения бизнеса. Кроме него потенциальные инвесторы рассматривают национальную конкурентоспособность, макроэкономическую стабильность, развитие финансовой системы, размер рынка, верховенство закона, качество рабочей силы. Поэтому индикаторы рейтинга рекомендуется применять с учетом законных требований потенциальных инвесторов, в комплексе с другими механизмами и мерами для дальнейшего облегчения развития малого бизнеса и предпринимательства.

Малый бизнес Узбекистана демонстрирует стабильные темпы роста. Доля малого бизнеса в ВВП на 2019 г. составила 56,5% против 52,5% в 2010 г. или на 4% больше за рассматриваемый период. Следует отметить, что в 2019 году доля малого бизнеса в ВВП в сравнении с аналогичным периодом прошлого года на 3,9% меньше. Такое снижение Государственный комитет по статистике объясняет увеличением в



структуре ВВП удельного веса крупных предприятий. Вместе с этим следует отметить рост доли занятых и количества действующих субъектов малого бизнеса (График 3).

За период 2017-2019 гг. принято более 30 нормативно правовых документов, направленных на развития малого бизнеса, и два нормативно-правовых документа непосредственно связанные с улучшением места Узбекистана в рейтинге "Ведение Бизнеса".

Для придания дополнительно-го импульса развитию малому бизнесу создано Агентство по развитию предпринимательства при Министерстве экономического развития и сокращения бедности которое будет комплексно подходить к стимулированию развития

малого предпринимательства, а также созданию благоприятных условий для данной сферы.

Для более эффективной работы Агентства и дальнейшего развития малого бизнеса необходима разработка Комплексной стратегии развития малого предпринимательства в республике. По сути, это должен быть межотраслевой документ планирования развития малого бизнеса, база для разработки и реализации программно-целевых документов и дорожной карты, направленной на развитие малого бизнеса, предпринимательства наряду с улучшением делового климата.


Подобные документы внедрены, во многих странах, в том числе Франции, Германии, Италии, Индии и ряде стран СНГ. В

частности, в Грузии в 2015 году принята Стратегия развития малого и среднего бизнеса на 2016-2020 годы, в России в 2016 году принята Стратегия развития малого и среднего предпринимательства (МСП) на период до 2030 года, в Украине в 2017 году принята Стратегия развития МСП на период до 2020 года, в Белоруссии в 2018 году принята Стратегия развития МСП до 2030 года.

**Исходя из мировой практики, основными задачами Комплексной стратегии развития малого бизнеса в республике, с учетом использования международных индикаторов рейтинга "Ведение Бизнеса" и Индекса "Экономическая свобода", целесообразно определить следующие:**

### График 3

#### Основные индикаторы развития малого бизнеса 2010-2019 гг., %



Источник: данные Государственного комитета по статистике РУз



- разработка мер поддержки экспорта продукции, направленных на сокращение транзакционных издержек с учетом критериев, заложенных в индикаторе "международная торговля";

- разработка мер, направленных на улучшение условий и процедур, учитываемых при оценке индикаторов "регистрация предприятия", "получение разрешений на строительство", "регистрация собственности";

- разработка мер по совершенствованию системы защиты прав и законных интересов субъектов предпринимательства с учетом критериев оценки индикаторов "защита миноритарных акционеров", "обеспечение исполнения контрактов", "разрешение неплатежеспособности";

- разработка мер и механизмов с одновременным совершенствованием инфраструктуры и документарных условий с учетом критериев оценки индикатора "подключение к системе электроснабжения";

- разработка мер по дальнейшему совершенствованию налоговой политики в сфере малого бизнеса с учетом критериев оценки индикатора "налогообложение";

- обеспечение доступности финансовых ресурсов для субъектов малого предпринимательства с учетом критериев оценки индикатора "получение кредитов";

- разработка медиа плана по пропаганде предпринимательской деятельности среди населения;

- разработка дорожной карты по стимулированию развития малого бизнеса в регионах с учетом их специализации.

В Стратегии необходимо определить базовые индикаторы, на основе которых можно оценивать состояние предпринимательства в стране и регионах, соответственно, выявлять проблемы и препятствия развития субъектов данной сферы. В частности, такие показатели как увеличение доли населения занятого в сфере малого бизнеса и ча-

стного предпринимательства, увеличение оборота предприятий малого бизнеса, увеличение производительности труда в секторе малого бизнеса, стабильный прирост доли сектора малого бизнеса в ВВП - можно взять за базовые, вокруг которых можно выстроить косвенные показатели. Необходимо учитывать, что оценка параметров должна вестись с учетом всех регионов страны, а не только "крупнейших деловых центров", как это принято в методологии составления рейтинга "Ведение Бизнеса".

С учетом изложенного выше, представляется целесообразным разработку Комплексной стратегии развития малого бизнеса в Узбекистане на период до 2025 г. с непосредственной увязкой к международным рейтингам, что будет способствовать дальнейшему совершенствованию регулятивных процедур в сфере осуществления предпринимательской деятельности и формирования благоприятной бизнес-среды.



# Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни ривожлантириш истиқболлари

Фатима НАЗАРОВА,  
и.ф.д., профессор,  
Тошкент Молия институти  
Хадича ХУРАМОВА,  
катта ўқитувчи, Наманган  
муҳандислик-технология  
институти

### **Аннотация**

**Предмет/мавзу.** Мақолада мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашнинг ҳолати таҳлил қилинган ва ривожланишининг истиқболлари белгиланган.

**Мақсад/вазифалар.** Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлашни ривожлантириш йўналишларини аниқлаш.

**Методология.** Ушбу ишда назарий ва амалий маълумотлар асосида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашнинг масалалари таҳлил қилинган ва муҳим йўналишлар аниқланган.

**Натижалар.** Мамлакатимизда ва Наманган вилоятида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашнинг йўналишлари белгиланган.

**Хулосалар/аҳамияти.** Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кластер асосида таъкил этишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, кластер, маҳсулот сифати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш.

### **Аннотация**

**Предмет/тема.** В статье проанализированы и определены перспективы развития производства и переработки плодоовощной продукции.

**Цели/задачи.** Определение основных направлений перспектив развития производства и переработки плодоовощной продукции.

**Методология.** В настоящей работе с помощью теоретических и аналитических данных проанализированы и определены основные направления производства и переработки плодоовощной продукции.

**Результаты.** В работе определены основные направления развития производства и переработки плодоовощной продукции в Наманганской области и в Узбекистане.

**Выводы/значимость.** Сделан вывод о том, что в условиях рыночных отношений для повышения эффективности производства и переработки плодоовощной продукции требуется организация кластеров производства сельскохозяйственной продукции.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, кластер, качество продукции, переработка сельскохозяйственной продукции.

### **Abstract**

**Subject / topic.** The article analyzes and defines the prospects for the development of production and processing of fruits and vegetables.

**Goals / objectives.** Identification of the main directions for the development of production and processing of fruits and vegetables.

**Methodology.** In this paper, using theoretical and analytical data, we analyzed and determined the main areas of production and processing of fruits and vegetables.

**Results.** The paper identifies the main directions of development of production and processing of fruits and vegetables in the Namangan region and Uzbekistan.

**Conclusions / relevance.** It is concluded that in the conditions of market relations, in order to increase the efficiency of production and processing of fruits and vegetables, the organization of agricultural production clusters is required.

**Keywords:** agriculture, cluster, product quality, agricultural processing.

## **КИРИШ**

Бугунги кунда республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида маҳсулот етиштириш ҳажми ва турларини кўпайтириш шунингдек, қишлоқ аҳолисини даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини кент кўламда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, мазкур тармоқ аҳолини озиқ-

овқатга, қайта ишловчи саноат тармоқларини эса, хом-ашёга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Айниқса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш мақсадида бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва бошқа бир қатор қарорлар, фармонлар қабул қилинди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш мақсадида, амалиётга замонавий илм-фан

ютуқлари, интенсив технологиялар қўлланилаётгани ва деҳқон-фермер хўжаликлари фаолияти ҳар томонлама рағбатлантирилаётганлиги бугунги кунда ўз самарасини кўрсатмоқда. Бундай шароитда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашнинг самарасини ошириш кун тартибидagi муҳим вазифалардан ҳисобланади.

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Мазкур муаммонинг назария ва услубиёти кўпгина иқтисодчилар ва мутахассислар томонидан кенг ўрганилган. Ҳудудий кластерлаш назарияси манбаларида кўплаб таниқли олимлар туришган. Хориж олимларидан яна П.Фишер, А.Корнетт, Я. Хансен, Я. Эдвард, Дж. Даннинг, Дж.Лиотардлар худудий кластерларнинг ривожланишига ўзларининг ҳиссаларини қўшишган.

Мамлакатимиз ҳудудиди ҳам қадимда бу йўналишда қатор изланишлар олиб борилган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича маълумотлар Марказий Осиёда IX-XII асрларда ёритилган. Ибн ал Хайсам (965-1035), Ибн Хатиб ар Розий (1149-1209), Ибн Рашта (XII аср), Ибн Ҳаммар (942 йилда туғилган) Муҳаммад Ибн Баҳром (1194 йилда вафот этган), Абу Ҳамид Ибн Али Ибн Умар бошқаларнинг асарларида деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишлаш тилга олинган. Улар бу маҳсулотларнинг фойдалилигини ва уларни йил давомида истеъмол қилиш зарурлигини батафсил баён этганлар.

Қишлоқ хўжалигида фаолиятнинг самарадорлигини ошириш ва бошқарувини такомиллаштириш масалалари бўйича бир қатор таниқли хорижий иқтисодчи олимлардан И.А.Алтухов,

И.Н. Буздалов, М.Баккет, В.М. Баутин, Л.Н. Девяткина, Н.А. Попов, И.Г.Ушачев ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Мамлакатимизнинг етакчи иқтисодчи олимлари Қ.Ҳ. Абдураҳмонов, Ё.А. Абдуллаев, Ш.Н. Зайнутдинов, М.Ш. Шарифхўжаев, С.С. Фуломов ва бошқа бир қатор олимлар илмий ишларида иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларини бошқаришнинг назарий ва услубий асослари атрофлича ёритилган. Ў.П. Умурзоқов, Ф. Назарова, Б.А. Акрамов, Б. Беркинов, К.А. Насирова, Р.Х. Ташматов, В.И. Талибжанова, Т.Х. Фармонов, Н.С. Хушматов, Р.Ҳ. Ҳусановлар томонидан аграр соҳа муаммолари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқаришнинг назарий асослари ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилган.



## ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқот жараёнида мева-сабзавот соҳасини тадқиқ қилиш асосида ривожланиш даражасини аниқлаш, соҳадаги фойдаланилмаётган ички имкониятларни аниқлаш ва такомиллаштириш йўналишларини белгилаш бўйича вазифалар белгилаб олинган. Иқтисодий таҳлил, тизимли ва қиёсий таҳлил, агрокластерларни ташкил этишга ёндашув ва таснифлаш усуллари кенг фойдаланилган.

### ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли қарорига асосан, 2017-2020 йиллар давомида паст рентабеллик пахта ва галла майдонларни мақбуллаштириш ҳисобига 2020 йилгача 235 минг гектар майдонлари оптималлаштирилиб, уларнинг ўрнига 40,9 минг гектар картошка, 96,7 минг гектар сабзавот, 49,8 минг гектар озуқа экинлари, 15,1 минг гектар мойли экинлар ҳамда 20,9 минг гектар интенсив боғлар ва 12 минг гектар тоқзорларга қўшимча майдонлар қўшилади<sup>1</sup>.

Белгиланган чора-тадбирлар натижасида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда ва мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлиги мустаҳкамланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ва модернизациялаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида аҳоли жон бошига мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва истеъмол қилиш кўрсаткичлари тобора ортиб бормоқда. Истиқлол йил-



**Мамлакатимизда  
мева-сабзавотчиликни  
ривожлантириш  
борасида амалга ошири-  
лаётган ишлар натижа-  
сида 2020 йилда  
мева-сабзавот, узум ва  
полиз маҳсулотлари  
етиштириш  
2014 йилга нисбатан  
2-3 мартага  
кўпайтирилиши  
мўлжалланган.  
Бу эса, нафақат  
мева-сабзавот  
маҳсулотлари билан  
ички истеъмолни  
қондириш,  
балки қайта ишлаш  
ва экспортга чиқариш  
имкониятларини ҳам  
кенгайтиради.**

ларида мамлакатимиз аҳолиси қарийб 10 миллион кишидан кўпроққа ортишига қарамай, жон бошига тўғри келадиган сабзавотлар истеъмолини эса, деярли 4 баробарга оширишга эришилди.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида 2020 йилда мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштириш 2014 йилга нисбатан 2-3 мартага кўпайтирилиши мўлжалланган. Бу эса, нафақат мева-сабзавот маҳсулотлари билан ички истеъмолни қондириш, балки қайта ишлаш ва экспортга чиқариш имкониятларини ҳам кенгайтиради. Келгусида мева-сабзавотлар ва полиз маҳсулотларини ички эҳтиёжлардан ортиқча қисмини тўғридан-тўғри ёки қайта ишланган ҳолда экспортга чиқариш Ўзбекистон учун жаҳон бозорларида кенг имкониятларнинг вужудга келиши демакдир.

Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшимча қийматга асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда ушбу тармоқ бозорини кенгайтириш учун маҳсулот сифати, стандартларини таъминлаш қайта ишлаб чиқариш жараёнида илм ва фан ютуқларидан тўлароқ фойдаланиш, мавжуд илмий-тадқиқот институтларини ривожлантириш ҳамда ҳудудларнинг географик жойлашуви салоҳиятидан фойдаланиш талаб этилади. Ушбу йўналишда давлатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнида фаолият юритаётган турли хўжалик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ролини оширишнинг янги институционал муҳитини яратишда агрокластерларни ташкил этиш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

**Кластер** - бу экин экишдан

1. [www.agro.uz](http://www.agro.uz) сайти маълумотлари.



тортиб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи ўз ичига оладиган тизим эканлигини инобатга оладиган бўлсак, уни қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида қўллаш мумкинлигини вақт кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз томонидан жорий этилаётган кластер фермерликнинг келажаги эканлигини тажриба кўрсатиб турибди. Уни ташкил этишнинг муҳим жиҳатларидан бири иштирокчиларнинг биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш - қайта ишлаш - сотиш - илмий-тадқиқот жараёнларини ўзида мужассамлаштирган ҳамкорликдаги лойиҳаларини амалиётда қўллаш орқали бир-бирига ишончларининг юқорилиги ҳисобланади.

Наманган вилояти мева-сабзавот, узум маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш имкониятларининг юқорилиги би-

лан ажралиб туради. Бу вилоятда мева-сабзавотчилик тармоғини юксалтириш салоҳиятини мавжудлигини кўрсатиб беради. Шунингдек, вилоятда ташкил этилган кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш ҳам кластерлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, уларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш ва ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш заруриятини тақозо этади.

2018 йилда Россия, Қозоғистон ва бошқа хорижий давлатларга мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотларини сотиш, етказиб бериш бўйича шартномалар тузилган. Вилоятнинг барча туманларида агрофирмалар томонидан фермер хўжаликлари ва томорқачиларни зарур уруғлик,

ўғит, химикатлар, техника воситалари ва маблағлар билан таъминланаётганлиги деҳқонларнинг қўшимча маҳсулот етиштириш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

2017 йилда 261,4 минг тонна картошка, 741,5 минг тонна сабзавот, 69,8 минг тонна мева ва резавор, 119,9 минг тонна узум, 549,0 минг тонна дон маҳсулотлари йиғиб олинди. Буларнинг барчаси аграр соҳадаги таркибий ўзгаришларни, янги технологиялардан самарали фойдаланишнинг натижасидир.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва ички истеъмолдан ортиқ қисмини экспортга чиқариш масаласи ҳукуратимиз диққат марказида бўлиб келаётгани ва бу борада қулай имкониятлар яратилганлигига қарамай, бир қатор камчиликлар ва



**2017** йилда

**261,4** минг тонна

картошка, **741,5** минг

тонна сабзавот, **69,8**

минг тонна мева ва

резавор, **119,9** минг

тонна узум, **549,0**

минг тонна дон

маҳсулотлари йиғиб

олинди. Буларнинг

барчаси аграр соҳадаги

таркибий ўзгаришлар-

нинг, янги технология-

лардан самарали фойда-

ланишнинг натижасидир.

номутаносибликлар сақланиб қолмоқда. Бу масалага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида алоҳида эътибор қаратиб ўтилди: "Маълумки, ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларида яшайди. Бироқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса, 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади"<sup>2</sup>.

Бундай ҳолат Наманган вилоятида ҳам мавжуд бўлиб, етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини 17 фоизигина қайта ишланади. Шу муносабат билан ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ўтган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан тортиб, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни жаҳон стандартларига жавоб берадиган даражада сифатли қилиб бозорга етказиш жараёнларини бирлаштирувчи агрокластерлар ташкил этиш заруриятга айланиб бормоқда. Агрокластерлар қўшимча иш ўринларини яратиш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

**Наманган вилоятида мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни ривожлантириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:**

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.

- вилоят туманларининг жойлашувини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда, яъни Косонсой, Чортоқ, Чуст ва Янгиқўрғон туманларида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишлайдиган корхоналарни барпо этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мазкур туманларнинг асосий ер майдони адирлик ва тоғолди ҳудудлардан иборат бўлиб, сув таъминотида маълум муаммолар мавжуд. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, кам сув талаб қиладиган, ёнғоқ, бодом, ўрик ва узум маҳсулотларини етиштирадиган интенсив боғларни кенгайтириш;

- галладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экишга алоҳида эътибор қаратиш ва бу вазифаларнинг бажарилишини мутасадди раҳбарлар назоратига олиш. Шунингдек, такрорий экин экишдан деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш;

- етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлайдиган кичик корхоналар барпо этиш ёки мавжудларини кенгайтириш, инновацион техника ва технологиялар билан қуроллантириш ҳамда шу асосда янги иш ўринларини яратиш. Бу йилги тажриба ва кузатувлар шуни кўрсатдики, етиштирилган олма, узум маҳсулотларини тўла қайта ишлаш имкониятининг йўқлиги учун қўшни вилоятлар Тошкент, Фарғона ва Андижонга қайта ишловчи корхоналарга олиб кетилди. Шуларни ҳисобга олиб, қайта ишловчи корхоналар фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш;

- қайта ишланган маҳсулотларни сифатли қадоқлаш ва ташқи кўринишига, яъни дизайнига алоҳида эътибор қаратиш;

- маҳсулотларни сотиш бўйича реклама қилишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш;





- етиштирилган маҳсулотларни йил давомида сақлаш учун бир хил ҳароратда сақлаб турувчи махсус совутгичли омбор қуриш ёки мавжудларининг мунтазам ишлашини таъминлаш;

- етиштирилган маҳсулотларни йиғиб-теришда ва ташишдаги исрофгарчиликларни имкони борича камайтириш;

- мева-сабзавот, полиз ва узумни узоқ вақт сақлаш ва олис масофаларга ташиш учун сифати бузилмайдиган навларидан экишни йўлга қўйиш;

- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш соҳасини кенг қўламда модернизациялаш ва техник-технологик жиҳатдан янгилаш;

- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашда ишлайдиган мутахассис кадрларни тайёрлашга, малака ва тажрибаларини оширишга эътибор қаратиш ва ҳоказолар.

Бизнингча, юқоридаги чоратадбирларни амалга ошириш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва қайта ишлаш имкониятларини кенгайтириш асосида янги иш ўринларини яратиш учун асос бўлади.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кластер асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада етиштирилган

маҳсулотларни қайта ишлайдиган замонавий технологияларга асосланган кичик корхоналарни, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, коммуникациялар тармогини, замонавий маиший ва сервис хизмати кўрсатиш тизимини барпо этиш ҳисобига янги иш ўринларини яратилиб, хоҳловчиларнинг деярли барчасини иш билан таъминлаш имкониятини вужудга келтиради. Бу эса, қишлоқлар қиёфасини, турмуш маданиятини тубдан ўзгартириш ва мамлакатда ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. "Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги bosқичга кўтариш - асосий вазифамиздир". *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 9 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. "Халқ сўзи" газетаси, 2017 йил 10 декабрь.*

2. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.*

3. *Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.*

4. *www.agro.uz сайти маълумотлари.*



## Суформа деҳқончиликда сув етказиб бериш хизмати учун тўлов: Марказий Осиё давлатлари тажрибаси

Шерзод МУМИНОВ,  
и.ф.н.,  
Тошкент давлат  
иқтисодиёт университети  
мустақил изланувчиси

**Аннотация:** мақолада суғориш суви нархлари шаклланиши бўйича илмий ёндашувлар келтирилган. Марказий Осиё давлатларида суғориш сувини етказиб бериш хизматининг иқтисодий моҳияти, тўлов тартиби ва тамойиллари, тўловни субсидиялаш механизми очиб берилган, шунингдек суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловнинг миқдори таҳлил қилинган. Таҳлилар натижаси бўйича хулоса берилган ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Аннотация:** в статье представлены научные подходы по ценообразованию на оросительную воду. Раскрыта экономическая сущность, порядок и принципы услуги по доставке оросительной воды, а

также проанализирован размер платы за услуги по доставке оросительной воды и механизм субсидирования в странах Центральной Азии. По результатам анализа сделаны выводы и разработаны рекомендации.

**Abstract:** this paper presents scientific approaches to irrigation water pricing. An economic nature, procedure and principles of irrigation water delivery services are described. The amount of irrigation water delivery services fees and the subsidy mechanism in Central Asian countries are analyzed. Following the analysis results conclusions were drawn and recommendations were developed.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар асосида ҳар бир тармоқ ривожланишига янги ёндошиш ва бозор механизмларини жорий қилиш ётади. Жумладан, Ўзбекистон сув хўжалигини бошқариш ва молиялаштириш борасида ҳам бозор тамойиллари ҳамда механизмларини кенг жорий этишни талаб этмоқда.

Бу борада сўнгги йилларда ҳукумат томонидан биринчи қадамлар қўйилди, яъни сув хўжалиги ташкилотларининг суғориш сувини етказиб бериш бўйича харажатларининг бир қисmini сув истеъмолчилари томонидан қоплаш механизмларини босқичма-босқич жорий этиш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва сув хўжалиги ташкилотларини молиялаштириш республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва вилоятлар маҳаллий бюджетларига ўтказиш амалиёти жорий этилмоқда.

Айниқса, бу чора-тадбирлар Ўзбекистон суғорма деҳқончилигида долзарб ҳисобланади, ваҳоланки бугунги кунда мамлакатимизда фойдаланилаётган сувнинг қарийб 91% ушбу тармоққа тўғри келмоқда ва 2019 йилда республика бюджетидан мамлакат иқтисодиётига ажратилган маблағнинг 3 059,5 млрд.сўми ёки 54% сув хўжалигига йўналтирилган. Маблағларни суғориладиган ерга нисбатан ҳисоблаганда ўртача 711,1 минг сўм/га ва суғорма деҳқончиликда олинган сув учун эса 60,1 сўм/м<sup>3</sup>ни ташкил қилмоқда. Кўришиб турибдики, республика бюджетидан сув хўжалиги тизими харажатлари юқорилигича қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан, суғорма деҳқончиликда сув етказиб бериш хизмати учун тўловни босқичма-босқич жорий қилиш ва

шу орқали сув хўжалиги ташкилотлари харажатларини сув истеъмолчилари томонидан қоплаш долзарб ҳисобланади.

### ТАДҚИҚОТЛАР ВА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

Умуман олганда, суғориш суви нархлари шаклланиши бўйича назарий ва амалий аҳамиятга молик бир қатор тадқиқотлар ва илмий ёндашувлар мавжуд. Жумладан, суғориш суви нархини аниқлаш асосида иккита мураккаб соҳа, яъни бир томондан фермер хўжаликларининг миллий иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги сиёсати билан, иккинчи томондан эса даладаги суғориш хусусияти, ирригация тизими ва дарё ҳавзаси ҳамда умумий сув сиёсатининг ўзаро боғлиқлиги ётади. Мамлакат умумий сув сиёсати ва сув истеъмолчилари нуқтаи назаридан Хуртадо қуйидаги фикрга келган, яъни сув нархи сув сиёсатининг турли мақсадларига эришишда жуда кучли восита ҳисобланади ва у кўпинча рағбатлантирувчи таъсирга эга. Шунингдек, бунда фермерлар суғориш самарадорлигини ошириш, экинларни камроқ суғориш, тупроқ намлиги ва суғориш вақтига кўпроқ эътибор беришлари мумкин.

Шундай қилиб, суғориш суви нархи сувни оқилона тақсимлаш ва уни тежашни рағбатлантирувчи асосий восита ҳисобланади. Демак, кўришиб турибдики бугунги кунда Ўзбекистон сув хўжалиги тизимини молиялаштиришда янги ёндошув бозор принциплари ва сув истеъмолчилари манфаатларига тўлиқ мос келадиган ҳамда бу масалани илмий-методологик жиҳатларини ўрганиш ва хорижий давлатлар, хусусан Марказий Осиё давлатлари тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.



**Бу чора-тадбирлар  
Ўзбекистон суғорма  
деҳқончилигида долзарб  
ҳисобланади, ваҳоланки  
бугунги кунда мамлакатимизда фойдаланилаётган сувнинг қарийб  
91% ушбу тармоққа  
тўғри келмоқда ва  
2019 йилда  
республика  
бюджетидан мамлакат  
иқтисодиётига ажратилган маблағнинг  
3 059,5 млрд.сўми  
ёки 54% сув хўжалигига  
йўналтирилган. Маблағларни суғориладиган ерга нисбатан  
ҳисоблаганда ўртача  
711,1 минг сўм/га ва  
суғорма деҳқончиликда олинган сув учун эса  
60,1 сўм/м<sup>3</sup>ни ташкил  
қилмоқда.  
Кўришиб турибдики,  
республика бюджетидан  
сув хўжалиги тизими  
харажатлари юқорилигича қолмоқда.**

## НИМА УЧУН АЙНАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ?

Маълумки, Амударё ва Сирдарё трансгегаравий дарёлари Марказий Осие давлатларини бир бирига чамбарчас боғлаб туради ва минтақадаги 85% сув ресурслари уларда шаклланади. Ушбу дарёлар азалдан минтақада истиқомат қилувчи халқларнинг ижтимоий ва иқтисодий, гидрологик ва гидротехник инфратузилмалар уйғунлигида ривожланиши учун хизмат қилиб келган. Шу нуқтаи назардан сув хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотлар фақат минтақавий ҳамкорлик доирасида самарали ҳисобланади ва бу минтақа суғорма деҳқончилигида сув етказиб бериш хизмати учун тўловни жорий этишда ҳам долзарб ҳисобланади.

Шуларни инобатга олиб, қўшни давлатлар суғорма деҳқончилигида сув етказиб бериш хизмати учун тўлов, унинг ўзига хос жиҳатлари, ижобий натижалари ва камчиликларини таҳлил қилган ҳолда қўйилган хатоларни Ўзбекистон шароитида такрорламаслик нуқтаи назаридан муҳим деб ҳисоблаймиз.


## СУҒОРИШ СУВИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ХИЗМАТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

Марказий Осие давлатларида сув ресурсларини бошқариш ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланишнинг хавза (вилоят) ва ундан юқори бўгинлари давлат бюджетидан, тизим (туман) бўгини объектлари эса давлат бюджети ҳамда сув етказиб бериш хизмати учун белгиланган тўловлар ҳисобига молиялаштирилади (1-расм).



Маълумки, Амударё ва Сирдарё трансгегаравий дарёлари Марказий Осие давлатларини бир бирига чамбарчас боғлаб туради ва минтақадаги 85% сув ресурслари уларда шаклланади.

1-расм.  
Марказий Осие давлатлари суғорма деҳқончилигида сув етказиб бериш хизмати-  
нинг иқтисодий моҳияти



**Изоҳ:\*** - Ўзбекистон ва Туркманистонда сув хўжалиги тўлиқ давлат томонидан молиялаштирилади ва суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловлар (тарифлар) жорий этилмаган.

**Манба:** Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Кўриниб турибдики, сув ҳўжалиги (СХТ) ва сувдан фойдаланувчи ташкилотларнинг (СФТ) молиявий барқарорлиги сувдан фойдаланувчилар (истеъмолчилари<sup>1</sup>) молиявий-иқтисодий аҳволи ва салоҳиятига бево-сита боғлиқ. Жумладан, суғориш сувини етказиб бериш хизмати асосан икки турга бўлинади: сув ҳўжалиги ташкилотларининг сувдан фойдаланувчи ташкилотлар чегарасигача ҳамда сувдан фойдаланувчи ташкилотларнинг сувдан фойдаланувчилар (истеъмолчилар) чегарасигача суғориш сувини етказиб бериш хизмати.

### **СУВ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ХИЗМАТИ УЧУН ТўЛОВ ТАРТИБИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ**

Марказий Осиё давлатлари ичида суғорма деҳқончиликда сув етказиб бериш хизмати учун тўлов (тариф) биринчи бўлиб 1992 йилда Қозоғистонда жорий этилган. Суғориш сувини етказиб бериш хизмати тарифи сув ҳўжалиги эксплуатация ташкилотларининг режадаги харажатлари ва етказиб бериладиган сув ҳажми ҳамда экин майдонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади ҳамда бир ва икки ставкали тарифлар асосида белги-ланади ҳамда қўшилган қиймат солиғини (12%) ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади.

Бир ставкали (м<sup>3</sup>) тариф су-ғориш учун сув таъминотига до-имий ва барқарор йиллик эhti-ёж бўлган ҳудудларда қўллани-лади. Бир ставкали тариф сув истеъмолчиларнинг сув олиш нуқталарига етказиб берилган сувнинг бир бирлик ҳажмига белгиланади.

Икки ставкали тариф вегета-ция даврида суғориш учун сувга эhtiёж сезиларли бўлган ҳудуд-ларда қўлланилади. Икки ставка-ли тариф сув ҳажми (ҳар бир м<sup>3</sup> етказиб берилган сув) ва экин майдонига (ҳар бир гектар суғо-риладиган майдон) белгиланади.

Шу билан бир қаторда, шўр ювиш ва нам суви учун имтиёз-ли ва меъёрдан ортиқча ва ўзбо-шимчалик билан сувдан фойда-ланганлик учун жарима тариф-лари ўрнатилади.

Бугунги кунда сувдан фойда-ланувчилар чегарасигача сувни етказиб бериш сув ҳўжалиги таш-килоти, яъни "Казводхоз" рес-публика давлат корхонаси туман филиалларининг ишлаб чиқа-риш участкаси зиммасида, бироқ амалда қишлоқ ҳўжалиги коопе-ративлари суғориш сувини еткази-б бериш хизматларини кўрсат-моқда ва сув истеъмолчилари уларнинг хизматига ҳам пул тўламоқда. Жумладан, коопе-ративлар ўз бюджетларига туман ишлаб чиқариш участкаси суғо-риш сувини етказиб бериш та-рифи билан бирга ўзларининг хизмат ҳаққини ҳам киритади. Кооперативларнинг суғориш су-вини етказиб бериш хизмати учун тўлови қишлоқ ҳўжалиги экин турларидан келиб чиққан ҳолда экин майдони ва сув ҳаж-мига нисбатан аниқланади. Су-ғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов кооператив-лар томонидан йиғилади ва ўзига тегишли қисмини олиб қолади.

Бугунги кунда суғориш суви-ни етказиб бериш хизмати учун олдиндан тўлов 90% ташкил эта-ди ва бу эса суғориш сувини ет-казиб бериш хизмати учун тўлов-ни йиғиш даражасига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

**Қирғизистонда** 1996 йилдан бошлаб сув ҳўжалиги соҳасида бозор механизмлари ва суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тариф жорий этилган, ле-



**Марказий Осиё  
давлатлари ичида  
суғорма деҳқончиликда  
сув етказиб бериш  
хизмати учун тўлов  
(тариф) биринчи бўлиб  
1992 йилда**

**Қозоғистонда жорий  
этилган. Суғориш сувини  
етказиб бериш хизмати  
тарифи сув ҳўжалиги  
эксплуатация ташкилот-  
ларининг режадаги  
харажатлари ва етказиб  
бериладиган сув ҳажми  
ҳамда экин майдонидан  
келиб чиққан ҳолда  
аниқланади ҳамда бир  
ва икки ставкали тариф-  
лар асосида белгиланади  
ҳамда қўшилган қиймат  
солиғини (12%) ҳисобга  
олган ҳолда  
ўрнатилади.**

1. Ўзбекистон Республикаси "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ Ўзбекистонда сув истеъмолчилари деб юритилади.



кин у 1999 йилда якуний ҳуқуқий асосга эга бўлган. Тариф сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларининг режадаги харажатлари ва етказиб бериладиган сув ҳажмидан келиб чиқиб, табиий-иқлим шароити қулай ҳамда оғир ва ноқулай ҳудудларни инобатга олган ҳолда аниқланади. Ҳукумат қарори билан суғориш насос станциялари ва қудуқлари учун электр энергияси учун ҳам имтиёзли тариф белгиланган. Сувдан фойдаланувчиларга белгиланган тарифларнинг 30%дан юқори бўлмаган қисмини маҳсулот кўринишида тўлаш имконияти берилган. Бироқ, ушбу бошқарув қарори амалда пул кўринишидаги маблағ йиғилишига салбий таъсир кўрсатди ва сув хўжалиги ташкилотлари даромад олиш ўрнига хизмат учун йиғилган маҳсулотларни сақлаш ва сотиш учун қўшимча харажат қилиш ёки уларни ҳисобдан чиқаришга мажбур бўлмоқда.

Белгиланган тариф ставкалар истеъмол нархларининг ўсиши, миллий валюта курси ва инфляция индексларининг ўзгаришидан қатъий назар 1999 йилдан буён ўзгармасдан қолмоқда.

Агар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари сув истеъмолчилари уюшмаси аъзоси бўлса, у ҳолда давлат томонидан белгиланган тариф билан бирга уюшманинг суғориш сувини етказиб бериш хизмати ҳаққини ҳам тўлайди.

Бугунги кунда суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловларни жорий қилиш билан боғлиқ бир қатор камчиликлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, давлат томонидан белгиланган тариф ставкалари анча паст бўлиб, ирригация инфратузилмаларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ҳақиқий харажатларнинг фақат бир қисмини қоплайди холос. Шунингдек, сув хўжалиги таш-

килотлари суғориш сувини етказиб бериш хизмати ҳаққини йиғиш мажбуриятлари маҳаллий сув хўжалиги ташкилотларига юклатилган ва бу эса хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ходимларини ишлаб чиқариш функцияларини бажаришдан чалғитмоқда ва коррупцияга ундамоқда.

**Тожикистон** сув хўжалигида суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов 1996 йилдан бошлаб жорий этилган. Тўлов миқдори истеъмолчига етказиб берилган сув ҳажмига нисбатан ҳисобланади. Тариф давлат тасарруфидаги суғориш, сув олиш, коллектор-дренаж тизимлари ва улардаги иншоотларни сақлаш ҳамда таъмирлаш бўйича умумий норматив харажатлар; асосий воситалар қийматини тўлиқ тиклаш учун амортизация тўловлари; мажбурий тўловлар; сув меъёрдан ортиқча ва танқис бўлган тақдирда суғурта фонди; ишлаб чиқаришни кенгайтириш, таъ-

минотчининг илмий-техник ва ижтимоий ривожланиши учун фондларни ташкил этиш учун етарли бўлган фойда ҳамда юқорида келтирилмаган сув хўжалиги ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи бўйича харажатларидан келиб чиқиб белгиланади. Амалиётда суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловнинг 40% олдиндан тўлаш тизими қўлланилади.

Сувдан фойдаланувчилар сув хўжалиги ташкилотлари хизмати учун белгиланган тарифни қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда (18%) ва сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг аъзолик бадалини тўлайди. Ваҳоланки, аъзолик бадални уюшма фаолиятини юритиш, ирригация тизимини сақлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлардан ташкил топиб, у уюшманинг умумий йиғилишида тасдиқланади. Сув хўжалиги ташкилотлари хизмати учун тўловлар уюшма томонидан йиғилади ва ўзига тегишли қисмини олиб қолади.

Бугунги кунда суғориш сувини етказиб бериш учун тўлов ва уюшма аъзолик бадалларини йиғиб олиш даражаси пастлигича қолмоқда. Уюшмаларнинг суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловида ҳақиқий харажатлар акс эттирилмаганлиги уларнинг барқарор фаолият юритиши ҳамда хўжаликлараро ирригация тизimini сақлаш ва таъмирлаш ишларини тўлақонли амалга оширишга тўсиқ бўлмоқда. Шу билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг уюшмага аъзо бўлиши ихтиёрийлик таъмоилига асосланганлиги ҳамда уюшма аъзоларига суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловлардан бўйин товлаганлик учун жарима санкцияларини қўллаш бўйича қонуний асос мавжуд эмаслиги суғориш

сувини етказиб бериш хизматларидан бепул фойдаланишга кенг йўл очиб бермоқда.

**Туркменистонда** сувдан фойдаланиш бепул ҳисобланади, бироқ қонунчиликда назарда тутилган пуллик махсус сувдан фойдаланиш ҳоллари бундан мустасно. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ажратилган сув режали лимит доирасида бепул етказиб берилади, бироқ режада белгилангандан ортиқча сув ҳажми учун уч барабар жарима тариф ставкаси белгиланган. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга сувни керакли ҳажмда ва узлуксиз етказиб бериш масъулияти дайхон бирлашмаларига юклатилган ҳамда улар тўлов асосида моддий-техник ресурслар ва агросервис хизматларини кўрсатадилар.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш бепул ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида сув истеъмолчилари ва давлат сув хўжалиги ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилот шаклида сув истеъмолчилари уюшмалари ташкил этилган. Бугунги кунда, уюшма фаолияти пахта-тўқимачилик кластерлари, фермер ва дехқон хўжаликлари бадаллари ҳисобига молиялаштирилади. Бунда, уюшма фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаи давлат томонидан пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари пахта хомашёси ва галла етиштириш учун ажратиладиган имтиёзли кредит воситалари ҳисобланади.

Шунингдек, уюшмалар нодавлат нотижорат ташкилот сифатида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан бир қатор имтиёз ва преференцияларга эга, яъни улар даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва ҚҚСдан озод этилган.



**Ўзбекистон  
қишлоқ хўжалигида  
сувдан фойдаланиш  
бепул ҳисобланади.  
Қишлоқ хўжалигида  
сув истеъмолчилари  
ва давлат сув хўжалиги  
ташкилотлари  
ўртасидаги ўзаро  
муносабатларни  
тартибга солиш  
мақсадида нодавлат  
нотижорат ташкилот  
шаклида сув  
истеъмолчилари  
уюшмалари  
ташкил этилган.**

### СУҒОРИШ СУВИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ХИЗМАТИ УЧУН ТЎЛОВ МИҚДОРИ

Юқорида келтирилгандек, бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари ичида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Қирғизистонда сувдан фойдаланувчилар сув хўжалиги ҳамда сувдан фойдаланувчи ташкилот-

ларнинг сув етказиб бериш хизмати учун ҳақни тўлайди. Туркманистон ва Ўзбекистонда сув хўжалиги тўлиқ давлат томонидан молиялаштирилади ва фақат сувдан фойдаланувчи ташкилотларнинг сув етказиб бериш хизмати учун тўлов амалга оширилади. Тўлов давлатлар ва етказиб берувчи ташкилотлар бўйича бир биридан фарқ қилади (1-жадвал).

1-жадвал.

#### Марказий Осиё давлатлари суғорма деҳқончилигида сув етказиб бериш хизмати учун тўлов миқдори (2019 й.)

Давлатлар номи	Суғориш сувини етказиб берувчи ташкилотлар	Суғориш сувини етказиб бериш учун тўловлар	
		Миллий валютада	Хорижий валютада, АҚШ доллари*****
Қозоғистон	Сув хўжалиги ташкилоти	11,385 тенге/м <sup>3</sup> * 0,208 тенге/м <sup>3</sup> **	2,974 цент/м <sup>3</sup> 0,054 цент/м <sup>3</sup>
	Қишлоқ хўжалиги кооперативлари	1 600-2 500 тенге/га	4,2-6,5 \$/га
Қирғизистон	Сув хўжалиги ташкилоти	1,0-3,0 тыйын/м <sup>3</sup> *** 0,2-1,0 тыйын/м <sup>3</sup> ****	0,014-0,043 цент/м <sup>3</sup> 0,003-0,014 цент/м <sup>3</sup>
	Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси Иттифоқи	4 тыйына/м <sup>3</sup>	0,057 цент/м <sup>3</sup>
	Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси	400-800 сом/га	5,7-11,5 \$/га
Тожикистон	Сув хўжалиги ташкилоти	1,5 дирам/м <sup>3</sup>	0,16 цент/м <sup>3</sup>
	Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси	40-120 сомони/га	4,2-12,6 \$/га
Туркманистон	Дайхон бирлашмалари	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қийматининг 3%	-
Ўзбекистон	Сув истеъмолчилари уюшмаси	25-50 минг сўм/га	2,8-5,6 \$/га

**Изоҳ:**\* - насос орқали етказиб бериш; \*\* - оқар сув; \*\*\* - табиий-иқлим шароити қулай ҳудудлар; \*\*\*\* - табиий-иқлим шароити оғир ва ноқулай ҳудудлар. \*\*\*\*\* - ўртача йиллик валюта курси: 1\$ - 382,87 тенге (Қозоғистон); 1\$ - 69,79 сом (Қирғизистон); 1\$ - 9,51 сомони (Тожикистон); 1\$ - 8 851,36 сўм (Ўзбекистон).





Шундай қилиб Марказий Осиё давлатлари сув хўжалиги ва сувдан фойдаланувчи ташкилотлар сугориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов миқдорларини таҳлил қилиб чиқамиз.

Жумладан, Қозоғистон Республикаси табиий монополияни тартибга солиш, рақобат ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси қарорига мувофиқ Қозоғистонда 2019 йил учун сув хўжалиги ташкилотларининг сугориш сувини етказиб бериш учун ўртача тарифи оқар сув бўйича 0,061 цент/м<sup>3</sup> (0,208 тенге/м<sup>3</sup>, 0,233 тенге/м<sup>3</sup> (ҚҚС билан)) ва насос орқали етказиб бериш эса 3,330 цент/м<sup>3</sup> (11,385 тенге/м<sup>3</sup>, 12,751 тенге/м<sup>3</sup> (ҚҚС билан)) даражасида белгиланган (1-жадвал). Хусусан, қўмитанинг қароридан тарифларнинг ўзгариш динамика-

си 1 август 2018 йилдан 31 июл 2023 йилгача белгилаб қўйилган.

Шунингдек, бугунги кунда Қозоғистонда охириги сув истеъмолчиларига қишлоқ хўжалиги кооперативлари томонидан сугориш сувини етказиб берилмоқда ва уларнинг хизмати учун тўлов миқдори ҳудудлар ҳамда сугориш сувини етказиб бериш усулларида келиб чиққан ҳолда 4,2-6,5 \$/га оралиғида бўлмоқда.

**Ҳозирги вақтда Қирғизистонда сув хўжалиги ташкилотларининг сугориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов (тариф) миқдори:**

- табиий-иқлим шароити қулай ҳудудлар учун: I ва IV чоракларда - 1,0 тыйын/м<sup>3</sup>; II ва III чоракларда - 3,0 тыйын/м<sup>3</sup>;

- табиий-иқлим шароити оғир ва ноқулай ҳудудлар учун: I ва

IV чоракларда - 0,2 тыйын/м<sup>3</sup>; II ва III чоракларда - 1,0 тыйын/м<sup>3</sup>. Жумладан, сугориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов (тариф) миқдори ўртача 2,0 тыйын/м<sup>3</sup> ёки 0,029 цент/м<sup>3</sup>ни ташкил қилмоқда.

Шу билан бир қаторда, ҳукумат қарори билан сугориш насос станциялари ва қудуқлари учун соатига 0,03 сом/кВт ёки 0,043 цент/м<sup>3</sup> миқдорида электр энергияси учун имтиёзли тариф белгиланган.

Жумладан, Қирғизистонда охириги сув истеъмолчисига сувни асосан иккита бўғин, сувдан фойдаланувчилар Иттифоқлари ва Уюшмалари етказиб бермоқда. Улар томондан белгиланган сугориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов миқдори сувдан фойдаланувчилар уюшмаси



**Ўзбекистон Бугунги кунда сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан кўрсатилаётган хизмат учун тўлов миқдори ҳудудлар ва етиштирилаётган маҳсулот турларига қараб 25-50 минг сўм/га ёки 2,8-5,6 \$/гани ташкил этмоқда ва у одатда тўлиқ йиниб олинмайди. Кўриниб турибдики, тўлов миқдори қўшни давлатларга нисбатан сезиларли даражада паст.**

Иттифоқида - 0,057 цент/м<sup>3</sup> ташкил этмоқда, сувдан фойдаланувчилар уюшмасида эса 5,7-11,5 \$/га оралиқда бўлмоқда.

**Тожикистонда** 2000-2019 йиллар мобайнида сув хўжалиги ташкилотларининг суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов (тариф) миқдори 0,6 дирам/м<sup>3</sup>дан 1,5 дирам/м<sup>3</sup>гача, яъни 2,5 баробар ошди. Шу билан бирга, 2019 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб, қувурли сув насослари ва машина суғориш насос станциялари, Мелиорация ва суғориш агентлигининг таъмирлаш-ишлаб чиқариш базалари учун электр энергия тарифлари 1 апрелдан 30 сентябргача 7,87 дирам ва 1 октябрдан 31 мартгача 22,66 дирам, мелиоратив вертикал қудуқлар, мелиоратив насос станциялари учун - 7,87 дирамни ташкил этди.

Жумладан, охириги сув истеъмолчиларига сувни сувдан фойдаланувчилар уюшмаси томонидан етказиб берилмоқда ва улар томонидан кўрсатилган хизмат учун тўлов миқдори ҳудудлар ва суғориш сувини етказиб бериш усулларидан келиб чиққан ҳолда 4,2-12,6 \$/га оралиқда бўлмоқда.

Тожикистонда суғориш суви ва электр энергия тарифларининг доимий равишда ошиб бориши яқин истиқболда насос орқали суғоришда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш фойда бермаслиги мумкин. Ваҳоланки, аксарият қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг тўлов қобилияти пастлигича қолмоқда, чунки суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов етиштираётган маҳсулотлар қийматининг катта қисмини ташкил қилмоқда.

Бугунги кунда Туркменистонда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қийматининг 3% миқдорида суғориш сувини етказиб бериш

хизмати учун тўловни дайхон бирлашмалари орқали қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳисобига ўтказиб беришлари белгилаб қўйилган. Бироқ, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулот етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини сурункали бажармаслиги сув хўжалиги учун тушумларнинг сезиларли даражада паст бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Бугунги кунда сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан кўрсатилаётган хизмат учун тўлов миқдори ҳудудлар ва етиштирилаётган маҳсулот турларига қараб 25-50 минг сўм/га ёки 2,8-5,6 \$/гани ташкил этмоқда ва у одатда тўлиқ йиниб олинмайди. Кўриниб турибдики, тўлов миқдори қўшни давлатларга нисбатан сезиларли даражада паст.

Бунинг асосий сабаби қуйидагилардан иборат: уюшмаларнинг юридик мақоми ва ҳуқуқий асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаган; сув истеъмолчилари ва уюшмалар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ асосланмаган; сув истеъмолчиларни ўз вақтида тўловни амалга оширмаслиги ва фермерларни мақбуллаштириш жараёнида қўшилиб кетиши ҳисобига уюшмаларда дебитор ва кредитор, шунингдек нореал қарзларнинг ошиб кетиши; фаолият юритаётган уюшмаларнинг асосий қисми молиявий беқарорлиги; уюшмаларнинг моддий-техник базаси деярли мавжуд эмас, шунингдек техник ва бошқарув ходимлар етишмайди ва кадрлар кўнимсизлиги юқори.

Юқоридаги таҳлиллардан шуни хулоса қилиш мумкинки, Ўрта Осиё давлатларида суғорма деҳқончиликда сув етказиб бериш хизмати учун тўлов сув хўжалигини эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатишнинг ҳақиқий харажатлари ва эҳтиёж-

ларини тўлиқ қопламаяпти ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш учун рағбатлантириш воситаси сифатида ҳали шаклланмаган.

### **СУГОРИШ СУВИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ХИЗМАТИ УЧУН ТЎЛОВНИ СУБСИДИЯЛАШ**

Марказий Осиё давлатлари ичида сугориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловни субсидиялаш фақат Қозоғистонда жорий этилган. Жумладан, бугунги кунда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таннархида сув қийматининг улуши 1 фоиздан кам (бугдой учун 0,9%, пахта учун 0,1%) бўлмоқда. Шунга қарамай, давлат томонидан етказиб бериладиган сув қийматининг бир қисми субсидия қилинади. Субсидиялаш тартибига мувофиқ, етказиб берилган 1 м<sup>3</sup> сугориш суви учун ажратилган субсидиялар миқдори табақалашган ҳолда тарифга нисбатан фоизда қўшилган қиймат солигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ва субсидиялар миқдори шоли етиштирувчилар учун 50%, бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун сугориш усулларидан қатъий назар қуйидагича: 0,4 дан 2,0 тенге/м<sup>3</sup>гача - 60%; 2,01 дан 4,0 тенге/м<sup>3</sup>гача - 65%; 4,01 дан 9,0 тенге/м<sup>3</sup>гача - 70%; 9,01 дан 15,0 тенге/м<sup>3</sup>гача - 75%; 15,01 дан 20,0 тенге/м<sup>3</sup>гача - 80% ва 20,0 тенге/м<sup>3</sup>дан юқори - 85% даражада ўрнатилган.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Таҳлиллардан шуни хулоса қилиш мумкинки, барча Марказий Осиё давлатлари сугорма деҳқончилигида сув етказиб бериш хизматлари учун тўлов бир-биридан фарқ қилиб, ҳар бир давлатда тегишли даражада ижобий

ва салбий натижалар тўпланди ҳамда турли хил ташкилий-иқтисодий механизмлар амалиётда қўллаб кўрилди.

Бироқ, ушбу жараёнда сезиларли камчиликлар ҳам кузатишмоқда ва сув хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, сув ресурсларини бошқариш тизимини бозор принциплари ва механизмлари нуқтаи назаридан тўлақонли такомиллашмади. Сугориш сувини етказиб бериш хизматлари учун ўрнатилган тўловлар ва уларни йиғиш даражасининг пастлиги миллий ва маҳаллий сув ресурсларни бошқариш сифатини яхшилаш, сув хўжалиги ва сувдан фойдаланувчи ташкилотларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг сувдан оқилона фойдаланиш ва самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатди ва рағбатлантирувчи омил сифатида намоён бўла олмади, бу эса ушбу жараёнлар ҳали ўтиш даврида эканлигидан далолат беради.

**Шунга қарамасдан, бизнинг фикримизча ушбу давлатлар эришган ижобий натижалар ва йўл қўйилган камчиликлардан хулоса қилган ҳолда Ўзбекистон сугорма деҳқончилигида сув етказиб бериш хизматлари учун тўлов жорий қилишда қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ:**

- қўшни давлатларда сугориш сувини етказиб бериш хизмати тўлови (тарифи) барча сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларининг режадаги харажатлари тўлиқ ҳисобланганлиги тарифнинг юқори бўлишига сабаб бўлмоқда ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар томонидан тўловни тўлиқ тўламасликка олиб келмоқда, шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий-

иқтисодий аҳволининг ҳозирги ҳолатини инобатга олган ҳолда алоҳида сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларининг режадаги харажатлари босқичма-босқич сув истеъмолчилари томонидан қоплаш механизмини қўллаш;

- мамлакатимизда сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари харажатларининг асосий қисми электр энергияга (65%дан юқори) тўғри келганлигини инобатга олиб, насос орқали сугориладиган майдонларда деҳқончилик қилаётган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар бериш, бунда етиштирилаётган маҳсулот турига қараб табақалаштирилиши ҳам мумкин;

- Қозоғистон сугорма деҳқончилигида сув етказиб бериш хизмати учун тўлов (тариф) белгилаш механизмлари, яъни икки табақали тариф ставкаси, имтиёзли ва жарима тарифлар, хизмат ҳаққини олдиндан тўлаш ва субсидиялаш тизимидан фойдаланиш;

- бугунги кунда сугорма деҳқончиликнинг барча бўғинларида кластер тизими жорий этилаётган бир вақтда уларда сугориш сувини етказиб бериш хизмати-ни ташкил этиш ва молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш;

- сугориш сувини тежаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни рағбатлантирадиган пухта ўйланган ҳаётий ташкилий-иқтисодий механизмлар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Юқорида келтирилган ташкилий-иқтисодий механизмлар Ўзбекистонда сув хўжалиги ташкилотларининг сугориш сувини етказиб бериш бўйича харажатларининг бир қисмини сув истеъмолчилари томонидан қоплаш механизмларини босқичма-босқич жорий этишда муҳим аҳамият касб этади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Закон Кыргызской Республики от 24.03.1999 г. № 32 "Об установлении тарифов за услуги по подаче поливной воды на 1999 год".
2. Кодекс Туркменистана "О воде". Министерство Адалат Туркменистана, Ашхабад: Туркменская государственная издательская служба, TDKP №79. - 2008.
3. Постановление Кабинета Министров Республики Казахстан от 04.03.1992 г. № 182 "Об оплате за услуги по подаче воды в орошаемом земледелии".
4. Постановление Правительства Кыргызской Республики от 26.10.1995 г. № 455 "Об утверждении тарифов за услуги по подаче воды эксплуатационными водохозяйственными организациями Министерства водного хозяйства Кыргызской Республики".
5. Постановление Правительство Республики Таджикистан от 25.06.1996 г. № 281 "Об утверждении положения о порядке взимания платы за услуги по подаче воды потребителям из государственных оросительных и обводнительных систем".
6. Постановление Правительство Республики Таджикистан от 22 июня 2019 года, №329 "О тарифах на электрическую и тепловую энергию".
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сонли "Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги 149-сонли "Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.
9. Приказ Министра сельского хозяйства Республики Казахстан от 30 июня 2015 года № 6-3/597 "Об утверждении Правил субсидирования стоимости услуг по подаче воды сельскохозяйственным товаропроизводителям" и зарегистрирован в Министерстве юстиции Республики Казахстан 31 декабря 2015 года № 12714.
10. Приказ Комитета по регулированию естественных монополий, защите конкуренции и прав потребителей Министерства национальной экономики Республики Казахстан от 18 июля 2018 года № 182-ОД "Об утверждении предельного уровня тарифа и тарифной сметы республиканскому государственному предприятию на праве хозяйственного ведения "Казводхоз" Комитета по водным ресурсам Министерства сельского хозяйства Республики Казахстан на услугу по подаче воды по каналам на период с 1 августа 2018 года по 31 июля 2023 года".
11. Государственная программа развития агропромышленного комплекса Республики Казахстан на 2017 - 2021 годы, город Астана, 2018 год, стр. 46.
12. Gonzalez-Alvarez Y., Keeler A.G., Mullen J.D. 2006. "Farm-Level Irrigation and the Marginal Cost of Water Use: Evidence from Georgia." *Journal of Environmental Management* 80(4): 311-17.
13. Hurtado R.M. 2012. Pricing water resources to finance their sustainable management. A Think-Piece for the EUWI Finance Working Group. Retrieved from Stockholm, Sweden. p. 24
14. Molle J., Berkoff F. 2007. *Irrigation Water Pricing: the Gap between Theory and Practice*. British Library: London, UK. p. 261.
15. Perry C.J., Seckler D., Rock M.T., Seckler D.W. 1997. *Water as an Economic Good: A Solution, or a Problem? Research Report 014; International Irrigation Management Institute: Colombo, Sri Lanka, p. 17.*
16. Tsur Y., Dinar A. 1995. *Efficiency and equity considerations in pricing and allocating irrigation water. Policy Research Working Paper No. 1460. World Bank Agriculture and Natural Resources Department, Agricultural Policies Division: Washington, DC, USA.*
17. Кабилов Ф. Управление водными ресурсами на местном уровне в Таджикистане: правовые основы. *Центральноазиатский журнал исследований воды. Специальный выпуск посвященный проблемам управления использованием водных ресурсов в Центральной Азии и Афганистане (2017) 3(2): с. 82-99.*
18. Кожоев Э. *Меры и рекомендации по улучшению собираемости платы за ирригационные услуги.* Бишкек, 2009, с. 48.
19. Станчин И.М. *Водные ресурсы и водопользование в Туркменистане: история, современное состояние и перспективы развития. Электронный научно-практический журнал "Синергия" 2016. № 6. с. 69-80.*
20. <https://openbudget.uz/#/>
21. [http://www.cawater-info.net/bk/water\\_law/pdf/waterstrategy\\_rus.pdf](http://www.cawater-info.net/bk/water_law/pdf/waterstrategy_rus.pdf)
22. <https://www.osce.org/ru/bishkek/76142?download=true>



## Инвестиция стратегиясини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатлар тажрибаси

Саида АБДУРАХИМОВА,  
и.ф.н., доцент  
ПМТИ докторанти  
Бунёд КАРИМОВ,  
катта илмий ходим,  
ПМТИ

**Аннотация:** Мақолада инвестиция стратегиясини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатлар тажрибаси юзасидан қиёсий таҳлиллар келтирилган. Шунингдек, инвестиция стратегиясини ишлаб чиқишда хориж тажрибасидан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, стратегия, кескин тезлашиш, самарадорлик, инвестиция

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув суръатларининг кескин тезлашиши инвестициялар ва иқтисодий ўсиш ўртасида жиддий ва яқин муносабатлар мавжудлиги билан боғлиқ. Бироқ, бу нафақат инвестицияларнинг ҳажми, балки уларнинг сифати ва жойлаштириш самардорлиги билан миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир. Бу охир-оқибатда сармоявий жозибдорликнинг ижтимоий қайта ишлаб чиқаришга қўшилиш даражасини белгилайди.

Иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири бу узок муддатли истиқболда иқтисодий ўсишни ва сиёсий барқарорликни сақлашга қаратилган стратегик йўналтирилган давлатнинг мувозанатли инвестиция сиёсати. Шиддатли глобал рақобат ва ҳар қандай давлат учун беқарор иқтисодий шароитларда, ўзининг ноёб инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш зарурати муқаррар. Миллий иқтисодиётнинг бутун ривожланиш жараёни ва унинг ижтимоий-иқтисодий натижалари инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Бундай вазиятда тўпланган жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш жуда муҳимдир, унинг давомида инвестиция сиёсати соҳасидаги энг муҳим ютуқларни аниқлаш ва улар асосида ўзингизнинг самарали моделингизни ишлаб чиқишда қўллаш мумкин.

**Инвестицион стратегияларни ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан ривожланаётган давлатларни бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин.**

1. Илмий ва технологик ривожланиш ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёнинг етакчи мамлакатларига (Жанубий Корея, Тайван, Бразилия, Мексика, Хитой, Россия ва бошқалар) яқинлашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган иқтисоди-

ёти ривожланган давлатлар<sup>1</sup>.

Ушбу мамлакатларнинг стратегияси илғор мамлакатлардан сотиб олинган юқори технологияларни қўллаш асосида ўз технологияларини ривожлантириш ҳамда замонавий таълим ва фан тизимини рағбатлантиришда, ЯИМга нисбатан инвестицияларнинг катта қисмини (40% гача) ўз ичига олади. Тарихан қисқа муддатларда ушбу мамлакатлар умумий ва технологик ривожланиш нуқтаи назаридан дунёнинг илғор мамлакатларига мурожаат қилишга интилдилар. Улардан баъзилари аллақачон муваффақиятга эришган - Сингапур, Финляндия, Ирландия ва Жанубий Корея мамлакатлари шулар жумласидан ва улар ривожланган давлатлар қаторида аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот, ҳаёт сифати ва ўзларининг юқори технологияларини киритдилар.

2. Ривожланаётган (ўрта ривожланган давлатлар), хом ашё, ишчи кучи, иқтисодиётнинг саноат секторини ташкил этиш, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ва турмуш даражаси ва сифати жиҳатидан (Жанубий Африка, Чили, Чехия, Словения, Венгрия, Эстония ва бошқалар) ривожланаётган мамлакатлар<sup>2</sup>.



**Шиддатли глобал рақобат ва ҳар қандай давлат учун беқарор иқтисодий шароитларда, ўзининг ноёб инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш зарурати муқаррар.**

Бу гуруҳга геосиёсий режада алоҳида амбициялари бўлмаган, Фарб мамлакатларининг технологияларини истеъмол қиладиган ва мустақил равишда ривожланишга даъво қилмайдиган давлатлар киради. Ушбу мамлакатларнинг стратегиясини истеъмолчилар жамиятини (ривожланган мамлакатлар ўтган босқич) ва Фарб демократиясини ривожлантириш сифатида белгилаш мумкин.

3. Инсон капитали ва саноатдан олдинги иқтисодиёт паст ривожланган давлатлар. Ушбу мамлакатлар гуруҳи ўз ривожланишида ривожланган мамлакатлардан тобора ортада қолмоқдалар ва ўзгариши мумкин бўлган реал ривожланиш стратегияларига эга эмаслар<sup>3</sup>.

Давлатнинг инвестицияларни ривожлантиришдаги роли ҳақида гапирганда, инвестиция стратегиясининг баъзи вариантларини кўриб чиқиши керак. Давлатнинг инвестиция стратегияси нуқтаи назаридан қуйидаги учта моделни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ (1-жадвал)

Ушбу таснифлаш бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар тажрибасини тизимлаштиришга уринишдир. Ушбу моделларнинг барчаси жуда муваффақиятли бўлганлиги билан ҳам муҳим, шунинг учун ўтиш давридаги мамлакатларда инвестиция сиёсатининг тегишли стратегиясини ишлаб чиқиш учун уларни амалга ошириш шартларини кўриб чиқиш зарур.

Биринчи моделда "хусусий инвестициялар учун солиқ имтиёзлари асосий элемент бўлиб, иккинчиси хусусий лойиҳаларни давлат томонидан молиялаштиришга қаратилган. Учунчисида хусусий инвесторларнинг қарорларини мувофиқлаштириш ва инсон капиталига инвестицияларни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқишга қаратилган.

**1-жадвал**

**Мамлакатда инвестициялар стратегиясини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатлар моделлари<sup>4</sup>**

Хусусият белгилари	Моделлар		
	Америка	Япония	Тайван
<b>Мақсад</b>	Хусусий инвестицияларни юкори даражада жалб қилиш	Давлат ва хусусий инвестициялардан самарали фойдаланиш	Экспорт потенциални орттириш учун хусусий инвестицияларни фаоллаштириш
<b>Асосий ғоя</b>	Хусусий инвестициялар учун солиқ органлари	Хусусий инвестицияларни давлат томонидан молиялаштириш	Хусусий инвестицияларни мувофиқлаштирадиган давлат инфратузилмаси
<b>Амалга ошириш шартлари</b>	Қимматли қоғозларнинг ривожланган бозори Фонд биржасининг етакчи роли	Кучли хусусий сектор Кучли давлат девони	Хусусий экспорт қилувчи фирмаларнинг ривожланган тизими
<b>Давлатнинг роли</b>	Информацион таъминот Инфратузилмани инвестициялаш	Банк тизими устидан назорат Аҳоли маблағларини сафарбар қилиш Хусусий корпорацияларга инвестицион ресурсларни имтиёзли тақдим этиш	Янги технологияларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳа-конструкторлик муассасаларини молиялаштириш Хусусий инвесторларни имтиёзли кредитлаш
<b>Камчиликлари</b>	Жамғаришга рағбатнинг йўқлиги ва жамғармаларни тезкор кўпайтиришнинг имконсизлиги	Инвестицияларни режалаштириш жараёнларини сиёсийлаштириш	Ички иқтисодиёт учун инвестиция салоҳияти кўламини экспортга йўналтириш

Жаҳон миқёсида капитални жалб қилиш сиёсатини таҳлил қилишда методологик усул сифатида инвестиция стратегияси моделига кўра давлатлар типологиясидан фойдаланилади. Аммо, у ёки бошқа миллий ўзига хосликнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар қандай чораларни кўриш учун битта воситани ажратиш олиш жуда қийин, чунки ҳатто мазкур мамлакатларга ўхшаш давлатларда ҳам қўлланиладиган воситалар ва уларнинг оқибатлари прогнозларида ҳар хил тафовутлар мавжуд. Шуни таъкидлаш керакки, тегишли институционал базага эга бўлмаган ҳолда моделлардан қарз олишга бўлган уринишлар тўлиқ

муваффақиятсизликка олиб келади. Бунга мисол қилиб, Филиппин, 1970-йилларнинг охирида инвестиция стратегиясининг мақсадлари ва усулларини эълон қилган ва асосан Япония моделидан олинган. Кейинги натижаларда эса Филиппин Жануби-Шарқий Осиёнинг иқтисодий "аждаҳо"сига айланмади. Бошқа томондан, ҳукумат мисли кўрилмаган солиқ имтиёзлари орқали инвестицияларни рағбатлантириш вариантини жадал равишда амалга оширган. Европа тажрибаларидан Шарқий Германия тажрибаси шуни кўрсатдики, инвестициялар учун қулай шарт-шароитлар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар муваффа-

қиятга олиб келмайди. Бинобарин, инвестицион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш моделини танлаш ва қўллаш, қулай инвестиция муҳитини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий ва ҳуқуқий ҳамда институционал воситаларни, минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда миллий иқтисодиётнинг энг кучли томонларига асосланган механизмни ўз ичига олиши керак.

Инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилиш, уларни молиялаштириш, рақобатбардошлигини ошириш бўйича инвестиция стратегияси ушбу барча хусусий стратегия ва дастурларни битта сармоявий тизимга



бирлаштириши керак. Инвестицион стратегия давлатнинг умумий стратегияси, инновацион стратегия ва бошқа хусусий стратегиялар билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг мафкуравий ва молиявий асоси бўлиб хизмат қилади. Халқаро миқёсда мамлакатларнинг инвестицион жозибadorлиги халқаро институтлар, ташкилотлар ва жаҳон рейтинг агентликлари томонидан муҳим кўрсаткичлар, шу жумладан, молиявий кўрсаткичлар, коррупция даражаси, мамлакатнинг криминаллашув даражаси, кредит рейтинглари, инсон салоҳияти даражаси, иқтисодий эркинлик ва бошқалар бўйича баҳоланади.

Юқори инвестицион халқаро рейтингга эга бўлиш учун мамлакат давлат ва унинг иқтисодиёти барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаши керак.

Мамлакат даражасида инвестиция стратегияси устувор тармоқлар, корхоналар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсти-

туционал ривожланиш, инфратузилмани ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни танлаш ва молиялаштириш муаммоларини ҳал қилади. Тақдим этилаётган давлатлар тарихан қисқа вақт ичида самарали ва рақобатбардош иқтисодиётни ташкил этиш муаммосини ҳал қилмоқдалар. Шунга ўхшаш муаммо, халқаро тажриба (Япония, Жанубий Корея, Тайван) кўрсатиб турибдики, фақат иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш шароитида ва дунёнинг ривожланган мамлакатларининг (ҳарбий, молиявий, технологик, илмий, институционал ва бошқалар) кўмаги билан ҳал қилиниши мумкин.

**Иқтисодиёти ўсиб бораётган мамлакатларнинг узоқ муддатли стратегияси босқичма-босқич амалга оширилади. Ривожланишнинг ҳар бир босқичида давлат устувор тармоқларни белгилайди ва ҳар хил имтиёзлар кўринишида давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Шарқий Осиё мамла-**

**катлари босиб ўтган ривожланиш йўлини Шарқий Осиёнинг ривожланиш йўли деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу давлатларнинг ривожланиш стратегияси баъзи умумий хусусиятлар билан тавсифланади:**

- Шарқий Осиё мамлакатларининг инвестиция стратегияси экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантиришга инвестицияларнинг ўсишига асосланади;

- давлат харажатларининг камлиги;

- солиқ юкининг пастлиги (одатда ЯИМнинг 1%га ҳам етмайди);

- жуда юқори ички ва ташқи инвестициялар - ЯИМнинг 40 фоизигача;

- ЯИМ ўсишининг жуда юқори суръатлари (6-11%);

- иқтисодиётни ташқи бозорларга йўналтириш;

- дунёнинг илғор мамлакатларининг энг янги технологияларига юқори даражада боғлиқлик;

- янгиликка бўлган юқори қобилият ва бошқалар;

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.cadtm.org/South-North-Developing-Countries-Developed-Countries-What-is-it-all-about>
2. *An Alternative Investment Strategy for Developing Countries in the Post-2015 Era* [https://unctad.org/meetings/en/Contribution/PS2013\\_c11\\_en.pdf](https://unctad.org/meetings/en/Contribution/PS2013_c11_en.pdf)
3. *Обзор подготовлен на основе углубленного анализа, содержащегося в Докладе о мировых инвестициях, 2018 год: инвестиции и новая промышленная политика* [https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2018\\_overview\\_ru.pdf](https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2018_overview_ru.pdf)
4. *Исмагилова Т.В., Юсупов Р.Г., Чинаев Т.В. Развитие торговой отрасли как фактор инвестиционной привлекательности региона // Экономика и управление: научно-практический журнал. 2015. № 6 (128). С.53-56.*





**Мамлакатда заргарлик тармоғидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари**

Акмал АКРАМОВ,  
лойиҳа раҳбари,  
ПМТИ

---

**Аннотация:** Мақолада бугунги кундаги глобал инқироз ҳолатларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка таъсирини юмшатиши бўйича тегишли чоратадбирларнинг ишлаб чиқирилиши ва уларнинг амалга оширилиши юзасидан илмий таҳлилий ёндашувлар акс эттирилган. Шунингдек, мақолада заргарлик соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришдаги муаммо ва камчиликлар таҳлил қилинган. Аниқланган камчиликларни бартараф этиши ҳамда соҳада фаолият юритаётган корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариши бўйича аниқ амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, инвестициялар, модернизация ва диверсификация, лицензия, заргарлик маҳсулотлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.



**Ўтган йилнинг  
яқунлари бўйича кичик  
бизнес ва хусусий  
тадбиркорлик субектла-  
рининг мамалакат ялпи  
ички маҳсулотида улуши**

**56,5%,** саноат

**маҳсулотларини ишлаб  
чиқаришдаги улуши**

**қарийб**

**35** фоизни, умумий

**экспортдаги улуши**

**28,7** фоизни ташкил

**этан.**

Ҳозирги глобал инқироз ва пандемия шароитида мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида юртимизда амалга оширилаётган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Буннинг учун иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқирилиши зарур ва долзарб эканлиги барчамизга аён дидир. Ҳозирги шароитдан келиб чиқиб, аҳолини иш билан таъминлашда айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари муҳим роль ўйнайди. Чунки бугунги кунда мазкур соҳада банд бўлганларни сони 10,3 млн. кишини (76,2%) ташкил этади. Ўтган йилнинг яқунлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектларининг мамалакат ялпи ички маҳ-

сулотида улуши 56,5%, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши қарийб 35 фоизни, умумий экспортдаги улуши 28,7 фоизни ташкил этган<sup>1</sup>.

Юқорида кўрсатиб ўтилган рақамларни жорий йилда пасайиб кетишига йўл қўймаслик учун, тадбиркорликнинг барча соҳаларини, шу жумладан заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш фаолияти билан банд бўлган кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантиришга қаратилган чоратадбирлар ишлаб чиқирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қадимдан хунармандлар томонидан қадрланиб, ҳозирга қадар

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти

сақланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган энг нафис ва кўҳна фаолият тури ҳисобланади. Бунга яққол мисол сифатида, қадимий шаҳарларимиздаги заргарлик маҳсулотлари бозорларини, хусусан Самарқанд шаҳридаги "Чорсу", Бухородаги "Тоқи Саррофон", "Тоқи Заргарон" тарихий мажмуаларини, археологларимиз томонидан топилган бир неча минг йиллик турли хил тилла осори-атиқаларини мисол кўрсатишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида мазкур тармоқ мустақилликнинг илк йилларида эътибордан четда қолганлиги туфайли, соҳа корхоналари асбоб-ускуналарининг 80 фоизи эскирган, айримларида ишлаб чиқариш тўхтаган эди. Қимматбаҳо металлларни заргарларга сотишда ҳам кўплаб чекловлар мавжуд эди.

Мамлакатимизда охириги уч йилда муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш, тармоқ ва соҳаларни модернизация ва диверсификация қилиш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали мамлакатимиз салоҳиятини орттириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида қатор тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Мамлакатда маҳаллий заргарлик тармоғини тиклаш ва ривожлантириш худди шундай ишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақсадларда Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармон қабул қилинди<sup>1</sup>.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 18 майдаги "Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5721 сонли Фармони.

Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши, тадбиркорларимиз учун замонавий рақобатбардош заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришларини ташкил этишларида, тармоққа чет эл инвестицияларини кенг жалб қилишларида, уларни зарур хомашё ва бошқа ресурслар билан таъминлашда қулай имкониятлар яратилди.

Мисол учун, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ўзи ишлаб чиқарган, заргарлик ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмларнинг аслик даражасини мустақил белгилаш ва уларга белгиланган намунадаги аслик даражаси белгиси изларини кўйиш ҳуқуқи берилди. Олдин ишлаб чиқарувчининг рўйхатдан ўтказилган шахсий тамғасини буюмга босиш шарти билан давлат аслик даражаси белгиси мажбурий равишда кўйиларди. Худди шунга ўхшаш мисол - бу заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни мустақил равишда чакана тартибда сотиш, шунингдек, аҳолидан қимматбаҳо металл парчалари, қимматбаҳо тошлар ва улардан ясалган буюмларни ишлаб чиқариш мақсадларида сотиб олиш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари Фармонга мувофиқ, 2019-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини ривожлантириш бўйича кенг қамровли комплекс чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди. Ушбу Дастурда заргарлик соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада легаллаштириш, заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, тармоқда малакали кадрларни тайёрлаш ва юқори сифатли, харидорбоп заргарлик маҳсулотларининг



**Ўзбекистон  
Республикасида мазкур  
тармоқ мустақилликни  
илк йилларида эътибордан  
четда қолганлиги  
туфайли, соҳа  
корхоналари асбоб-  
ускуналарининг  
80 фоизи эскирган,  
айримларида ишлаб  
чиқариш тўхтаган эди.  
Қимматбаҳо металлларни  
заргарларга сотишда  
ҳам кўплаб чекловлар  
мавжуд эди.**

ички ва ташқи бозорларда маркетинг ва харидини ташкил этиш каби бир қанча аниқ тадбир ва вазифалар белгиланди.


Муҳтарам юртбошимиз Фармонда заргарлик тармоғини саноат даражасига олиб чиқишни мақсад ва вазифа сифатида аниқ белгилаб бердилар. Бунинг учун заргарлик тармоғига халқаро брендга эга компаниялар инвестицияларини жалб қилиш, соҳадаги тадбиркорлик субъектларини, айниқса ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, айти пайтда заргарлик тармоғини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар-

нинг қабул қилиниши, белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши соҳанинг тез суръатлар билан ўсишига олиб келмаётганини қўришимиз мумкин. Бунинг сабабларидан бири, соҳада фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий заргарлик маҳсулотлари ҳажми ва экспортини кенгайтиришдаги ечилмаган муаммо ва камчиликлар мавжудлигидадир.

Биринчидан, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва сотишда солиқ тўловларини амалга ошириш тизимида ҳамда уларнинг фаолиятини лицензиялаш билан боғлиқ қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, тадбир-





корларга, жумладан рўйхатдан ўтмоқчи бўлганларга салбий таъсир кўрсатмоқда (олтиндан ясалган заргарлик буюмларни чакана савдода сотганлик учун ҳар 1 грамидан 1000 сўм миқдоридagi йиғим ундирилиши, қўшилган қиймат солиғини тўлаш савдо билан шуғулланувчи тадбиркорларга тушуши);

**иккинчидан**, кредит олиш тизимидаги камчиликлар, уларни расмийлаштиришдаги мураккаблик, ресурсларнинг чегараланганлиги, фоиз ставкалари юқорилиги (24% ва ундан ортиқ), мавжуд имтиёزلардан тадбиркорларнинг фойдаланиш имконияти йўқлиги ва шу каби ҳолатлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг инвестицион фаоллиги пасайишига сабаб бўлмоқда;

**учинчидан**, асосий фондларни янгилаш, янги замонавий технологиялардан фойдаланиш даражаси паст бўлганлиги сабабли, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ускуналарининг эскирганлиги, маҳаллий бозорларда норасмий импортнинг мавжудлиги, юқори талабни қондиришга қаратилган инвестицион лойиҳаларнинг етарли эмаслигини таъкидлаш лозим;

**тўртинчидан**, тадбиркорлар томонидан хомашёни сотиб олишда ҳам бир қатор салбий омиллар мавжуд бўлиб, тадбиркорлар томонидан хомашёнинг асосий қисми аҳолидан сотиб олишга қаратилган. Қимматбаҳо металларни тижорат банклари, Навоий КМК ва Олмалик КМК орқали сотиб олиш нархларининг нисбатан юқорилиги (сотилган қимматбаҳо металл қийматидан 1% маржа ва 1% воситачилик тўловлари ундирилади) ва ушбу жараёнларнинг ноқулайлиги тадбиркорлар қизиқишини пасайишига олиб келиши кузатишмоқда.

Бундан ташқари тадбиркорлар томонидан ҳозирда "Ўзбек-заргарсаноати" уюшмасига киришга бўлган қизиқиш паст бўлиб, рағбатлантирувчи омиллар кенг тадбиқ қилинмаган. Уюшмага аъзо бўлиш учун белгиланган бадал юқорилигича қолмоқда. Шу боис, уюшмага аъзолик тўловлари ҳамда унга аъзолик учун берилган қулайлик ва имтиёзларини қайта кўриб чиқиши зарур деб ҳисоблаймиз.

**Юқорида кўрсатилган мавжуд тизимли муаммоларни ҳал этиш ва тармоқни ривожлантириш учун қуйидагилар таклиф қилинади:**

1. Норасмий фаолият кўрсатган тадбиркорларни расмий рўйхатдан ўтказишни қўллаб-қувватлашнинг имтиёзли механизмларини жорий қилиш. Ушбу механизмлардан бири - яқка тартибдаги тадбиркорлар ва микрофирмаларни (ишчилар сони 10 кишигача) замонавий ишлаб чиқариш ускуналарини жорий этиш ва малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларни фаолиятга жалб этиш шарти билан, маълум вақтгача (1-2 йил) барча турдаги солиқлар ва йиғимлардан озод этиш.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 сентябрдаги 777-сон қарор (1-илова) билан тасдиқланган "Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 22-бандида белгиланган лецензия бериш муддатини 5 иш кунидан 3 иш кунигача қисқартириш. Шунингдек мазкур қарорнинг 23-бандига белгиланган лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун юридик шахслардан - базавий ҳисоблаш миқдорининг амалдаги 5 баравардан 3 бараварга, яқка тартибдаги тад-

биркорлар учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг амалдаги 2 баравардан 1 барваргача белгилаш.

3. Заргарлик тармоқларида фаол инвестицион сиёсатни олиб бориш учун, мавжуд кредит олиш имтиёзларини қайтадан кўриб чиқиш, бунда Марказий банк, тижорат банклари, "Ўзбекзаргарсаноати" уюшмаси ва Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш истаги мавжуд тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш механизмини (шу жумладан лизинг, мавжуд тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш фонди ва бошқа имтиёзли манбалар ҳисобидан) ишлаб чиқиш ва замонавий технология ва ускуналарни олишга яқиндан қўмаклашиш.

4. Заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришга қаратилган маҳаллий заргарлик кластерларини Тошкент, Хива, Бухоро, Самарқанд, Қўқон ва бошқа шаҳарларда шакллантириш, миллий заргарлик мактабларини ривожлантириш, рақобатбардошликни оширишга эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун заргарлик саноатини ривожлантиришнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган Концепцияси ва унинг асосида давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

5. Заргарлик корхоналарини ташкил этишда тадбиркорлик

субъектларининг инвестицион лойиҳаларини мамлакатимизда фаолият юритаётган 22 та эркин иқтисодий зоналар ҳудудларида кластер шаклида ташкил этиш.

6. Заргарлик тармоғи иштирокчиларининг замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарга бўлган юқори талабидан келиб чиққан ҳолда, "Ўзбекзаргарсаноати" уюшмаси томонидан, заргарлик тармоғида етакчилик қилаётган хорижий технологиялар ишлаб чиқарувчиларни жалб этган ҳолда заргарлик саноати учун зарур бўлган замонавий ускуналарни ишлаб чиқаришга қаратилган инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш.

Бунда инвестицион лойиҳа иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиши учун, биринчи навбатда эътиборни мавжуд бозорларни ўрганиш, уларни сегментларга ажратиш ва тайёр маҳсулотларни сотиш тармоқларини йўлга қўйиш, ишлаб чиқарилаётган ёки жалб қилинаётган технологияларнинг турли хил моделларини яратишга ва доимий ўзгартириб туришга қаратилиши лозим.

7. "Ўзбекзаргарсаноати" уюшмасининг мақсад ва вазифаларини қайтадан кўриб чиқиш, уни ҳақиқий заргарлик тармоғида асосий мувофиқлаштирувчи марказ, тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи, уларни ҳимоя қилувчи институт сифатида шаклланти-

риш лозим. Жумладан, заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар бўйича барча асосий кўрсаткичлар базасини шакллантириш, махсус маркетинг тадқиқотларини ўтказиш асосида ташқи ва ички талабни ўрганиш, инвесторларни таклиф қилиш учун қулай муҳитни шакллантириш, тизимли муаммоларни ҳал қилишга қаратиш.

8. "Ўзбекзаргарсаноати" уюшмаси тармоқ ишлаб чиқарувчилари билан биргаликда импортни камайтириш, норасмий заргарлик маҳсулотлари бозорга киришининг олдини олиш ҳамда аҳолини сифатли заргарлик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида, ушбу буюмларни аҳолига етказувчи савдо дўконларини тайёр маҳсулот билан узлуксиз таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. Бунда заргарлик буюмларини реализациясини қонучиликда белгиланган тартиб ва талаблардан келиб чиқиб, фақат махсус савдо комплекслари/дўконлари орқали сотиш.

Юқорида кўрсатилган таклиф ва тавсияларнинг ўз вақтида амалга оширилиши, заргарлик соҳасида мавжуд камчиликларни тезкорлик билан бартараф этилиши, соҳада малакали иш ўринлари яратилиши, заргарлик тармоғидаги тадбиркорликни янада ривожланишига олиб келади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикасида заргарлик соҳаси ривожланишини жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5721-сонли Фармони;*
2. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси чакана савдо қондалари";*
3. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.05.2018 йилги 399-сонли қарори билан тасдиқланган "Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низом";*
4. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 31 октябрдаги "Қимматбаҳо металлларни харид қилиш, сақлаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-3346-сонли Фармони;*
5. <http://www.sbma.org.sg/media-centre/publication/crucible-issue-7/why-do-turkish-banks-hold-gold-at-the-turkish-central-bank/>



## Некоторые аспекты механизма изучения и личности

Мурод АБУЛКАСИМОВ,  
Таможенный Институт  
Государственного  
Таможенного Комитета  
Республики Узбекистан

**Аннотация:** мақолада шахснинг иқтисодий хавфсизлигини ўрганишда фойдаланиш мумкин бўлган механизмлар тўғрисида муаллифнинг фикрлари ва таклифлари келтирилган. Унга кўра муаммони ўрганишда шахснинг иқтисодий хавфсизлиги индекси махсус кўрсаткичидан фойдаланиш таклиф этилган. Кўрсаткич Бирлашган миллатлар ташкилотининг Тараққиёт дастури томонидан ҳисоблаб бориладиган Инсон тараққиёти индекси асосида ишлаб чиқилган.

**Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги индексини ҳисоблаб бориш мамлакатда инсонларнинг иқтисодий манфаатларининг ҳимояланганлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш имкониятини беради.**

**Калит сўзлар:** шахснинг иқтисодий хавфсизлиги, инсон тараққиёти индекси, номинал ойлик иш хақи кўрсаткичлари, аҳолининг уй билан таъминланганлиги кўрсаткичи, мамлакатда жинойятчилик даражаси, аҳоли жамғармалари.

**Аннотация:** в статье представлены взгляды и предложения автора относительно механизмов, которые могут быть использованы при изучении экономической безопасности личности. Согласно которым предлагается использовать специальный показатель индекса экономической безопасности личности при изучении проблемы. Показатель основан на Индексе человеческого развития, рассчитываемый Программой развития ООН. Расчёт индекса экономической безопасности личности позволяет изучать и анализировать состояние защищенности экономических интересов людей в стране.

**Ключевые слова:** экономическая безопасность личности, индекс человеческого развития, показатели номинальной месячной заработной платы, показатель обеспеченности жильем населения, уровень преступности в стране, сбережения населения.

**Abstract:** the article presents the author's views and suggestions regarding the mechanisms that can be used in the study of the economic security of an individual. According to the article, it is proposed to use a special indicator - the index of economic security of an individual when studying a problem. The indicator is based on the Human Development Index, calculated by the UN Development Program. The calculation of the index of economic security of an individual allows us to study and analyze the state of protection of people's economic interests in the country.

**Keywords:** economic security of person, human development index, indicators of nominal monthly wages, indicator of housing provision for the population, crime rate in the country, population savings.

В условиях рыночной экономике каждый человек надеется на лучшее будущее, лучшую жизнь, более безопасную и высокий уровень жизни. Защищенность потребностей человека от тех факторов, которые негативно влияют на его интересы и препятствуют их реализации, называется личной безопасностью. Безопасность человека включает в себя защиту от посягательств на его жизнь, здоровье, свободу, личную неприкосновенность, честь и достоинство, а также имущество.

Одним из важнейших компонентов безопасности человека является его экономическая безопасность. Экономическая безопасность личности-это состояние обеспеченности таких прав и возможностей человека как свободный труд, предпринимательская деятельность, право

собственности, потребление необходимых товаров(услуг), качественное образование и здравоохранение, сильная социальная защита со стороны государства.

В последние годы вопрос экономической безопасности личности широко изучался учеными и различными международными организациями. Однако не существует отдельного агрегированного показателя, отражающего обеспеченности человека необходимыми товарами(услугами) и другими благами для нормальной жизни. Поэтому в изучении экономической безопасности личности необходимо использовать специальный показатель.

Со стороны автора разработан специальный индекс по изучению экономической безопасности личности. Чтобы понять методику расчета индекса, рас-

смотрим его на примере Республики Узбекистан.

Индекс экономической безопасности личности разработан на основе Индекса человеческого развития (ИЧР), который рассчитывается в рамках Программы развития Организации Объединенных Наций (ПРООН).

**Индекс экономической безопасности личности (Human economic security index HESI) рассчитывается на основе семи показателей:**

1. Ожидаемая продолжительность жизни (Life Expectancy Index (LEI));
2. Уровень развития образования (Education Index (EI));
3. Валовой национальный доход на душу населения (Income Index (II));
4. Средняя номинальная заработная плата (Averagewageindex (AWI));





5. Обеспеченность населения жильем (Housing provision index (HPI));

6. Сбережение (Saving index (SI));

7. Уровень преступности (Crime index (CI)).

Каждый из семи показателей рассчитывается в виде индекса между числами 0 и 1. Первые три показателя рассчитываются на основе методики и статистических данных доклада о человеческом развитии ПРООН<sup>1</sup>. Поэтому изучение методики расчета индекса экономической безопасности личности начнем с четвертого показателя. Важно отметить, что для расчета остальных показателей используется данные национальных органов статистики.

Показатель средневзвешенной номинальной заработной платы рассчитывается в долла-

рах США по паритету покупательской способности.

**Для расчета индекса нужно определить нижний и верхний предел. Для определения нижнего предельного показателя можно использовать порог бедности, который используется Всемирным банком, 1,9 долларов США в день. Если принять во внимание, что человек работает в среднем 25 дней в месяц, нижний предел номинальной заработной платы составит 47,5 долларов США в месяц. В качестве верхнего предела используется средняя заработная плата в Соединенных Штатах Америки по двум важным причинам:**

1. США добились больших результатов в области обеспечения экономической безопасности личности. Занимает девятое место в мире по среднемесячной заработной плате и находится на высоких местах по другим параметрам, отражающих уровень жизни населения;

2. Начисленная номинальная заработная плата рассчитывается в долларах США по паритету покупательской способности заработной платы.

Поэтому, в качестве верхнего предела для расчета индекса используется среднемесячная заработная плата в США, 2835 долларов США в 2018 году.

Рассмотрим показатели среднемесячной номинальной заработной платы на примере Республики Узбекистан. Средняя номинальная заработная плата в 2018 году составила 1822,2 тысячи сумов. Среднегодовой курс доллара США по отношению к узбекскому суму составило 8069,09 сумов за один доллар США. Средняя номинальная заработная плата в стране составило  $226(1822,2:8069,09)$  долларов США.

**Для вычисления номинальной зарплаты по покупательской способности нужно вычислить специальный индекс, который определяет разницу уровня цен в различных странах мира. Для расчета специального индекса вычисляем разницу показателей Узбекистана за 2018 год ВВП по номинальной стоимости и ВВП по покупательской способности согласно данным Международного валютного фонда:**

1. Human Development Report 2019. Beyond income, beyond averages, beyond today: Inequalities in human development in the 21st century. 2019 By the United Nations Development Programme 1 UN Plaza, New York, NY 10017 USA

$$\text{Индекс покупательской способности} = \frac{\text{ВВП по ППС}}{\text{Номинальный ВВП}} = \frac{276,8}{50,4} = 5,49$$

Умножаем рассчитанный индекс на среднемесячную заработную плату в стране:

$$5,49 * 249 = 1240,74 \text{ долларов США}$$

В Узбекистане среднемесячная заработная плата по покупательской способности составляет 1240,74 долларов. Нижняя граница средней заработной платы также рассчитывается по паритету покупательской способности:

$$47,5 * 5,49 = 260,7 \text{ долларов США}$$

С помощью пороговых показателей можно рассчитать индекс средней номинальной величины заработной платы по формуле:

$$AWI = \frac{\text{средняя номинальная заработная плата} - \text{минимальное значение}}{\text{максимальное значение} - \text{минимальное значение}}$$

где:

AWI (average wage index) - индекс средней номинальной заработной платы.

С помощью формулы определяем индекс средней номинальной заработной платы который составляет 0,38:

$$AWI = \frac{1240,74 - 260,7}{2835 - 360,7} = 0,38$$

Индекс обеспеченности населения жильём рассчитывается определением среднего арифметического значение двух показателей. По первому показателю мы рассчитываем площадь жилищного фонда на одного человека. Во втором показателе мы определяем единиц жилья на одного домохозяйства:

$$HPI = \frac{HPPP + HPPH}{2}$$

где:

HPI (housing provision index) - индекс обеспеченности жильём

HPPP (housing provision per person) - жилой фонд на одного человека (кв.м.)

HPPH (housing provision per household) - количество жилья на одно домохозяйство.

где:

$$HPPP = \frac{\text{жилой фонд на одного человека в кв.м.} - 10}{30 - 10}$$

$$HPPH = \frac{\text{объем жилищного фонда} * 1000}{\text{численность населения}} : \frac{1000}{\text{средний размер домохозяйства}}$$

При определении первого показателя определяем площадь жилья в кв.м. на одного человека. Здесь, в качестве максимального показателя установим 30 кв.м (в соответствии с критериями ООН) и нижнего показателя - 10 кв.м (на основе нормативно правовых актов). Согласно данным Государственного Комитета по Статистике Республики Узбекистан на одного человека приходится 15,85 кв. метров жилой площади:

$$HPPP = \frac{15,85 - 10}{30 - 10} = 0,29$$

При вычислении второго показателя нужно обратить внимание на среднее количество людей в одном домохозяйстве (5 человек в Узбекистане):

$$HPPH = \frac{6074552 * 1000}{32656660} : \frac{1000}{5} = 0,93$$

Рассчитываем индекс обеспеченности населения жильём:

$$HPI = \frac{0,29 + 0,93}{2} = 0,61$$

Следовательно, доступность жилья в стране в виде индекса составляет 0,61.

**Индекс сбережений населения рассчитывается с помощью двух показателей:**

1. Доход на душу населения за один месяц, тыс. сум;
2. Расходы на душу населения за один месяц, тыс. сум;

По данным Государственного Комитета по Статистике Республики Узбекистан в 2018 году общие расходы на душу населения в месяц составили 677,4 тыс. сумов, общий доход 722,1 тыс. сумов. Определим соотношение общих расходов и доходов на душу населения (в%):

$$\frac{677,4}{722,1} = 93,8\%$$

Следовательно, в среднем 6,2% (100-93,8) дохода населения в стране направлены на сбережения. Многие эксперты считают, что каждый человек должен направлять на сбережения не менее 10% своего месячного дохода. Следовательно, в течение одного года сбережения одного человека будут равны к 120 процентам от заработной платы. Через десять лет этот показатель будет равен 12-кратной месячной заработной плате. Мы используем тот же порог в 10% как верхний предел для вычисления индекса сбережений населения, индекс сбережений составляет 0,62.

$$SI (\text{Savings index}) = \frac{6,2}{10} = 0,62$$

**Индекс уровня преступности определяется с помощью количество преступлений на сто тысяч человек:**

$$\frac{\text{количество преступлений} * 100\ 000}{\text{количество населения}} = \text{количество преступлений на 100 тыс. в ед.}$$

В 2018 году в Республике Узбекистан было зарегистрировано 49011 преступлений. Используя приведенную выше формулу, определяем количество преступлений на 100 000 человек:

$$\frac{49011 * 100000}{32656660} = 150,0 \text{ единиц}$$

Итак, в стране на 100 000 человек приходится 150 преступлений. Чтобы преобразовать этот показатель в индекс, мы определяем его наивысший предел, десять тысяч преступлений (средний показатель стран с высоким уровнем преступности) на сто тысяч человек:

$$CI = 1 - \frac{\text{количество преступлений на сто тысяч}}{10000}$$

CI (crimeindex) -индекс уровня преступности

По Республике Узбекистан в 2018 году уровень преступности в виде индекса составило 0,98:

$$1 - \frac{150}{10000} = 0,98$$

Индикатор формируется между числами 0 и 1. Самый высокий показатель равен единице(самый высокий уровень безопасности), а самый низкий-нулю (собственность, жизнь и имущество людей постоянно находятся под угрозой).

Индекс экономической безопасности личности определяется средней геометрической величиной вышеуказанных семи показателей:

$$HESI = \sqrt[7]{LEI * EI * II * AWI * NPI * SI * CI} = \sqrt[7]{0,79 * 0,72 * 0,63 * 0,38 * 0,61 * 0,62 * 0,98} = 0,66$$

Индекс, отражающий экономическую безопасность личности в Республике Узбекистан, равен 0,66. По классификации Индекса человеческого развития ООН 0,66 является средним показателем:

1-таблица

### Классификации индекса человеческого развития ООН

№	Классификация индекса	Пределы показателей
1.	Очень высокий показатель	0,8-1
2.	Высокий показатель	0,7-0,79
3.	Средний показатель	0,555-0,699
4.	Низкий показатель	0,35-0,559

Анализ индекса экономической безопасности личности показывает, что осуществляемые в республике основные реформы в этой сфере должно быть направлено на повышение доходов населения, в том числе за счет увеличения средней номинальной заработной платы, а также увеличение обеспеченности жильем населения.

**2-таблица**

**Показатели индекса экономической безопасности личности  
в Республики Узбекистан за 2018 год**

№	Показатели	Величина, ед.
1	Индекс экономической безопасности личности (Human economic security index (HESI))	0,66
2	Ожидаемая продолжительность жизни (Life Expectancy Index (LEI))	0,79
3	Уровень развития образования (Education Index (EI));	0,72
4	Валовый национальный доход на душу населения (Income Index (II));	0,63
5	Средняя номинальная заработная плата (Average wage index (AWI));	0,38
6	Обеспеченность населения жильем (Housing provision index (HPI));	0,61
7	Сбережение (Savings index (SI));	0,62
8	Уровень преступности (Crime index (CI)).	0,98





Следует отметить, что индекс экономической безопасности человека является условным показателем, который уникален для всех государств.

В частности, для развитых стран вполне естественно, что рассчитанный индекс будет выше, чем у других стран. Поэтому при изучении индекса необходимо учитывать особенности страны.

Постоянно рассчитывая индекс HESI, можно изучать экономическую безопасность человека в разных странах мира. Кроме того, анализ индекса даёт возможность определения основных направлений реформ в сфере экономической защищенности населения страны.

### Список литературы

1. Проект "Бюджет для граждан 2019" Министерство финансов
2. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси 2015-2018. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент 2019.
3. Абулқосимов Ҳ.П., М.Абулқосимов М.Ҳ.: "Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт" Тошкент. 2019й. 116 бет.
4. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. -Т.: "Akademiya", 2012.-Б.94-95.
5. Алабичева М.А. Экономическая безопасность личности в условиях экономической стратификации российскоого общества// Ж.Социально-экономические явления и процессы. М., 2014 №4.-С.125.;Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. -М., РАГС, 2001. с.245.
6. Гайдар А.П. Безопасность жизнедеятельности. Учебное пособие. // Источник: <http://www.newsocio.ru/nspgs-333-1.html>.
7. Губин А. В. Особенности системы социальной защиты в США // Омские социально-гуманитарные чтения - 2015, Материалы VIII Международной научно-практической конференции. Министерство Омской области; Омское отделение Российского общества социологов; Омский государственный технический университет, факультет гуманитарного образования, кафедра социологии, социальной работы и политологии; Ответственный редактор Л. А. Кудринская. 2015 - С. 53-60
8. Степичева О.А., Чернова В.В., Котелникова М.А. Целевая функция и угрозы экономической безопасности личности // Социально-экономические явления и процессы. Т.10, №2, 2015-С.88.
9. Jooyeoun Suh, Ph.D., Jennifer Clark, Jeff Hayes, Ph.D. Basic Economic Security in the United States: How Much Income Do Working Adults Need in Each State?, Institute for women's policy research/ iwpr.com

### Интернет сайты

10. <http://www.gov.uz>
11. <http://www.lex.uz>
12. <http://www.mineconomy.uz>
13. <http://www.stat.uz>
14. [www.oecd.org](http://www.oecd.org)// Rosenfeld, S. Backing into Clusters
15. <http://www.fao.org/sustainability/background/ru/>
16. <https://www.rbc.ru/economics/05/02/2019/5c5948c59a794758389cfd7>
17. <http://www.geoba.se/population.php?pc=world&type=015&year=2018&st=rank&asde=d&page=1>
18. World economic outlook(April 2019), <https://www.imf.org/external/datamapper/datasets/WEO>
19. <https://de.statista.com/themen/293/durchschnittseinkommen/>
20. <https://www.statista.com/statistics/227005/unemployment-rate-in-germany/>
21. [http://www.gks.ru/free\\_doc/new\\_site/population/urov/vpm/proj-min.html](http://www.gks.ru/free_doc/new_site/population/urov/vpm/proj-min.html)



## БЛОКЧЕЙН НИМА?

**"Блокчейн** – маълумотларни сақлаш учун тақсимланган реестр" - бу изоҳни бир неча марта эшитган, бироқ ҳеч нарсани тушунмаган бўлишингиз мумкин.

Блокчейн – бир-бири билан Интернет орқали боғланган кўплаб компьютерларда бир вақтнинг ўзida сақланувчи маълумотлар базаси. Унинг нега кераклигини мисол ёрдамида тушунтириш осонроқ.

Бразилиядаги холангизга банк жўнатмалари орқали 100 доллар юбордим, деб тасаввур қилинг. Жўнатма шаклини тўлдирганингиздан сўнг банк ходими шахсий ҳисобингиздан пулни ечиб олиб, уни халқаро ўтказмалар учун банкнинг ягона ҳисобига ўтказди.

Сўнгра бошқа ходим бу пуллари агент банкнинг ҳисобига ўтказди, у эса, ўз навбатида, пуллари Бразилияга ўтказди. У ерда ўтказмангиз айнан шу тахлит холангизнинг шахсий ҳисобига тушади. Жўнатма давомида ҳеч ким хатога йўл қўймаган бўлса, уч кун ўтиб холангиз 97 долларни олади (барча банкларнинг комиссияла-

ри олингандан сўнг). Бироқ, энг қўрқинчлиси, шу уч кун ичида на сиз, на холангиз, қолаверса, банкирлардан ҳеч бири айна вақтда пуллари-гиз қаерда эканлиги ва уларнинг ҳисобини ким юритаётганлигини билмайди.

Сервернинг кутилмаганда бузилиб қолиши, банк ходимининг инсофсизлиги ёки хакерлик ҳужуми узоқ суриштирувларнинг бошланишига сабаб бўлиши мумкин. Ахир бу каби ҳодисалар ҳисобингиздаги пуллар билан ҳам содир бўлиши мумкин. Демак, сиз ҳар куни тизимга умид қиласиз ва банкингизга ишонасиз, бу эса катта муаммо.

Ҳозирда блокчейнлар асосан криптовалюта жўнатмалари учун фойдаланилмоқда. Бироқ у ташкилотларнинг турли мақсадлари учун ҳам фаол жорий этилмоқда.

### Блокчейннинг афзаллиги нимада

Блокчейннинг афзаллиги унинг шаффоф, тезкор, соддалиги ва қийматида. Сиз криптовалюта ёки бирор маълумотни блокчейн орқали жўнатган бўлсангиз, бундай жўнатма ҳақида маълумотни ўзгартириш ёки қалбакилаштиришнинг имкони йўқ. Чунки у бутун дунё бўйича юз минглаб компьютерлар томонидан тасдиқланади. Айнан ушбу компьютерларда ушбу маълумотнинг кўплаб нусхалари сақланади - улар билан исталган фойдаланувчи исталган вақтда танишиши мумкин. Жўнатма жараёни бор-йўғи бир неча дақиқа вақт олади ва банк жўнатмасидан бир неча ўн марта арзон. Агар сиз пуллар ёки маълумотни блокчейнда сақласангиз, ушбу қайдлар ҳеч қачон йўқолиб кетмайди ёки сохталаштирилмайди. Бозорнинг исталган иштирокчиси исталган дақиқада молиявий аҳволингизга ишонч ҳосил қилиши мумкин. Бу ҳеч қандай учинчи томон ёки воситачи иштирокисиз, тўлиқ шаффофлик ва ҳисоблар аниқлигининг математик кафолати.



## КРИПТОВАЛЮТА НИМА?

**"Bitcoin" орқали пул ишлаб топиш мумкинми?**

**66**  
**2009** йил

**математик ҳисоб-  
китоблар натижасида  
ишлайдиган, янги тўлов  
тизимини оммага тақдим  
этганида топилди.  
Тўловни амалга ошириш-  
да ишлатиладиган пул  
бирлиги - биткоинлар  
бўлди.**

**Криптовалюталарнинг эгаси,  
ҳатто, ташқи ёки ички бошқарув-  
чиси ҳам йўқ. Ташқи тарафдан ти-  
зимнинг ичида содир бўлаётган  
ўтказмаларга таъсир ўтказиб  
бўлмайди.**

Ўтказмалар учун сервиснинг эгаларига комиссия тўлови мавжуд эмас, чунки унинг эгаси йўқ. Фақатгина майнерларнинг хизмати-га тўланади (улар янги пул бирликларини топиш ҳамда ўз компьютерлари ёрдамида ўтказмаларнинг мўътадиллигини сақлаб туриш билан шуғулланади), бироқ у ҳам мажбурий эмас, фақатгина трансакцияларнинг ўтишини тезлаштириш учун керак.

Интернет ривожлангани сайин одамлар "узоқдан туриб" пул тўлашига тўғри кела бошлади. Пулни қўлдан-қўлга беришни эса, умуман, иложи йўқ. Шунинг учун "ўртакаш"ларга, яъни электрон тўлов тизимлари, банк ёки курьерга мурожаат этиш керак.

Ҳар қандай "ўртакаш" бажараётган амалиёти учун ҳақ олиб қолади, чунки текинга ишлашни ҳеч ким хоҳламайди. Ўтказилаётган пул қанча кўп бўлса, солиқлардаги йўқотиш ҳам шунчалик кўп. Ахборот технологиялари ри-

вожлангани сайин одамлар ўйла-ниб қолди: "қандай қилиб харажатларни камайтириш ва ФИКни (фойдали иш коэффиценти) 100 фоизга оширган ҳолда бизнес юритиш мумкин?".

Таклифлар жуда кўп эди, лекин ҳаммаси рад этилди, ахир олди-бердидаги солиқларни олиб ташлаганда ҳам фирибгарлардан қандай ҳимояланиш - пулни айнан сиз ўтказганингиз ёки уни олганингизни қандай исботлаш мумкин?

Бунинг ечими Сатоши Накамото 2009 йил математик ҳисоб-китоблар натижасида ишлайдиган, янги тўлов тизимини оммага тақдим этганида топилди. Тўловни амалга оширишда ишлатиладиган пул бирлиги - биткоинлар бўлди. Улар махсус ҳамёнларда сақланади, уларни бошқа ҳамёнга тушириш ҳамда ишлатиш мумкин.

Бир "Bitcoin" ҳамён ҳисобидан пул кетган ёки унга келганини аниқлаш учун мутахассислар барчага очиқ ҳолда, бир ҳамён ёки бошқа манзилдан қанча биткоинлар кетгани ва келганини кўрсатишни таклиф этди. Яъни, сиз криптовалюта тармоғига уланганингизда барча "Bitcoin"лар олди-сотдисини кўришингиз мумкин бўлади. Шунингдек, барча ҳамёнлар анонимдир (эгаси ким эканлиги айтилмайди), шунинг учун сизга кимдир қайсидир ҳамён уники эканини айтмаган бўлса, ҳеч қачон бу ҳақда била олмайсиз.

**"Bitcoin" - ҳеч қандай моддий эквиваленти йўқ ва шунчаки маълумотлар базасидаги қайдлар жамланмасидан иборат виртуал пуллар. База ҳам, у ўрнатилган технология ҳам жуда ишончли бўлганлиги сабаб, инсоният учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Криптовалюталар "Блокс Чаин" номини олган ("блоклар занжири") база асосида яратилган. Унинг ишлаш тартибини тушунтиришга ҳаракат қиламиз.**

"Ҳоянинг асоси — марказлашмаган маълумотлар базасини яра-



тиш (битторрент каби асосий серверга эга бўлмаган) ва маълумотлар нухаларини шифрланган ҳолда тизимнинг барча иштирокчилар серверида сақлаш. Биткоинда бу криптовалюта бирликларида амалга оширилувчи барча амалиётларнинг трансакциялар базаси ҳисобланади. Рўйхатга олинган бу маълумотлар барча иштирокчилар учун мавжуд".

Базадаги барча янги маълумотлар иштирокчиларда мавжуд нухаларга мос келади. Синхронизация ва консенсус яратиш алгоритмлари ишлайди. Уни ўғирлаш учун эса камида иштирокчиларнинг ярмидаги маълумотларни ўзгартириш керак, миллионлаб тармоқлар ичида буни амалга ошириш деярли имконсиз.

Қалбаки тўлов тизимидан фойдаланиш учун блоклар занжирида сақланувчи тақсимланган базаларни ҳам алмаштириш керак (минглаб компьютерлардаги), бунинг учун эса барча компьютерларга кира олиш лозим бўлади. Бемаънилик.

Аммо технология бу технология, пул эса - пул. Моддий жиҳатдан мавжуд "Bitcoin" номли криптовалюта яратишда маълум қонун-қоидалар қабул қилинган. Масалан, "Bitcoin" кучли инфляцияга учрамаслиги учун дастлаб ушбу виртуал пулларнинг миқдорини чеклаш мақсад қилинган. Шу сабабли виртуал олтин эквиваленти деган тушунча киритилган, уни сотиб ёки қазиб олиб қўлга киритиш мумкин. Янги "Bitcoin"ларни қўлга киритиш усули майнинг дейилади ("виртуал шахтачилар", аммо улар киркалар ёрдамида эмас, ўзининг компьютерлари ва махсус яратилган тизимлари асосида ишлайди).

"Bitcoin" олтинга янада ўхшашроқ бўлиши учун уни қўлга киритиш олтинни қазиб олишдек мушкул ишга айланган. Акс ҳолда криптовалютанинг мавжуд графикада янги бирликлар кўпайиб кетади. Бунинг учун эса барча майнерлар ("виртуал шахтачилар") ўз компьютерлари ёки махсус тизим

орқали жуда мураккаб ҳисоб-китобларни амалга оширади - хеш функцияси деб аталадиган махсус формуладан фойдаланиб, ҳисобланган рақамларни берилган шаблонга ташлайди.

Шаблон эса шундай ҳисоб-китоб билан аниқланадики, майнерларнинг ҳар қандай рақамида "Bitcoin"нинг янги бирлиги 10 дақиқада бир марта пайдо бўлади. Тизим икки ҳафтада бир марта криптовалютанинг навбатдаги бирликларини "қазиб олиш ишларини" мураккаблаштириш мақсадида тузатиш киритади, бу эса керакли шаблоннинг кўтарилиши ёки пастга тушишига ёрдам беради.

Криптовалютанинг янги бирлигини қўшган одамга харажатлари тўлаб берилади ("Bitcoin"да). Вақт ўтган сари ушбу маблағ камаймоқда, бироқ криптовалюта курсининг ўсаётганлиги буни бемалол қоплайди.

Ўз компьютерларини майнинг учун берган одамлар бир вақтнинг ўзида ушбу тизимга трансакциялар (тўловлар)ни амалга оширишда ёрдам беради, шунингдек, тизимнинг барча иштирокчилари ўртасида маълумотлар базасини синхронлаштиради.

**Тизимнинг ҳар бир фойдаланувчисига махсус манзил (оддий калит асосида) яратилган криптографик ҳисоб) ва махфий калит берилади. Бу орқали у ўтказмаларни тизимнинг бир манзилдан бошқасига кўчира олиши мумкин. Бу одатдаги ҳамёнга ўхшайди, фақат ўтказмалар шаффоф тарзда амалга оширилади ва барча ким-кимга қанча ўтказганини кўра олади.**

**"Bitcoin"нинг афзаллик ва камчиликлари**

Ҳозирги вақтда "Bitcoin" валютаси курси жуда баланд эканлиги туфайли ҳисоб-китоблар унинг кичик бир улушида олиб борилади. Олди-бердиларда кўпинча "сатоши" ишлатилади. Унинг қиймати 0.00000001 "Bitcoin"га тенг.

**Мустақил.** Тизим мутлақ автоном ва ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмас. Сиз бир ҳамёндан бошқасига маблағ ўтаётганини кўриб турасиз, аммо уни тақиқлай ҳам, блоклай ҳам олмайсиз. Ҳатто бу шахслар жамиятнинг қушандалари бўлса ҳам.

**Чегараланган.** Криптовалюта яратилган алгоритмга асосан, жами 21 000 000 гача "Bitcoin" топши мумкин, бундан сўнг эса етиштириш тўхтатилади. Бунинг оқибатида нима бўлишини ҳеч ким билмайди, агарда молиявий портлаш бўлмаса, криптовалюта муомалада қолади ва ҳар замон курсини ўзгартириб тураверади.

**Тўлиқ махфийлик.** "Bitcoin" ҳамёни рақамлари орқали унинг эгаси ким эканлигини билиб бўлмайди, бунинг оқибатида ноқонуний пул айлантириш ва фирбгарликка йўл очилади.

**"Ўртақаш"ларнинг йўқлиги.** "Bitcoin"ларни ўтказиш учинчи томонсиз (банксиз) амалга оширилади. Бу эса битимнинг тезда "имзоланиши"га хизмат қилади. Аммо бу унинг хавфсизлигига путур етказиши ва ўтказилган маблағни қайтариб олиб бўлмайди.

**Таъминланмаган.** Криптовалюта, реал пулларга ўхшаб, доимий резерв билан таъминланмаган ва бошқа сабабларга кўра "Bitcoin" курси қутилмаганда тўлиқ нолга тушиб кетиши ҳеч гап эмас.

**Расмий ишламайди.** "Bitcoin" молия тизимига ёмон таъсир этиши мумкин, шу сабабли кўп давлатлар криптовалютага ишончсизлик билан қарайди. Россияда "Bitcoin" етиштириш билан шугулланганларни жавобгарликка тортиш бўйича қонун тайёрлашган, лекин ҳали тўлиқ кучга кирмаган. Аммо яқиндагина Венесуэла Президенти Николас Мадуро мамлакатнинг расмий криптовалютаси – "Эл Петро"нинг дастлабки эмиссиясини тасдиқлади.

**Маъмур БАЁНОВ**  
тайёрлади.